

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI СУДЛАРИ ТОМОНИДАН ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯЛАР НОРМАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Амалий семинар материаллари тўплами

Тошкент – 2020





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



# **ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI СУДЛАРИ ТОМОНИДАН ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯЛАР НОРМАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

**Амалий семинар материаллари тўплами**

Тошкент – 2020

## **Амалий семинар материаллари**

**Александр Вашкевич**

ю.ф.н., Европа ижтимоий университет профессори

**Георгий Тугуши**

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро эксперт

**Азамат Салаев**

“Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” лойиҳаси раҳбари

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида **БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН**. Нашр мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, БМТ Тараққиёт Дастури, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ёки АҚШ ҳукуматининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмайди.

Нашрнинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг [www.sud.uz](http://www.sud.uz) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг [www.uz.undp.org](http://www.uz.undp.org) интернет сайтларида жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди,  
Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1.  
Телефон: (+998 71) 239-02-67

© БМТ Тараққиёт Дастури, 2020.

© АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), 2020.

© Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2020.

## МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЛАРИ ТОМОНИДАН ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯЛАР НОРМАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.....	7
ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАҲЛИЛИ .....	33
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЛАРИ ТОМОНИДАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ЗАРУРАТИ ҲАҚИДА .....	39
ҚИЙНОҚ ҲАМДА МУОМАЛА ВА ЖАЗОЛАШНИНГ ҚАТТИҚ ШАФҚАТСИЗ, ИНСОНИЙЛИККА ЗИД ЁКИ ҚАДРҚИММАТНИ КАМСИТУВЧИ ТУРЛАРИГА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯ .....	47
Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, файриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ ҚОИДАЛАРИНИ СУДЛАР ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ .....	65
КАЗУСЛАР .....	71
СУДЛАР ТОМОНИДАН ФУҚАРОВИЙ ВА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ .....	75
ФУҚАРОЛИК ВА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТ .....	85
ФУҚАРОЛИК ВА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТГА ФАКУЛЬТАТИВ ПРОТОКОЛ .....	109
СУДЛАР ТОМОНИДАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАМСИТИШНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА КОНВЕНЦИЯ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ.....	115

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ КАМСИТИЛИШИНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИШ ТУҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ .....	123
КАЗУСЛАР .....	141
«ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА БМТ КОНВЕНЦИЯЛАРИ ҚОИДАЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЛАРИНИНГ ҚАРОРЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ» МАВЗУСИДАГИ АМАЛИЙ СЕМИНАР ДОИРАСИДА КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН МАТЕРИАЛЛАР .....	144



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЛАРИ ТОМОНИДАН ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯЛАР НОРМАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастирунинг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси томонидан 2017-йилда тайёрланган





## КИРИШ

Давлат мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ва улар билан шериклик ўрнатиш орқали дунё ҳамжамиятига кириб бориш йўлини танлади. Бундай ҳамкорлик ривожланишнинг устувор йўналиши ва давлат ташқи сиёсатининг муҳим жиҳати сифатида белгиланган.

Мустақил Ўзбекистоннинг 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қўшилиши унинг учун муҳим қадам бўлди. Бу билан Ўзбекистон БМТ Низоми мақсадлари ва тамойилларига ҳамда умуминсоний қадриятларга содиқлигини, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича сай-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини намойиш этди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг муҳим Конвенцияларига қўшилган ва Конвенциялар ўрнатган қоидаларга риоя қилиш бўйича ўз зиммасига мажбурият олган.

### 1-Жадвал. Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги БМТнинг асосий Конвенциялари

№	Конвенциянинг номи	Ўзбекистон Республикаси қўшилган сана
1.	Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт	31.08.1995 й.
2.	Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир Факультатив баённома	31.08.1995 й.
3.	Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган иккинчи Факультатив протокол	10.12.2008 й.
4.	Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт	28.09.1995 й.
5.	Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир Факультатив протокол	ратификация қилинмаган
6.	Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция	28.09.1995 й.
7.	Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида конвенция	19.07.1995 й.
8.	Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида конвенцияга доир Факультатив протокол	ратификация қилинмаган
9.	Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенция	28.09.1995 й.



№	Конвенциянинг номи	Ўзбекистон Республикаси кўшилган сана
10.	Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенция доир Факультатив протокол	ратификация қилинмаган
11.	Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция	29.06.1994 й.
12.	Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болаларнинг қуроли можароларда иштирокига доир Факультатив протокол	12.12.2008 й.
13.	Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига доир Факультатив протокол	11.12.2008 й.
14.	Хабар бериш тартиб-таомилига оид бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир Факультатив протокол	ратификация қилинмаган
15.	Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция	27.02.2009 йилда имзоланган, ратификация қилинмаган
16.	Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция доир Факультатив протокол	ратификация қилинмаган
17.	Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқлари ҳимояси тўғрисида халқаро Конвенция	ратификация қилинмаган
18.	Барча шахсларни мажбурий йўқолишдан ҳимоя қилиш тўғрисида халқаро Конвенция	ратификация қилинмаган
Манба: <a href="http://indicators.ohchr.org/">http://indicators.ohchr.org/</a> 2017 йил 26 октябрь ҳолатига		

Мамлакатимиз Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш тарафдори эканлигини ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш муҳимлигини таъкидлади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва нормаларини амалга ошириш ҳамда халқаро стандарт ва илғор ҳорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳар доим Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ажралмас қисми бўлиб келганлигини таъкидлаш лозим. 2016 йилнинг октябридан бошлаб амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг янги дастурида ҳам ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратилган.

«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да кўзда тутилган юқорида айтиб ўтилган илоҳатлар дастури доирасида мамлакатнинг халқаро

обрўсини мустаҳкамлаш ва халқаро стандартлар ҳамда илғор ҳорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда процессуал қонунчиликни такомиллаштириш устувор вазифалар деб эълон қилинди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш учун жуда муҳимдир, чунки суд тизими фаолияти халқаро ташкилотлар, шунингдек, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмиталари томонидан батафсил ўрганиб чиқилиб, баҳоланмоқда. Хусусан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмиталарининг Ўзбекистон Республикасининг даврий ҳисоботларини кўриб чиқиш натижасига кўра тез-тез учрайдиган тавсияларидан бири бу миллий судлар томонидан ўз қарорларида БМТ Конвенциялари қоидаларини етарли даражада қўлланилмаётганлиги ҳақидадир. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан берилган жавобларга қарамай, ушбу тавсия БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмиталари учун долзарблигича қолмоқда.

Миллий судлар томонидан суд ҳужжатларида БМТ конвенцияларини қўллашнинг самарали механизмини жорий этилиши қуйидагиларга ўз таъсирини ўтказади:

- суд тизими мустақиллигини янада мустаҳкамлаш ва суд ҳокимиятининг нуфузини оширишга;
- судьяларнинг малакаси ва тиришқоқлиги тамойилини («Судьяларнинг ахлоқи бўйича Бангалор тамойиллари») амалга оширишда. Ушбу тамойилга кўра судьяларнинг инсон ҳуқуқларига оид бўлган халқаро нормалар, жумладан, халқаро конвенция ва бошқа ҳужжатлар борасида тегишли ўзгаришлардан хабардорлиги улар томонидан ўз мажбуриятларини бажаришнинг зарур шarti ҳисобланади.

Бундан ташқари, ушбу тавсияни ўрганиш ва таҳлил қилиш, шу жумладан БМТнинг тегишли қўмиталари билан муҳокама қилиш орқали халқаро стандарт ва илғор ҳорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда процессуал қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ва таклифларни ишлаб чиқишни рағбатлантириш ҳам суд-ҳуқуқ ислоҳатларининг мақсади ҳисобланади.

Ушбу ҳужжатда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмиталари томонидан миллий судлар ўз суд ҳужжатларида БМТ Конвенцияларини етарли даражада қўлламаслиги бўйича берилган тавсиялари таҳлил қилинган; миллий қонунчилик ўрганиб чиқилган; ушбу тавсияларни самарали амалга оширишни таъминлаш учун таклифлар ишлаб чиқилди.

## **ДОЛЗАРБЛИГИ**

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ халқаро ҳужжатларнинг, шу жумладан, БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 9 та асосий конвенцияларининг 6 таси ҳамда 4 та факультатив протоколларнинг иштирокчиси ҳисобланади.



Ушбу Конвенциялар ратификация қилингандан сўнг, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий органларининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда бир қатор қонун ҳужжатларини ва ташкилий чораларни қабул қилинди. БМТ Конвенцияларига қўшилиш аъзо давлатларга конвенцияларда белгилаган қоидаларни бажариш мажбуриятини юклайди.

## 2-Жадвал. Даврий ҳисоботларни тақдим этишни назарда тутувчи БМТ Конвенцияларининг моддалари

№	Конвенциянинг номи	Ўзбекистон Республикаси қўшилган сана	Конвенциянинг моддаси
1.	Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт	31.08.1995 й.	40-модда
2.	Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт	28.09.1995 й.	16-модда
3.	Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция	28.09.1995 й.	9-модда
4.	Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенция	19.07.1995 й.	18-модда
5.	Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазоланишнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенция	28.09.1995 й.	19-модда
6.	Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция	29.06.1994 й.	44-модда

Манба: <http://indicators.ohchr.org/>  
2017 йил 26 октябрь ҳолатига

БМТ конвенциялари қоидаларини бажариш бўйича мажбуриятларни амалга оширишни мониторинг қилиш механизмларидан бири бу иштирокчи-давлат томонидан ушбу қоидаларни имплементация қилиш ва амалга ошириш учун кўрилган чоралар (қонунчилик, суд соҳасида, маъмурий ва бошқалар) тўғрисида даврий ҳисоботларни тақдим этишдир.

Иштирокчи-давлатларнинг даврий ҳисоботларини кўриб чиқиш натижалари бўйича БМТ қўмиталари уларни хавотирга солаётган йўналишлар бўйича тегишли таклиф ва тавсияларни баён қилувчи якуний мулоҳазаларини тақдим этади.

Турли йилларда БМТнинг турли қўмиталари, бошқа мулоҳазалар билан бир қаторда «суд қарорларида Конвенциялар ҳақида бирон бир эслатма йўқлиги», Конвенция қоидаларини «миллий судлар томонидан камдан-кам ҳолларда тўғридан-тўғри қўлланилиши» ҳақида ўз «хавотирларини» билдиришмоқда ва

миллий судлар томонидан суд ҳужжатларида Конвенция қоидаларини қўллаш бўйича чоралар кўриш зарурлигига эътибор қаратишмоқда. Ушбу тавсиянинг асоси шундаки, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Конвенциялари қоидаларига риоя қилиш ушбу ҳуқуқларни суд орқали ҳимоя қилишни ҳам ўз ичига олади. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Конвенциялари қоидаларига риоя қилишни суд орқали ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари мавжуд бўлмаган тақдирда бундай қоидаларни миллий қонунчиликка киритишдан иборат бўлиб қолади.

### 3-Жадвал. Миллий судлар томонидан суд ҳужжатларида БМТ конвенциялари қоидаларини етарли даражада қўлласликлари бўйича БМТ қўмиталарининг тавсиялари

Тавсияларни ўз ичига олган ҳужжат номи ва реқвизитлари	Тавсияларнинг матни
ССРР/СО/71/УЗВ Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмита томонидан 1908, 1910 ва 1911да (2001 йил 26-27 март) қабул қилинган (Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт)	28. Пакт миллий қонунчиликдан устун туриши ва унинг қоидаларига судлар тўғридан-тўғри ҳавола қила олишлари мумкинлиги фактидан келиб чиқиб, шу кунга қадар судларда Пактнинг қоидалари тўғридан-тўғри қўлланган бирор иш кўрилмаганлигига Қўмита ўз хавотирини билдиради. Иштирокчи-давлат судьялар низоларни ҳал қилишда Пакт қоидаларини қўллай олишлари, шунингдек, юристлар ва кенг жамоатчилик судларда Пакт қоидаларига ҳавола қила олишлари учун улар орасида Пакт қоидалари тўғрисида билимларни кенг тарқатиш учун жиддий сай-ҳаракатларни амалга ошириши керак (Пактнинг 2-моддаси)
Е/С.12/УЗВ/СО/2 Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита томонидан 23 и 24- йиғилишларда (2014 йил 13 май) ҳамда 40- йиғилишда (2014 йил 23 май) қабул қилинган (Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт)	5. Иштирокчи-давлат тақдим этган маълумотларга асосан унинг ички қонунчилиги Пакт қоидаларини тўғридан-тўғри қўллашга рухсат беришига қарамасдан миллий судлар Пакт қоидаларини тўғридан-тўғри қўлласлигидан Қўмита афсусда эканлигини маълум қилади. (1-модда). Қўмита иштирокчи-давлатни Пакт қоидаларини миллий судларда қўллаш ва уларга ҳавола қилиш имкони мавжуд бўлишини таъминлаш учун, жумладан ҳуқуқ эгалари ва масъул органларнинг хабардорлигини ошириш орқали чоралар кўришга қаттиқ ундайди. Қўмита иштирокчи-давлат Пактни миллий ҳуқуқда қўллаш бўйича 9-сонли умумий тартибдаги мулоҳазасига (1998) эътибор бериши кераклигини таъкидлайди. Қўмита иштирокчи-давлат ўзининг навбатдаги даврий ҳисоботига Пактда белгиланган ҳуқуқларни амалга оширишни таъминловчи суд қарорлари ҳақида маълумотлар киритишни таклиф қилади.



**Тавсияларни ўз ичига  
олган ҳужжат номи ва  
реквизитлари**

**Тавсияларнинг матни**

CRC/C/UZB/CO/3-4  
Бола ҳуқуқлари бўйича  
Қўмита томонидан  
33-сессияда қабул  
қилинган (2013 йил 27  
май-14 июнь)  
(Бола ҳуқуқлари  
тўғрисидаги Конвенция)

8. Иштирокчи-давлат Конституциясининг муқаддимасида халқаро шартномаларнинг мақоми белгиланганлигини таъкидлаган ҳолда, Қўмита иштирокчи-давлат Конституциясининг асосий қисмида ва «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунда Конвенция ҳуқуқ манбаи сифатида аниқ кўрсатилмаганлигидан афсусда эканлигини маълум қилади. Бундан ташқари, Қўмита Конвенция судлар томонидан тўғридан-тўғри қўлланилмаслигидан ва суд қарорларида уларга ҳавола қилинмаслигидан хавотирга тушганлигини билдиради.

CEDAW/C/UZB/CO/3  
Хотин-қизларни  
камситишга барҳам бериш  
бўйича Қўмита томонидан  
36-сессияда қабул  
қилинган (2006 йил 7-25  
август)  
(Хотин-қизларни  
камситишнинг барча  
шаклларига барҳам бериш  
тўғрисида конвенция)

13. Конвенция қоидалари ўзбек тилига таржима қилинган ва унинг матни бир қатор хотин-қизларнинг нодавлат ташкилотлари орасида кенг тарқатилишини маъқуллаган ҳолда, Қўмита судьялар, адвокатлар ва прокурорлар Конвенция қоидалари ва Қўмитанинг умумий тавсиялари тўғрисида етарлича яхши билмасликларидан хавотирдадир. **Бу ҳолат суд қарорларида Конвенция тўғрисида ҳеч қандай эслатма йўқлиги билан тасдиқланади.**

CEDAW/C/UZB/CO/4  
Хотин-қизларни  
камситишга барҳам бериш  
бўйича Қўмита томонидан  
45-сессияда қабул  
қилинган (2010 йил 18  
январь – 5 февраль)  
(Хотин-қизларни  
камситишнинг барча  
шаклларига барҳам бериш  
тўғрисида конвенция)

12. Қўмита иштирокчи-давлатдан ҳокимиятнинг барча тармоқлари ва **суд органлари Конвенция ҳақида етарли даражада хабардор бўлиши ва унинг қоидаларини гендер тенгликни таъминлаш ҳамда хотин-қизларнинг ҳолатини яхшилашга қаратилган барча қонунлар, суд қарорлари ва сиёсатнинг асоси сифатида қўллашни** таъминлаш учун барча зарур чораларни кўришни сўрайди. Қўмита иштирокчи-давлатни Конвенция, Қўмитанинг умумий тавсиялари ва тегишли миллий қонунчилик ҳужжатлари барчага, жумладан ҳуқуқшунослар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва суд тизими ходимларига таълим беришнинг ҳамда касбий тайёргарликнинг ажралмас қисмига айланишини таъминлашга чақиради. Бундан ташқари, иштирокчи-давлатдан хотин-қизларга, жумладан қишлоқ ва олис ҳудудларда яшайдиган хотин-қизларга ҳам, оммавий ахборот воситалари каби барча тегишли воситалар ёрдамида Конвенция тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишни таъминлашни сўрайди.

Тавсияларни ўз ичига олган ҳужжат номи ва реквизитлари	Тавсияларнинг матни
CEDAW/C/UZB/CO/5 Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш бўйича Қўмита томонидан 62-сессияда қабул қилинган (2015 йил 26 октябрь – 20 ноябрь) (Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида конвенция)	9. Иштирокчи-давлатнинг ҳуқуқий тизимида халқаро ҳуқуқ нормалари миллий қонунчиликдан устунлигини мамнуният билан таъкидлаган ҳолда, Қўмита иштирокчи-давлат ўз қонунчилигини комплекс равишда қайта кўриб чиқмаганлигидан ва Конвенциянинг барча қоидаларини миллий қонунчиликга жорий этиш мақсадида ҳеч қандай янги қонун қабул қилмаганлигдан хавотирда эканлигини маълум қилади. <b>Қўмита ушбу Конвенция қоидалари миллий қонун ҳужжатларига киритилмаганлиги сабабли бу қоидалар камдан-кам ҳолларда миллий судлар томонидан қўлланилишини ташвиш билан таъкидлайди.</b> Бундан ташқари, бир неча йиллардан буён хотин-қизлар ҳуқуқлари учун муҳим аҳамиятга эга бир қанча қонун лойиҳалари, хусусан эркак ва аёлларга тенг ҳуқуқ ва имкониятлар бериш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва оиладаги зўравонликка қарши курашиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси тасдиқланмаётганлиги Қўмитани ташвишлантирмоқда.
Манба: <a href="http://tbinternet.ohchr.org/_layouts/TreatyBodyExternal/countries.aspx?CountryCode=UZB&amp;Lang=RU">http://tbinternet.ohchr.org/_layouts/TreatyBodyExternal/countries.aspx?CountryCode=UZB&amp;Lang=RU</a> 2017 йил 26 октябрь ҳолатига	

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати (кейинги ўринларда – Ҳукумат) бир қанча ҳужжатларда ушбу масала юзасидан ўз позициясини намоён қилди. Масалан, Ҳукумат томонидан 2010 йил 2 июлда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмитага тақдим этилган 2-даврий ҳисоботда (E/C.12/UZB/2) “у ёки бу халқаро шартномга тўғридан-тўғри ҳавола қилиш амалиёти суд органлари учун хос эмас ва камдан-кам ҳолларда қўлланилади” деб таъкидланган. Бундан ташқари, айнан ушбу ҳисоботда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш тўғрисида”ги Қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишлар бошланганлиги айтилган.

Тақдим этилган жавобга қарамасдан Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита Ўзбекистоннинг 2-даврий ҳисоботи (E/C.12/UZB/CO/2) юзасидан якуний хулосаларига “миллий судларда Пакт қоидаларига ҳавола қилиш имкони мавжуд бўлишини ва судлар ушбу қоидаларни қўллашлари кераклигини таъминлаш чоралари” кўрилиши тўғрисида тавсияларни киритган. Бу 2019-йил 30-майга қадар тақдим этилиши керак бўлган 3-ҳисоботда Ҳукумат ушбу тавсия бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида Қўмитага маълумот тақдим этиши керак ҳисобланади.



Ҳукумат томонидан 2009 йил 4 декабрда Қўмитага тақдим этилган “Ўзбекистоннинг учинчи даврий ҳисоботини (CCPR/C/UZB/Q/3/Add.1) кўриб чиқилиши муносабати билан кўрилиши керак бўлган масалалар рўйхатига (CCPR/C/UZB/Q/3) жавобларда” “Ўзбекистонда суд амалиёти ва прокуратура органлари фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормаларини тўғридан-тўғри қўллаш жараёнлари амалиётга аста-секинлик билан жорий этилаётганлиги” қайд этилган. “Ҳозирги вақтда миллий судлар фаолиятининг халқаро-ҳуқуқий асослари масаласи бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди Пленуми тушунтиришлари тайёрланмоқда.

Ҳукумат ўз позициясини билдирган яна бир ҳужжат бу – “Ўзбекистон Республикаси томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича шартнома органлари тизими фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва мустаҳкамлаш” тўғрисидаги А/68/268-сонли Резолюциясининг бажарилиши юзасидан маълумотлардир”. Ушбу ҳужжатда “БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмитаси ва бошқа қўмиталар Пакт қоидалари миллий қонунчиликка имплементация қилинганлигига ва судлар қарор чиқариш пайтида уларга амал қилишига қарамасдан судларни ўз қарорларида Пакт қоидаларига ҳаволалар қилишни таъминлашга чақирганликлари” белгиланмоқда.

Шундай қилиб, ҳозирги кунга қадар ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг умумий позицияси шундан иборатки, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенциялари қоидалари миллий қонунчиликка имплементация қилинганлиги сабабли судлар миллий қонунчилик асосида низоларни кўриб чиқаётганда БМТ конвенцияларига ҳам риоя қилади.

Бундан ташқари, БМТ қўмиталарининг тавсияларини бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қўмиталарнинг тавсияларини бажариш бўйича ҳаракатларнинг миллий Дастурини тизимли равишда ишлаб чиқмоқда ва тасдиқламоқда. Хусусан, бир қатор ҳаракатлар миллий режаларида “миллий судлар томонидан БМТ конвенцияларини суд ҳужжатларида қўллаш” тавсиясини бажариш кўзда тутилган.

Масалан, «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги Ўзбекистоннинг миллий маърузаларини (2014-2016 йиллардаги) кўриб чиққандан сўнг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаш ва БМТнинг халқаро шартномавий органлари томонидан тақдим этилган тавсияларни бажариш бўйича ҳаракатлар миллий режасининг” III бўлими 1-бандида суд қарорларини чиқаришда Пакт (инсоннинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари бўйича) қоидаларини тўғридан-тўғри қўллаш бўйича хорижий суд органларининг амалиётини ўрганиш ва суд қарорларини чиқаришда судьяларда Пакт қоидаларига ҳаволалар қилиш бўйича кўникмалар ҳосил қилишга қаратилган семинарлар ўтказиш кўзда тутилган.



Бундан ташқари, “Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида БМТ конвенцияси қоидаларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Бешинчи даврий ҳисоботини кўриб чиқиш яқунлари бўйича БМТнинг Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш бўйича Қўмитаси томонидан берилган тавсияларни амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар миллий режаси” лойиҳасининг 2-банди ҳам ушбу тавсияларни бажариш бўйича бир қатор тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишни назарда тутди.

Бироқ, ушбу тавсияни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан кўрилатган чоралар, шунингдек, Ҳаракатлар миллий режаларида кўзда тутилган чора-тадбирлар зарур натижани бермаяпти. Бундай хулосага келишга асос эса ушбу тавсия ўз долзарблигини йўқотмаётганлиги ва БМТ Қўмиталарининг бошқа мулоҳазалари орасида бундай тавсиялар учраб тураётганлиги ҳисобланади.

Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ушбу тавсияни бажариш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида маълумотларни БМТнинг тегишли Қўмитасига тақдим этиладиган навбатдаги ҳисоботга яна бир бор киритиши кераклигини англатади.

#### 4-Жадвал. Ўзбекистон Республикаси томонидан тақдим этилган маърузаларнинг календарь жадвали

БМТ конвенциясининг номи	Навбатдаги маърузани тақдим этиш учун белгиланган сана	Маърузанинг тартиб рақами
Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенция	23.11.2017 й.	5-маъруза
Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция	28.11.2017 й.	5-маъруза
Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт	24.07.2018 й.	5-маъруза
Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция	28.10.2018 й.	10–12 маърузалар
Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт	30.05.2019 й.	3-маъруза
Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида конвенция	01.11.2019 й.	4-маъруза

Манба: [http://tbinternet.ohchr.org/\\_layouts/TreatyBodyExternal/countries.aspx?CountryCode=UZB&Lang=RU](http://tbinternet.ohchr.org/_layouts/TreatyBodyExternal/countries.aspx?CountryCode=UZB&Lang=RU)  
 2017 йил 26 октябр ҳолатига.



## ТАВСИЯЛАРНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ

БМТнинг Қўмиталари тавсияларни ёритишда турли хил матнлардан фойдаланадилар. Бундай тавсиялардан бири ушбу ҳужжатда қисқача қилиб «судлар томонидан халқаро конвенциялар нормаларини қўлланилиши» деб ёритилган. БМТ турли қўмиталари тавсияларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу тавсиянинг моҳияти «қўллаш» билангина чегараланиб қолмайди ва бир қатор бошқа элементларни ҳам ўз ичига олади.

Тавсиянинг биринчи элементи Ўзбекистон Республикаси қўшилган БМТ Конвенциялари қоидаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш заруратини кўрсатишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати нуқтаи назаридан ушбу элемент Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонуни талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 декабрдаги 473-сонли Қарори билан тасдиқланган «Халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларини бажариш Тартиби»га мос равишда тўлиқ амалга оширилаётганлигини таъкидлаш лозим. Ушбу тартибнинг 10 ва 11-бандлари Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг кучга киритилиши ёки кўп томонлама халқаро шартномалар (конвенциялар)нинг имзоланиши, ратификация қилиниши, уларга қўшилиш ва уларнинг маъқулланиши муносабати билан зарур бўлган меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, қабул қилишни (ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш) ҳамда зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқишни назарда тутди.

Шунга қарамай, БМТ қўмиталарининг фикрига кўра бир қатор ҳолларда қўшимча қонун ҳужжатлари қабул қилиш зарурати мавжуд. Масалан, CEDAW Қўмитасининг нуқтаи назари бўйича Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенцияни шунчаки ратификация қилиш етарли ҳисобланмайди ва қуйидагилар амалга оширилиши зарур: а) конвенция қоидаларига мувофиқлиги юзасидан қонунчиликни комплекс равишда қайта кўриб чиқиш ва/ёки б) Конвенциянинг барча қоидаларини ўз ичига оловчи янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш. Яна бир мисол: БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитаси Қийноқларга қарши конвенциянинг 1-моддасида белгиланган “қийноқлар” тушунчасига таърифни мамлакатнинг Жиноят кодексига киритишни талаб қилмоқда. Қўмитанинг фикрича қонунчиликда берилган “қийноқлар” сўзининг ифодаланиши Конвенцияда белгиланган тушунчадан ҳам, бошқа мамлакатларнинг Жиноят кодексларида келтирилган тушунчалардан ҳам фарқ қилади.

Ушбу тавсиянинг иккинчи элементи “таълимга оид” бўлиб, у Конвенция қоидалари барча қонунлар, суд қарорлари ва бошқаларнинг асоси сифатида фойдаланилиши учун барча ҳокимият тармоқлари, суд органларининг

хабардорлигини мунтазам равишда ошириш зарурлигини, шунингдек, адвокатлар ва кенг жамоатчилик низолар бўйича ўз важларини асослаш ва исботлашда БМТ Конвенциялари қоидаларидан тегишли тартибда фойдалана олишлари учун улар орасида ҳам хабардорликни ошириш муҳимлигини ҳам назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тақдим этилган маълумотларда ОТМларда ўқитиладиган фанлар, юристлар учун малака ошириш курслари, судьялар ва адвокатлар учун ташкил этилган семинар ва тренинглар, Конвенция матнларининг нашр этилиши ва ҳокозолар батафсил ёритилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси томонидан 2010 йил 2 июльда тақдим этилган “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг ижроси тўғрисида” (E/C.12/UZB/2) маърузанинг 231-268-бандларида халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш масалалари бўйича юристларни (адвокат ва судьялар) ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

2014 йил 28 февральда Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида конвенциянинг бажарилиши тўғрисидаги Ўзбекистоннинг бешинчи даврий ҳисоботининг (CEDAW/C/UZB/5) 41-50-бандларида ҳам ушбу Конвенциянинг мазмуни ва аҳамиятини очиқ бериш учун ташкил этилган тадбирлар тўғрисида батафсил маълумотлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тақдим этилган даврий ҳисоботларда келтирилган маълумотлар БМТ Конвенцияларида белгиланган инсон ҳуқуқлари тўғрисида ахборотлар тарқатилаётганлигидан, шунингдек, манфаатдор судьялар, адвокатлар ва ҳуқуқшуносларнинг хабардорлигини ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида яққол далолат беради.

Бироқ, БМТ Конвенциялари қоидаларини қўллаш зарурати бўйича саволлар вужудга келганда, суд ҳужжатларида уларни қўллаш асослари ва усулларини тартибга солиши ва судьялар учун қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган судлар томонидан БМТ Конвенциялари қоидаларини қўллаш бўйича методологиянинг йўқлиги ҳукумат томонидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг етарлича самарали эмаслигини кўрсатади. Бу шунингдек, судьялар, адвокатлар ва бошқаларнинг БМТ Конвенциялари қоидаларини қўллаш бўйича малакаси етарли эмаслигидан далолат беради.

Ушбу тавсиянинг учинчи ва сўнги элементи судлар томонидан суд ҳужжатларида БМТ Конвенциялари қоидаларини бевосита қўллаш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳам бу ҳақида маълумот тақдим этади. Бироқ, бошқа элементлардан фарқли ўлароқ, БМТ Конвенциялари қоидаларини суд ҳужжатларида қўллаш юзасидан Ҳукумат томонидан тақдим этилаётган маълумот ҳисоботдан ҳисоботгача сезиларли даражада ривожланди.



## 5-Жадвал. Судлар томонидан суд ҳужжатларида Конвенция қоидаларини қўллаш юзасидан берилган тавсияларга Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шарҳлари

<b>Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тақдим этилган ҳужжатнинг номи</b>	<b>БМТ Қўмиталарининг Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан суд ҳужжатларида Конвенциялар қоидаларини қўллашга оид тавсияларни ўз ичига олган ҳужжат матнидан парча</b>
Ҳукумат томонидан 2010 йил 2 июльда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмитага тақдим этилган иккинчи даврий ҳисобот (E/C.12/UZB/2)	«У ёки бу халқаро шартномага тўғридан-тўғри ҳавола қилиш Ўзбекистон суд органлари учун хос эмас ва камдан-кам ҳолларда қўлланилади.» Бундан ташқари, айнан ушбу ҳисоботда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг «Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш тўғрисида»ги Қарори лойиҳаси ишлаб чиқиши ҳақида ҳам айтилган.
Ҳукумат томонидан 2009 йил 4 декабрьда Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита тақдим этилган Ўзбекистоннинг учинчи даврий ҳисоботини (CCPR/C/UZB/Q/3/Add.1) кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган саволлар рўйхатига жавоблар (CCPR/C/UZB/Q/3).	Ўзбекистонда суд амалиёти ва прокуратура органлари фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормаларини бевосита қўллаш тартиби амалиётга босқичма-босқич жорий этилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди Пленумлари томонидан миллий судлар фаолиятининг халқаро-ҳуқуқий асослари масалалари бўйича тушунтиришни тайёрланмоқда.
Ўзбекистон Республикаси томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг А/68/268-сонли «Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий органлар тизими фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва мустаҳкамлаш» Резолюциясининг бажарилиши тўғрисида маълумот.	БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитаси ва бошқа қўмиталари Пакт қоидалари миллий қонунчиликка имплементация қилинганлиги ва судлар қарор чиқараётган пайтда уларга риоя қилишига қарамасдан судларни чиқараётган қарорларида Пакт қоидаларига ҳаволалар қилишга чақирадилар.

### ЖОРИЙ ВАЗИЯТНИНГ ТАҲЛИЛИ

Судлар томонидан БМТ Конвенциялари қоидаларини суд ҳужжатларида қўллашда бир қатор тўсиқлар мавжуд. Энг аввало гап Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мавжуд бўлган баъзи коллизиялар ҳақида кетмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимасининг 6-қисмида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси “халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган” ҳолда қабул қилинганлиги тўғрисида қоида мавжуд.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг кўпгина қонун ҳужжатларида, шу жумладан, процессуал кодексларида халқаро шартномаларнинг устуворлигини белгиловчи қуйидаги мазмундаги нормалар белгиланган: “Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.” Бу яна бир бор халқаро ҳуқуқнинг миллий қонунчиликдан устунлигини англатади. Нормаларнинг ифодаланиши бир-биридан фарқ қилса-да, [www.lex.uz](http://www.lex.uz) ҳуқуқий ахборот порталига агар «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқа қоидалар белгиланган бўлса» деган иборани киритиш орқали сўров йўлланса, ушбу матнни ўз ичига олган 240 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати кўрсатилади. Ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг БМТ шартномавий органларига тақдим этган даврий ҳисоботлари билан бир қаторда Ўзбекистон халқаро ҳуқуқни миллий қонунчиликдан устунлигини тан олишини тасдиқлашга асос бўлади.

Шу билан бирга, судларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқ ҳаракат қилишни буюрадиган нормалар (Конституциянинг 15-моддаси, Фуқаролик ва Хўжалик процессуал кодексларининг 12-моддаси, Жиноят-процессуал кодексининг 11-моддаси) ҳам мавжуд. Натижада, халқаро Конвенция нормалари миллий қонун ҳужжатларига киритилиши (ратификация қилиш, тасдиқлаш (қабул қилиш) ёки қўшилиш) кераклиги сабабли миллий қонунчилик нормаларини қўллаш орқали судлар Конвенция қоидаларига риоя қилмоқдалар деган қатъий фикр шаклланди. Айнан шунинг учун судьяларнинг ярмидан кўпи “Суд ҳужжатларида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларини, БМТ Конвенциялари қоидаларини қўллаш керакми?” деган саволга “Йўқ, чунки Конвенция нормалари миллий қонунчиликнинг таркибий қисми ҳисобланади ва миллий қонунчиликни қўллаш орқали биз Конвенция қоидаларини қўллаймиз” деб жавоб бериши мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш, ижро этиш, бекор қилиш, уларни амал қилишини тўхтатиб туриш ва денонсация қилиш тартибини белгиловчи махсус қонун ҳужжатларига эътибор қаратиш лозим. Қуйидагилар асосий қонун ҳужжалари ҳисобланади: Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуни, «Халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларини бажариш Тартиби» ва “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш, бажариш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, уларни тугатиш ва денонсация қилиш Тартиби”.



Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуни халқаро шартномалар билан боғлиқ бўлган қуйидаги асосий қоидалардан иборат:

- халқаро шартномаларни тузиш бўйича таклиф бериш;
- халқаро шартномаларни тузиш учун музокаралар олиб бориш;
- халқаро шартномаларни имзолаш;
- халқаро шартномаларни ратификация қилиш;
- халқаро шартномаларни эълон қилиш;
- халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни ижро этиш;
- халқаро шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикаси ўз зиммасига олган мажбуриятларини ижро этилишини кузатиб бориш;
- Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг бошқа иштирокчилари томонидан ўз мажбуриятлари бажарилишини кузатиб бориш;
- халқаро шартномаларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, уларни тугатиш ва денонсация қилиш ва бошқалар.

Қонуннинг 28-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, вазирликлар ва идоралар, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тартибга солинадиган масалалар ваколат доирасига кирадиган бошқа давлат органлари шартнома бўйича Ўзбекистон томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши учун масъулдирлар. Айнан ушбу органлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади. Яъни, битта орган ҳам халқаро шартномани ижро этувчи ҳам унинг ижросини назорат қилувчи орган ҳисобланади. Буни эса ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизимининг бузилиши деб баҳолаш мумкин.

Халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар бўйича олган мажбуриятларини бажариш учун юқорида келтирилган тартибда халқаро шартномалар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва халқаро шартномалар бўйича олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган вазирликлар ва идоралар белгилаб қўйилган. Суд тизими бундай органлар қаторига киритилмаган ва унинг нафақат халқаро шартномаларни тузиш масаласи кўриб чиқиладиганда, балки уларнинг ижро этилишини кузатишда ҳам бирон бир вазифа бажармаслиги эътиборга лойиқ.

Юқорида кўрсатилган халқаро шартномаларнинг таснифланган рўйхатида «инсон ҳуқуқлари бўйича» гуруҳи мавжуд эмас. Шунга яраша ушбу шартномалар бўйича ижрочи ҳам йўқ. Ижрочи – халқаро шартномалар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва улар бўйича мажбуриятларнинг ижросини таъминлаш вазифаларини бажарувчи органдир. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича конвенциялари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича

кўплаб масалаларни қамраб олганлиги ҳисобга олинса, ушбу Конвенциялар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги зиммасига юклатилган «сиёсий масалалар бўйича» халқаро шартномалар гуруҳига киритилган деб тахмин қилиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг БМТ Конвенцияларига қўшилиши билан боғлиқ фаолиятнинг «мувофиқлаштирувчиси» ҳисобланади. Ташқи ишлар вазирлигининг ушбу роли вазирликка жуда кенг вазифаларни юклайди, бу эса Конвенцияларнинг ижро этилишини самарали мониторинг қилишга ёрдам бермайди.

БМТ Конвенцияларини «инсон ҳуқуқлари бўйича» халқаро шартномалар гуруҳига бирлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Олий судини (эҳтимо Конституциявий судни ҳам) конвенциялар бўйича олинган мажбуриятларни ижросини таъминлаш учун масъул орган сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу судлар томонидан Конвенциялар қоидаларини қўллаш учун қўшимча асос яратади.

Бошқа томондан, баъзи судьялар муайян халқаро шартномаларнинг қоидаларини қўллаяпмиз деб ўйлашлари мумкин. Ушбу ҳолатда гап ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги халқаро шартномалар ҳақида кетаётганлигини таъкидлаш лозим. Масалан, иқтисодий судлар Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида Конвенция (1958 йилги Нью-Йорк конвенцияси) қоидаларини қўллайдилар. Фуқаролик ишлари бўйича судлар ва жиноят ишлари бўйича судлар ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларни қўллашлари мумкин. Улар орасида энг кўп қўлланиладигани Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция (1993 йил 22 январьдаги Минск конвенцияси). Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси 1954 йил 1 мартда қабул қилинган Фуқаролик процесси масалалари тўғрисидаги Гаага конвенциясининг иштирокчиси ҳисобланади.

Бироқ, ушбу халқаро шартномалар процессуал характерга эга ва фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича турли мамлакатларнинг адлия органлари томонидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича муносабатларни тартибга солади. Шу билан бирга ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги ушбу шартномалар қуйидаги масалаларни ҳам тартибга солади:

- иштирокчи-давлатнинг судлари, прокуратура органлари, ички ишлар органлари ва фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари ваколатига кирадиган бошқа органларига бошқа иштирокчи-давлатнинг ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаро ва шахсларнинг мурожаат этиш тартибини;
- кўрсатилган шахслар томонидан даъво аризалари, илтимосномалар тақдим этишни;
- шунингдек, бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишни.



## 6-Жадвал. Ҳуқуқий ёрдам тўғрисида икки томонлама шартномалар

№	Халқаро шартноманинг номи	Ўзбекистон Республикаси қўшилган/ратификация қилган сана
1.	«Фуқаролик ишлари бўйича судлар ва жиноий ишлари бўйича судлар ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида»ги Минск конвенцияси	19.05.1994 й.
2.	Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасида фуқаролик, савдо ва жиноий ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома	23.06.1994 й.
3.	Фуқаролик процесси масалалари бўйича Гаага конвенцияси	22.12.1995 й.
4.	Ўзбекистон Республикаси ва Латвия ўртасида фуқаролик, оилавий, меҳнат ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида шартнома	23.05.1996 й.
5.	Ўзбекистон Республикаси ва Грузия ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида шартнома	28.05.1996 й.
6.	Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида шартнома	27.11.1996 й.
7.	Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома	24.12.1996 й.
8.	Ўзбекистон Республикаси ва Литвия Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида шартнома	20.02.1997 й.
9.	Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисида шартнома	2.06.1997 й.
10.	Ўзбекистон Республикаси ва Озорбайжон Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида шартнома	18.06.1997 й.
11.	Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида шартнома	11.12.1997 й.
12.	Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасида фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида шартнома	19.02.1998 й.
13.	Ўзбекистон Республикаси ва Чехия Республикаси ўртасида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида шартнома	18.06.2002 й.



№	Халқаро шартноманинг номи	Ўзбекистон Республикаси қўшилган/ратификация қилган сана
14.	Ўзбекистон Республикаси ва Болгария Республикаси ўртасида фуқаролик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида шартнома	24.11.2003 й.
15.	Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида шартнома	20.09.2012 й.
16.	Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирлиги ўртасида ҳукм этилган шахсларни топшириш тўғрисида шартнома	11.11.2014 й.

Дарҳақиқат, суд амалиётида судлар бу турдаги халқаро шартномалар қоидаларига мурожаат қиладиган баъзи ажрим, қарор ва ҳал қилув қарорларни учратиш мумкин. 2016 йилнинг боши ҳолатига Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида 30 та икки томонлама шартнома тузган бўлиб, шундан 13 таси фуқаролик ишлари бўйича ҳамкорлик тўғрисидадир.

2012 йилда ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномаларни ижро этиш доирасида Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан хорижий давлатларнинг тегишли органларига 467 та ҳужжат, 2013 йилда 484 та, 2014 йилда 864 та, 2015 йилнинг 9 оyi мобайнида 650 та суд топшириқлари ва илтимосномалари юборилган.

Ўз навбатида, хорижий давлатлардан нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органларига оид масалалар бўйича юборилган сўровлардан ташқари 2012 йилда 1195 та, 2013 йилда 1461 та, 2014 йилда 2010 та, 2015 йилнинг 9 оyi мобайнида 1287 та суд топшириқлар, илтимосномалар ва ҳукмлар тўғрисида билдиришномалар келиб тушди.

Ушбу халқаро шартномаларнинг қоидаларини қўллаш суд ҳужжатида халқаро шартнома нормаларини кўрсатишга олиб келишини ва бу судьянинг процессуал ҳаракатлари учун асос бўлиб хизмат қилишини адолат нуқтаи назаридан таъкидлаб ўтиш керак. Масалан, Ўзбекистон Республикаси судлари Россия Федерацияси судларига Россия Федерацияси ҳудудида бўлиб турган гувоҳни сўроқ қилиш тўғрисида сўровни юборишда суд ҳужжатларида Минск конвенциясининг 7-моддасига ҳавола қилишлари мумкин. Ёки яна бир мисол, хўжалик судлари хорижий давлатнинг суд қарорини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилганда, илтимосномаларни қаноатлантиришни рад этиш асосларини назар тутувчи Киев конвенциясининг 9-моддасига ёки Минск конвенциясининг 35-моддасига ҳавола қилишлари мумкин.

Шубҳасиз, бу ҳолатда гап халқаро шартномалар қоидаларини суд ҳужжатларида келтириб ўтиш тўғрисида кетмоқда (ушбу шартномаларнинг “процессуал” характерда эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, қоидаларни



қўллаш билан уларни келтириб ўтиш турли тушунчалардир). Дастлабки босқич сифатида БМТ Конвенциялари қоидаларини суд ҳужжатларида келтириб ўтиш мумкин, аммо, бу асосий мақсад эмаслигини ёдда тутиш лозим. Гарчи шартнома органлари судлар томонидан БМТ Конвенциялари қоидаларини қўллаш мақсадларини аниқ кўрсатмаса ҳам, процессуал қонунчилик нуқтаи назаридан судлар томонидан БМТ Конвенциялари қоидаларининг суд ҳужжатларида қўлланилиши қуйидаги мақсадларга йўналтирилиши мумкин:

- миллий қонунчиликдаги камчиликларни бартараф этиш;
- миллий қонунчилик нормаларининг умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва нормаларига, шу жумладан, БМТ Конвенциялари қоидаларига мувофиқлигини кўрсатиш;
- миллий ҳуқуқ нормалари халқаро ҳуқуқнингтан олинган тамойиллари ва нормаларига зид бўлган ҳолатларда ҳуқуқий коллизияларни бартараф этиш;
- миллий қонунчиликда талаб этилган ҳолларда ҳуқуқий нормани изоҳлаш, унинг маъносини тушунтириш;
- халқаро ҳуқуқ манбаларига мурожаат қилиш орқали низо юзасидан исботлашни кучайтириш.

Шундай қилиб, судлар томонидан БМТ Конвенциялари қоидаларини суд ҳужжатларида қўллаш механизмларини амалиётга жорий этишга тўсқинлик қилаётган асосий муоммолар қуйидагилардир:

- судлар томонидан БМТ Конвенциялари қоидаларини суд ҳужжатларида қўллаш методологиясининг мавжуд эмаслиги;
- судлар томонидан БМТ Конвенциялари қоидаларини қўллаш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг такомил эмаслиги.

## ТАВСИЯЛАР

Суд тизимида Ўзбекистон Республикаси қўшилган БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Конвенциялари қоидаларининг бажарилишини мониторинг қилиш функцияси мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар тўғрисидаги махсус қонун ҳужжатларида суд тизимига ушбу махсус вазифани бериш бўйича норма киритилиши лозим. Бу судларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга ёрдам беради ва мувозанат ва тийиб туриш самарали тизими доирасида суд ҳокимияти ижро ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни тийиб туриш ва назорат қилиш имкониятига эга бўлишини кафолатлайди ва бу билан ҳокимиятнинг уч тармоғи мувозанатига ҳақиқатдан ҳам эришилади (фақатгина расмий равишда эълон қилиш билан чегараланмайди). Ушбу вазифанинг моҳияти суд тизими қуйидагиларни мониторинг қилишда намоён бўлади:

- давлат ҳокимияти органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Конвенциялари қоидаларини лозим даражада ижро этилишини;
- халқаро шартномалар ва БМТ Конвенциялари қоидаларини миллий қонун ҳужжатларига лозим даражада жорий этишни.

Амалдаги қонунчиликнинг ноаниқлиги судларнинг БМТ Конвенциялари қоидаларини суд ҳужжатларида қўллаш ваколати (ёки мажбурияти) билан боғлиқ масаладир. Эътибор берадиган бўлсак, гап халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқдан устиворлиги ҳақида кетмаяпти, чунки унчалик аниқ бўлмасда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида бундай устиворлик аллақачон белгиланганлигидан келиб чиқамиз.

### 7-Жадвал. Хорижий мамлакатлар Конституциялари нормалари

АҚШ	(6-модда) «Қўшма штатлар томонидан тузилган ёки тузиладиган барча шартномалар мамлакатнинг олий қонунлари ҳисобланади, ҳар бир штат судьялари, ҳатто Конституция ва айрим штатларнинг қонунларида зид қоидалар мавжуд бўлса ҳам, уларни бажаришга мажбурдирлар».
Жанубий Корея Республикаси	(6-модданинг 1-қисми) «1. Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умумий номаларига мувофиқ тегишли равишда тузилган ва кучга кирган халқаро шартномалар Корея Республикасининг ички қонунлари билан бир хил кучга эгадир».
Россия Федерацияси	(15-модданинг 4-қисми) «Халқаро ҳуқуқнинг тан олинган тамойиллари ва нормалари Россия Федерациясининг халқаро шартномалари унинг ҳуқуқий тизимининг ажралмас қисмидир. Агар Россия Федерациясининг халқаро шартномасида қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, унда халқаро шартнома қоидалари қўлланилади».
Австрия	(9-модда) «халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари федерал ҳуқуқнинг ажралмас қисми сифатида амалда бўлади».
Германия	(25-модда) «халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари федерал ҳуқуқнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Улар қонунларга нисбатан устунликка эга ва Федерация ҳудудида истиқомат қилувчи шахслар учун тўғридан-тўғри ҳуқуқ ва бурчлар келтириб чиқаради».
Франция Республикаси	(55-модда) «Тегишли равишда ратификация қилинган ёки тасдиқланган шартномалар ёки битимлар улар эълон қилинган пайдан эътиборан, бундай шартнома бошқа тараф томонидан қўлланилганда ички қонун ҳужжатларига қараганда устун мавқеъга эгадир».



Қозоғистон Республикаси (4-модда) «1. Қозоғистон Республикасининг амалдаги ҳуқуқи Конституция, унга мос келадиган қонунлар, Республиканинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, халқаро шартномалари ва бошқа мажбуриятлари, шунингдек, Конституциявий Кенгашнинг ва Республика Олий судининг норматив қарорларининг қоидаларидан ташкил топган.

2. Конституция олий юридик кучга эга ва республиканинг бутун ҳудудида бевосита амал қилади.

3. Республика томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар унинг қонунларидан устун туради ва халқаро шартнома қоидаларидан унинг қўлланилиши учун алоҳида қонун қабул қилиш талаб этиладиган ҳоллардан ташқари бевосита қўлланилади.

4. Қабул қилинган барча қонунлар, Республика иштирок этадиган барча халқаро шартномалар эълон қилинади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг расмий эълон қилиниши улар қўлланилишининг зарурий шартидир».

Манба: <http://worldconstitutions.ru/>  
2017 йил 26 октябрь ҳолатига.

Гап судларнинг “процессуал” қоидаларни тартибга солувчи халқаро шартномалар нормаларини қўллаш ваколати ҳақида эмас, балки судлар БМТ Конвенциялари қоидаларини муайян асослар мавжудлигида қўллаши мумкин (ёки керак) бўлганда нормаларни аниқ ва икки маъноли шарҳлашга йўл қўмаслик зарурати ҳақида кетмоқда. Шу билан бирга, БМТ Конвенциялари қоидаларининг судлар томонидан қўлланилмаслиги (ёки нотўғри қўлланилиши) юқори турувчи инстанциялар томонидан суд ҳужжатларини бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асослар рўйхатига киритилиши керак.

Судлар томонидан БМТ Конвенциялари қоидаларини қўллаш механизмини жорий қилиш учун қонуний асосни яратиш панацея ҳисобланмайди. Судлар томонидан БМТ Конвенциялари қоидаларини қўллаш бундай қоидаларни қўллашнинг мақсади, асослари ва усулларини белгилаб берувчи методология мавжуд бўлмаган бир ҳолатда судьялардан махсус билим ва кўникмаларни талаб қиладиган жуда мураккаб жараён эканлигини ҳисобга олсак, судлардан (айниқса Олий суднинг Пленум Қарори кўринишида “йўриқномаларига” риоя қилишни афзал кўрадиган қуйи турувчи судлардан) БМТ Конвенциялари қоидаларини суд ҳужжатларида дарҳол қўллашни ва бажаришини кутиш жуда қийиндир.

Шу билан бирга, самарали методология мавжуд воқеликка асосланиши (ёки амалдаги қонун ҳужжатлари ва суд амалиётига боғланган бўлиши) ва қуйидагиларни тавсифлаши керак:

- судлар БМТ Конвенциялари қоидаларини қўллаши мумкин ёки шарт бўлган асосларни;
- суд томонидан кўрилатган низо ва қўлланилатган Конвенция туридан келиб чиқиб ушбу қоидаларни қўллаш усулларини;
- БМТ Конвенциялари нормаларини миллий қонун ҳужжатлари нормалари билан ўзаро боғлиқлигини.

Бундай методологияни бир зумда ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини тасаввур қилиб бўлмайди, шунинг учун уни яратиш ва такомиллаштириш босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Шу муносабат билан, нафақат халқаро конвенциялар қоидаларини қўллаш зарурати тўғрисида буйруқни қуйи турувчи судларга «тушириш», балки фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий судлов соҳасида энг юқори турувчи суд органи ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Олий судида ҳам, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият норматив ҳужжатларининг конституцияга мослигига оид ишларни кўриб чиқувчи суд ҳокимияти органи ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида ҳам бундай қўллашни бошлаш керак.

Бундай ёндашув БМТ Конвенциялари қоидаларини қўллаш бўйича методологияни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш, қуйи судларда фойдаланиш мумкин бўлган муайян суд амалиётини шакиллантириш имконини беради. Бунда ташқари, ишлаб чиқилган методология БМТ қўмиталари тавсияларига киритилган судьялар ва адвокатларга мўлжалланган махсус ўқув курсларини ташкил этиш учун асос бўлади.

Ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган методология судьялар ва судьяликка номзодлар ҳамда низолар бўйича ўзларининг ҳуқуқий позициясини тайёрлашда БМТ Конвенциялари қоидаларига ҳавола қилишлари мумкин бўлган адвокатларга мўлжалланган алоҳида ўқув курси учун асос бўлиши керак.

Адвокатлар ва адвокатларнинг бирлашмалари БМТ Конвенциялари қоидаларини қўллашни кенг тарқатувчи ва ривожлантирувчи асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлиши мумкин, чунки улар ўз миқдорларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга бошқалардан кўра кўпроқ манфаатдордир. Судлар томонидан БМТ Конвенциялари қоидаларини қўллаш масаласи амалдаги қонунчиликда етарли даражада тартибга солинмаганлигига қармасдан, адвокатлар ўз ҳуқуқий позицияларини асослантиришда ушбу қоидаларга ҳавола қилишда ҳеч қандай чеклашлар мавжуд эмас. Аммо, адвокатлар ушбу имкониятдан фойдаланмайдилар. Бунинг сабаби миллий жараёнда Конвенция қоидалари самарадорлигининг мавжуд эмаслигидадир. Адвокатлар Конвенция қоидаларига ҳавола қилиш уларнинг судлар юборган процессуал муносабатларида ҳеч қандай истиқболга эга эмаслиги сабабли уларга ҳавола қилишга зарурат сезмайдилар. Наридан суд ҳужжатида адвокат БМТ Конвенциясининг қоидаларига ҳавола қилганлиги келтириб ўтилади ва



энг ёмони эса, бундай ҳавола эътибордан четда қолдирилади. БМТ Конвенциялари қоидаларини бундай қўллашнинг ягона истиқболи БМТ қўмиталари томонида якка тартибдаги шикоятларни кўриб чиқиш жараёнлари ҳисобланади. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Россия Федерацияси судлари томонидан халқаро Конвенциялар қоидаларининг қўлланилишига асосий омиллардан бири Россия Федерацияси Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг аъзоси эканлигида ва ушбу суднинг қарорлари судлар томонидан ижро этилиши мажбурийлигидадир (Россия Федерацияси Олий суди Пленуми қарорида батафсил тушунтиришнинг мавжудлигига қарамсдан, бундай ҳолатлар кўп эмас). Ўзбекистонда бундай омил мавжуд эмас. Маълумки, инсон ҳуқуқлари бўйича 8 та қўмитанинг муайян шароитларда шахсларнинг шикоятлари ёки хабарларини (мурожаатларини) қабул қилиши ва кўриб чиқиши мумкин бўлган тартиб-таомиллардан Ўзбекистон фақат Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг якка тартибдаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-таомилини ва Қийноқларга қарши қўмитанинг текшириш тартиб-таомилини тан олади. Якка тартибдаги шикоятларни кўриб чиқиш натижалари бўйича иштирокчи-давлатларга етказиладиган қўмиталарнинг фикри гарчи мажбурий бўлмасда, кўпроқ қўмиталарнинг бундай тартиб-таомилини тан олиниши адвокатларнинг БМТ Конвенциялари қоидаларини ўз амалиётида қўллашга қизиқишини ошириши мумкин.

**8-Жадвал. Якка тартибдаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-таомилига эга бўлган БМТ қўмиталари рўйхати**

<b>БМТ қўмитасининг номи</b>	<b>Якка тартибдаги шикоятлар ва мурожаатларни кўриб чиқиш механизмини белгиловчи ҳужжат</b>
Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита	Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактга биринчи Факультатив протокол
Қийноқларга қарши қўмита	Конвенциянинг 22-моддаси
Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш бўйича Қўмита	Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенцияга доир Факультатив протокол
Ирқий камситишни тугатиш бўйича қўмита	Конвенциянинг 14 -моддаси
Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмита	Конвенцияга Факультатив протокол
Мажбурий йўқолиш бўйича қўмита	Конвенциянинг 31-моддаси

<b>БМТ қўмитасининг номи</b>	<b>Якка тартибдаги шикоятлар ва муурожаатларни кўриб чиқиш механизмини белгиловчи ҳужжат</b>
Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита	Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир Факультатив протокол
Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита	Хабар бериш тартиб-таомилига оид Конвенцияга доир учинчи Факультатив протокол
Манба: <a href="http://www.ohchr.org/ru/HRBodies/TBPetitions/Pages/HRTBPetitions.aspx">http://www.ohchr.org/ru/HRBodies/TBPetitions/Pages/HRTBPetitions.aspx</a> 2017 йил 26 октябрь ҳолатига	

Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Конвенциялари асл нусхасига мос бўлган давлат тилига таржима қилинган матнларнинг мавжудлиги муҳим омил ҳисобланади. “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонунининг 25-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўплами халқаро шартномаларни эълон қилишнинг расмий манбаи ҳисобланади. Бундан ташқари, турли йилларда БМТ Конвенциялари ҳам тўплам кўринишида нашр қилинди. Ушбу нашрларга қарамасдан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Конвенцияларининг асл нусхасига мос матнларининг мавжудлиги шубҳа туғдиради, чунки уларни Ташқи ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг веб-сайтларидан топиб бўлмади.

Шу билан бирга, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича конвенциялари қабул қилингандан бери, БМТнинг шартномавий идоралари ва инсон ҳуқуқлари бўйича турли халқаро судлар миллий судлар томонидан ушбу Конвенциялар қоидаларини самарали қўллаш ва талқин қилишнинг майян амалиётини ишлаб чиқдилар. Ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, Конвенция маълумотлари ва уларни қўллаш бўйича амалиёт ваколатли вазирлик ва идораларнинг веб-сайтларига жойлаштирилиши керак.







# ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАҲЛИЛИ

ГЕОРГИЙ ТУГУШИ





## Одил судловни амалга ошириш бўйича халқаро стандартларнинг қисқача таҳлили

Георгий Тугуши  
Халқаро Эксперт

Тошкент 2020

### Халқаро ҳуқуқнинг икки хил тушуниш

- Монизм** – халқаро ва миллий ҳуқуқ нормаларини ягона меъёрий кесимда кўриб чиқади ва уларга тўғридан-тўғри амалда бўлиш имконини беради.
- Дуализм** – халқаро ва миллий ҳуқуқ нормаларини турли меъёрий кесимда кўриб чиқади. Бунда халқаро ҳуқуқ нормалари билвосита амалда бўлиши назарда тутилади.

Ani Sirunyants; Dualistic and Monistic Approach in the International Law: A Caselaw Analysis;  
[https://www.researchgate.net/publication/324007789\\_Dualistic\\_and\\_Monistic\\_Approach\\_in\\_the\\_International\\_Law\\_A\\_Caselaw\\_Analysis](https://www.researchgate.net/publication/324007789_Dualistic_and_Monistic_Approach_in_the_International_Law_A_Caselaw_Analysis)

### Халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалда бўлиши

**Тўғридан-тўғри амалда бўлиши** – халқаро ҳуқуқ нормалари миллий тизимнинг қонун чиқарувчи органи томонидан имплементация қилинмасдан ҳам ҳуқуқий кучга эга бўлиши.

**Билвосита амалда бўлиши** – халқаро ҳуқуқ нормалари, агар улар қонун чиқарувчи орган томонидан миллий ҳуқуқий тизимга имплементация қилинсагина ҳуқуқий кучга эга бўлиши.



## Ўзбекистон Конституциясининг Муқаддимасига мувофиқ:

*«Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олади»*

- Ўзбекистонда монистик ёндашув белгиланган.
- Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари тўғридан-тўғри амалда бўлиш белгиланган ва халқаро ҳуқуқ нормалари иерархик жиҳатдан устун ҳисобланади.

## Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига кўра:

*«Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.»*

- **Умуминсоний принциплар ва қадриятлар** – монистик ёндашув, халқаро ҳуқуқга ҳаволадир.
- **Табиий ҳуқуқларга** хитоб сифатида ҳуқуқларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати.

## Табиий ҳуқуқлар доктринаси ва конституция

Табиий ҳуқуқлар доктринасига таянадиган давлат:

- Конституция инсоннинг асосий ҳуқуқларини вужудга келтирмайди, балки уларни эълон қилади, деб ҳисоблайди;
- Конституция унда аниқ белгилаб қўйилган ҳуқуқлар билан чегараланмайди, балки умум эътироф этилган инсоннинг табиий ҳуқуқларини ҳам таъминлайди, деб ҳисоблайди.

- Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенциянинг муқаддимасида:

- «Ушбу Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари ушбу ҳуқуқлар инсонга хос бўлган қадр-қимматдан келиб чиқишини тан оладилар.»

- Инсоннинг қадр-қиммати доктринада инсон ҳуқуқларининг асоси сифатида қаралади.

- **Қийноқларнинг бутунлай таъқиқланиши** қадр-қимматга бўлган ҳуқуқдан келиб чиқади.

Paolo. G. Garoza; Human Dignity In constitutional adjudication, page 459

- *Jus cogens* – халқаро ҳуқуқнинг императив нормаларидир. Улар универсал ҳисобланиб, давлат монистик ёки дуалистик ёндашув тарафдори бўлишидан қатъий назар тўғридан-тўғри амалда бўлади.

- Қийноқларни таъқиқлаш *jus cogens* нормаси билан белгиланган.

Mik, Cezary; Jus Cogens in Contemporary International Law  
[https://www.researchgate.net/publication/314548280\\_Jus\\_Cogens\\_in\\_Contemporary\\_International\\_Law](https://www.researchgate.net/publication/314548280_Jus_Cogens_in_Contemporary_International_Law)





**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СУДЛАРИ ТОМОНИДАН ИНСОН  
ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ  
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР  
НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ЗАРУРАТИ  
ҲАҚИДА**

АЛЕКСАНДР ВАШКЕВИЧ







## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЛАРИ ТОМОНИДАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ЗАРУРАТИ ҲАҚИДА

Профессор  
Александр Вашкевич

### Халқаро ҳуқуқ ассоциацияси

Сўнги ўн йилликларда миллий судларнинг халқаро ҳуқуқга таъсири сезиларли даражада ошди:

- одатий халқаро ҳуқуқнинг шаклланиши
- халқаро шартномаларнинг ҳажми ва мазмунини тушуниш

### Европа Кенгашининг Венеция Комиссияси

- Судлар инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашда муҳим рол ўйнайди
- Судлар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар ва миллий қонун ҳужжатлари ўртасидаги тафовутга дуч келиши мумкин:
  - ушбу тафовутни «келишилган изоҳлаш» орқали тартибга солиш
  - халқаро шартномани тўғридан-тўғри қўллаш



### **Процессуал қонунчилик нуқтаи назаридан, судлар томонидан БМТ Ковенциялари қоидаларини суд ҳужжатларида қўллаш қуйидагиларга йўналтирилиши мумкин:**

- миллий қонунчиликдаги камчиликларни бартараф этиш;
- миллий қонунчилик нормаларининг умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва нормаларига, шу жумладан, БМТ Конвенциялари қоидаларига мувофиқлигини кўрсатиш;
- миллий ҳуқуқ нормалари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва нормаларига зид бўлган ҳолларда ҳуқуқий коллизияларни бартараф этиш;
- нормани ҳуқуқий изоҳлаш, миллий қонунчилик нормалари талаб қиладиган ҳолларда унинг маъносини тушунтириш;
- низо бўйича асослашни халқаро-ҳуқуқий манбаларга ҳавола қилиш орқали мустаҳкамлаш.



### **НИМА УЧУН СУДЛАР ТОМОНИДАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР НОРМАЛАРИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ КЕРАК**

#### **1. Мамлакатнинг Асосий қонунига риоя қилиш**

Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг Муқаддимаси

Инсон ҳуқуқларига содиқлигини белгилайди ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олади

- Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига қуйидагилар киради:

Инсон ҳуқуқлар соҳасидаги БМТ доирасида қабул қилинган ва аксарият иштирокчи-давлатлар томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларнинг қоидалари



### **НИМА УЧУН СУДЛАР ТОМОНИДАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР НОРМАЛАРИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ КЕРАК**

#### **2. Мамлакатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилиш**

*Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни, 2-модда*

- «Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган».



## НИМА УЧУН СУДЛАР ТОМОНИДАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР НОРМАЛАРИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ КЕРАК

### 2. Мамалакатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилиш

*Ўзбекистон Республикасининг*

*«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида» ги Қонуни, 3-модда*

- «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир».



## НИМА УЧУН СУДЛАР ТОМОНИДАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР НОРМАЛАРИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ КЕРАК

### 2. Мамалакатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилиш

*Ўзбекистон Республикасининг*

*«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида» ги Қонуни, 2-  
модданинг 3-қисми*

- «Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади».



## НИМА УЧУН СУДЛАР ТОМОНИДАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР НОРМАЛАРИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ КЕРАК

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини  
тасдиқлаш тўғрисида ПФ-6012-сонли Фармони, 2020 йил 22 июнь*

- судлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар нормаларини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш» учун тўғридан-тўғри талаб



### **НИМА УЧУН СУДЛАР ТОМОНИДАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР НОРМАЛАРИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ КЕРАК**

#### **3. Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятлари**

- Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ халқаро ҳужжатларнинг иштирокчиси ҳисобланади. Жумладан,
- «Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»
- «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»
- «Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенция»
- «Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция»
- «Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция»
- «Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенция»



### **НИМА УЧУН СУДЛАР ТОМОНИДАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР НОРМАЛАРИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ КЕРАК**

#### **3. Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятлари**

Халқаро назорат органлари иштирокчи-давлатлардан қуйидаги маълумотларни талаб қилади:

- **Миллий судлар томонидан Пактда белгилаб қўйилган ҳуқуқларга ҳавола қилинганлиги ёки уни тўғридан-тўғри қўлланилганлиги ҳолатлари, шу жумладан, бундай ҳолатларнинг сони ва мисоллари**



### **СУДЛАР ТОМОНИДАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯЛАРНИ «ҚЎЛЛАШ» НИМАНИ АНГЛАТАДИ**

- халқаро ҳуқуқ нормаларини судда қўллаш қўлланилаётган халқаро ҳуқуқ нормаларини изоҳлаш натижалари бўйича қарорни асослаш, мотивация бериш зарурати билан ажралиб туради
- «судлар томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш» миллий ҳуқуқ ўз ҳуқуқий тизими доирасида бевосита амалда бўладиган ушбу нормалардаги қоидаларни қўллашни англатади
- миллий ҳуқуқга киритилган халқаро ҳуқуқ нормалари халқаро-ҳуқуқий келиб чиқишини сақлаб қолади ва халқаро ҳуқуқ тизимининг бир қисми сифатида тегишли норма ва шартномаларнинг объекти ва мақсадидан келиб чиқиб изоҳланиши керак.»



### **СУДЛАР ТОМОНИДАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯЛАРНИ «ҚЎЛЛАШ» НИМАНИ АНГЛАТАДИ**

- халқаро шартномаларни изоҳлаш 1969 йил 23 майдаги Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида Вена конвенциясига мувофиқ амалга оширилиши керак (3-бўлим; 31 – 33 моддалар)
- халқаро шартномани изоҳлашда уни қўллашнинг кейинги амалиётини ҳисобга олиш керак (Вена конвенциясининг 31-моддаси 3-қисм «b» банди)
- турли тоифадаги ишларни кўриб чиқишда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича универсал назорат органлари томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқий позицияларни инобатга олиш керак.



### **СУДЛАР ҚАНДАЙ МАҚСАДЛАРДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР?**

- шартноманинг у ёки бу қоидаси бузилганлиги кўрсатилган адвокат баёнотига муносабат билдиради
- миллий қонунчиликдаги бўшлиқни аниқлайди ва бундай ҳолатда суд халқаро шартномалар нормаларини қўллашга ҳақли ва мажбур
- иш юзасидан чиқарилган қарорнинг тўғрилигини асослайди
- шикоятларни келгусида кўриб чиқишда БМТнинг шартномавий органлари олдида давлатнинг позициясини мустаҳкамлайди

## **ХУЛОСА**

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги универсал халқаро шартномалар нормаларидан, шунингдек, шартномавий органларнинг ҳуқуқий позицияларидан фаол фойдаланиш

- шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларини лозим даражада бажаришга ёрдам беради





**ҚИЙНОҚ ҲАМДА МУОМАЛА  
ВА ЖАЗОЛАШНИНГ ҚАТТИҚ  
ШАФҚАТСИЗ, ИНСОНИЙЛИККА ЗИД  
ЁКИ ҚАДРҚИММАТНИ КАМСИТУВЧИ  
ТУРЛАРИГА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯ**

1984-йил 10-декабрь





Ушбу конвенциянинг иштирокчи давлатлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида эълон қилинган принципларга мувофиқ, инсонлар оиласи ҳамма аъзоларининг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва умумий тинчликнинг асоси деб тан олинганини назарда тутиб,

бу ҳуқуқлар инсонлар шахсиятига мос қадр-қимматдан келиб чиқишини тан олиб, давлатларнинг Низомга, жумладан, 55-моддага мувофиқ, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг ялпи ҳурмат қилиниши ва уларга риоя этилишига кўмаклашиш мажбуриятларини эътиборга олиб,

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 5-моддасини ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқдар тўғрисида халқаро пактнинг 7-моддасини, уларнинг иккаласи ҳеч кимга қийноқ ёки унинг қадр-қимматини камситувчи шафқатсиз муомала қилинмаслигини ва жазо берилмаслигини кўзда тутганини ҳисобга олиб,

шунингдек ҳамма шахсларни қийноқлардан, бошқа қаттиқ, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларидан муҳофаза қилиш тўғрисида 1975 йил 9 декабрда Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган декларацияни ҳисобга олиб,

бутун дунёда қийноқларга ва қаттиқ, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларига қарши кураш самарадорлигини оширишни истаб, қуйидагиларга келишиб олдилар:

## 1 ҚИСМ

### 1-модда

1. Ушбу Конвенциянинг мақсадлари учун қийноқнинг таърифи шундай исталган ҳаракатни англатадики, у билан қандайдир шахсга ундан ёки учинчи шахсдан маълумотлар ёки эътироф олиш, уни у ёки учинчи шахс содир этган ёки содир этишда у гумон қилинадиган ҳаракат учун жазолаш, шунингдек уни ёки учинчи шахсни қўрқитиш ёки зўрлаш мақсадида, ёки бундай оғриқ ёки азоб давлатнинг мансабдор шахси ёки расмий сифатдаги бошқа шахс, ёки уларнинг гижгижлаши билан, ёки уларнинг хабардорлигида ёки индамай розилиги билан ҳар қандай тусдати камситиш асосланган исталган сабаб бўйича атайлаб кучли оғриқ ва азоб берилади. Бу таърифга қонуний санкциялар натижасида пайдо бўладиган шу санкциялардан ажрал-мас ёки улардан тасодифан чиққан оғриқ ёки азоблар кирмайди.

2. Бу модда янада кенгроқ қўллаш тўғрисида қоидалари бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган қандайдир халқаро шартномага ёки қан дайди миллий қонунчиликка зарар етказмайди.



## **2-модда**

1. Ҳар бир иштирокчи давлат унинг юрисдикциясидаги исталган ҳудудда қийноқ ҳаракатларининг олдини олиш учун самарали қонун чиқариш, маъмурий, судлов ва бошқа чораларни кўради.

2. Ҳеч қандай фавқулодда ҳолатлар, улар қандай бўлмасин: хоҳ, уруш ҳолатими ёки уруш хавфими, ички сиёсий беқарорликми ёки бошқа исталган фавқулодда ҳолатми эканлигидан қатъи назар, қийноқни оқдашга хизмат қилолмайди.

3. Юқори турган бошлиқ ёки давлат ҳокимиятининг буйруғи қийноқни оқдашга хизмат қилолмайди.

## **3 -модда**

1. Ҳеч қайси иштирокчи давлат қайсидир шахсни бошқа давлатга агар унга у ерда қийноқ қўлланилиши мумкин деб ўйлашга жиддий асослар мавжуд бўлса, уни жўнатмаслиги, қайтармаслиги ёки бермаслиги керак.

2. Шундай асослар мавжудлигини аниқлаш учун ваколатли ҳукуматлар ишга тааллутуш барча ҳолатларни тегишли ҳолларда мазкур давлатда инсон ҳуқуқларини амалда доим қўпол, жиддий ва оммавий равишда бузишлар мавжудлигини қўшиб эътиборга оладилар.

## **4-модда**

1. Ҳар бир иштирокчи давлат ҳамма қийноқ ҳаракатлари унинг жинойт қонунчилигига мувофиқ равишда кўриб чиқилишини таъминлайди. Айти шу нарса қийноққа ва исталган шахсининг азоблашда шериклиги ёки қатнашувидан иборат ҳаракатларига ҳам тегишлидир.

2. Ҳар бир иштирокчи давлат бундай жинойтлар учун уларнинг ошрлик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда тегишлича жазолар тайинлайди.

## **5-модда**

1. Ҳар бир иштирокчи давлат қуйидаги ҳолларда унинг 4-моддада кўрсатилган жинойтларга нисбатан суд қилиш ҳуқуқини белгилаш учун зарурлиги мумкин бўлган тадбирлар белгилайди:

- а) жинойтлар унинг ҳуқуқий тобелигидаги исталган ҳудудда ёки шу давлатда рўйхатга олинган денгиз ёки ҳаво кемаси бортида содир қилинган бўлса;
- б) тахмин қилинган жинойтчи шу давлатнинг фуқароси бўлса;
- с) қурбон шу давлатнинг фуқароси бўлса ва агар мазкур давлат буни мақсадга мувофиқ деб билса;

2. Ҳар бир иштирокчи давлат шунга ўхшаб шундай тадбирлар қабул қиладики, улар тахмин қилинган жиноятчи унинг ҳуқуқий тобелигидаги исталган ҳудудда бўладиган ҳолларда шундай жиноятларга нисбатан ўзининг суд қилиш ҳуқуқини ўрнатиш учун зарур бўлиб чиқиши мумкин ва у 8-моддага биноан уни ушбу модданинг 1-бандида эслатилган давлатлардан ҳеч қайсисига бермайди.

3. Ушбу Конвенция ички қонунларга мувофиқ исталган жиноятни суд қилиш ҳуқуқини амалга оширишни истисно этмайди.

### **6-модда**

1. Унинг ихтиёридаги ахборотни кўриб чиққандан кейин вазиятлар шуни тақозо этишига ишонч ҳосил қилгач, 4-моддада кўрсатилган жиноятлардан исталганини содир этишда айбланадиган шахс ҳудудида бўлган исталган иштирокчи давлатуни ҳибсга олади ёки унинг шу ерда бўлишини таъминлайдиган бошқа ҳуқуқий чоралар кўради. Ҳибсга олиш ва бошқа ҳуқуқий тадбирлар мазкур давлатнинг қонунлари бўйича амалга оширилади, аммо бу фақат жиноий-процессуал ҳаракатлар ёки бериш бўйича ҳаракат қилиш учун зарур бўлган вақт мобайнида давом этиши мумкин.

2. Бундай давлат дарҳол фактлар бўйича олдиндан текширув ўтказиши.

3. Ушбу модданинг 1-бандига асосан ҳибсда бўлган исталган шахсга у фуқароси бўлган давлатнинг энг яқин тегишли вакили билан ёки у фуқаролиги йўқ шахс бўлса, одатда яшаб турган давлатнинг вакили билан кечиктирмай алоқа ўрнатишида ёрдам кўрсатилади.

4. Давлат ушбу моддага биноан қайсидир шахсни ҳибсга олса, 5-модданинг 1-бандида эслатилган давлатларга бундай шахснинг ҳибс-далиги факти тўғрисида ва уни ушлашга сабаб бўлиб хизмат қилган вазиятлар ҳақида кечиктирмай хабар беради. Ушбу модданинг 2-бандида кўзда тутилган олдиндан текширув ўтказадиган давлат олган маълумотлари тўғрисида кечиктирмай юқорида эслатилган давлатларга хабар қилади ва ўзининг суд қилиш ҳуқуқини амалга оширадими ёки йўқми эканлигини кўрсатади.

### **7-модда**

1. Иштирокчи давлат, агар унинг ҳуқуқий тобелигидаги ҳудудда 4-моддада кўрсатилган жиноятлардан исталганини содир этишда гумон қилинган шахс топилса ва у 5-моддада кўзда тутилган ҳолларда жиноятчини бермас мазкур ишни ўзининг ваколатли ҳуқуқатларига судда текшириш учун беради.

2. Бу ҳуқуқатлар жиддий тусдаги оддий жиноят ҳолатида бўлганидек, шу давлат қонунига мувофиқ тарзда қарор қабул қиладилар. 5-модданинг 2-бандида санаб ўтилган ҳолларда судда текшириш ва қоралаш учун зарур исботларга қўйиладиган талаблар ҳеч бир ҳолда 5-модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳолларда қўлланиладиганига нисбатан камроқ жиддий бўлмайди.



3. 4-моддада кўрсатилган жиноятлардан ҳар қайсиси муносабати билан текшириладиган ҳар қайси шахсга ишни кўришнинг ҳамма босқичларида адолатли муомала қилиш кафолатланади.

### **8-модда**

1. 4-моддада кўрсатилган жиноятлар иштирокчи давлатлар ўртасида мавжуд бўлган бериш тўғрисидаги ҳар қандай шартномага киритиладиган жиноятлар сифатида киритилиши керак деб ҳисобланади. Иштирокчи давлатлар бундай жиноятларни улар ўртасида тузиладиган бериш тўғрисидаги исталган шартномага киритиладиган жиноятлар сифатида киритиш мажбуриятини оладилар.

2. Агар беришни шартнома мавжудлиги билан шарт қилиб қўядиган иштирокчи давлат у бериш тўғрисида ҳеч қандай шартномага эга бўлмаган бошқа иштирокчи давлатдан бериш илтимосини олса, у бундай жиноятларга нисбатан ушбу Конвенцияни бериш учун ҳуқуқий асос сифатида кўриб чиқиши мумкин. Бериш шу ҳақда илтимос билан мурожаат қилинган давлатнинг қонунчилигида кўзда тутилган бошқа шартларда амалга оширилади.

3. Беришни шартнома мавжудлиги билан шарт қилиб қўймайдиган иштирокчи давлатлар ўзаро муносабат бундай жиноятларни бериш тўғрисида мурожаат қилинган Давлатнинг қонунчилигида кўзда тутилган шартларга мувофиқ беришга олиб келадиган жиноятлар сифатида кўриб чиқадилар.

4. Иштирокчи давлатлар ўртасида бундай жиноятлар нафақат содир қилинадиган жойда, балки шу 5-модданинг 1-бандига биноан ўзининг суд қилишни белгилаши лозим бўлган давлатлар ҳудудида ҳам содир қилинган жиноятлардек кўрилади.

### **9-модда**

1. Иштирокчи давлатлар 4-моддада санаб ўтилган жиноятлардан ҳар бирига нисбатан амалга оширилган жиноий-процессуал ҳара-катлар муносабати билан бир-бирларига суд текшируви учун улар ихтиёридаги барча мавжуд далиллар берилишини қамраб олувчи энг тўлиқ ёрдам кўрсатадилар.

3. Иштирокчи давлатлар ўз мажбуриятларини шу модданинг 1-бандига биноан улар ўртасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги ҳар қандай шартномалар бўйича бажарадилар.

### **10-модда**

1. Ҳар бир иштирокчи давлат қийноқни тақиқлашга тегишли ўқув материаллари ва ахборотлар ҳуқуқни татбиқ этувчи органларнинг ходимларини, фуқароларга оид ёки ҳарбий, тиббий ходимларни, давлатнинг мансабдор шахсларини ҳамда ҳар қандай шаклда ҳибсга олинган, ушланган

ёки қамоққа олинган шахсларни ушлаб туриб, сўроқ қилишга ёки улар билан муомала қилишга муносабат билдириши мумкин бўлган шахсларни тайёрлаш дастурларига тўлиқ равишда киритилишини таъминлайди.

2. Ҳар бир иштирокчи давлат бу тақиқни ҳар қайси шундай шахсларнинг вазифа ва функцияларига оид қоида ёки йўриқномага киритади.

### **11-модда**

Ҳар бир иштирокчи давлат қандайдир қийноқ ҳолларига йўл қўймаслик учун унинг ҳуқуқий тобелигида бўлган ҳар бир ҳудудда ҳар қандай шаклда ушланган, ҳибс қилинган ёки қамоққа олинган шахсларни сўроқ қилиш, шунингдек қамоқда ушлаб туриш ва муомала қилишга тааллуқди қоида, йўриқнома, усул ва амалиётларни мунтазам кўриб чиқади.

### **12 -модда**

Ҳар бир иштирокчи давлат унинг ҳуқуқий тобелигида бўлган ҳар қайси ҳудудда қийноқ қўлланган деб ўйлашга етарлича асос бўлганда унинг органлари тез ва холис текширув ўтказишларини таъминлайди.

### **13-модда**

Ҳар бир иштирокчи давлат унинг ҳуқуқий тобелигида бўлган исталган ҳудудда қийноқ қўлланилди деб тасдиқдайдиган ҳар бир шахсга шу давлатнинг ваколатли ҳукуматларига шикоят қилиш ҳуқуқини ҳамда улар томонидан бундай жиноят тез ва холис кўриб чиқилишини таъминлайди. Даъвогар ва гуъохдарни ҳар қандай шакллардаги унинг шикояти ёки ҳар қандай гувоҳлик кўрсатмалари муносабати билан кўрқитишдан ҳимоя қилишни таъминлаш чоралари кўрилади.

### **14-модда**

1. Ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг ҳуқуқий тизимида қийноқларнинг қурбони товон олишини ва иложи борича тўлароқ тик-ланиш учун маблағларни қамраб олувчи, ҳуқуқий санкция билан тўлдириладиган адолатли ва муқобил товон олиш ҳуқуқига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлайди. қийноқ натижасида қурбон вафот этса товон олиш ҳуқуқи унинг қарамоғидагиларга берилади.

2. Ушбу моддада ҳеч нарса қурбон ёки бошқа шахсларнинг миллий қонунчиликка кўра мавжудлиги мумкин бўлган ҳар қандай товон олиш ҳуқуқига дахл қилмайди.

### **15-модда**

Ҳар бир иштирокчи давлат ҳар қандай ариза, агар белгиланганидек, қийноқ остида берилган бўлса, исталган суд текшируви давомида далил сифатида фойдаланмаслигини таъминлайди, у қийноқ содир этишда айбланадиган



шахсга қарши ариза берилганининг исботи сифатида фойдаланиладиган ҳоллар бундан мустаснодир.

## **16-модда**

1. Ҳар бир иштирокчи давлат унинг ҳуқуқий тобелигида бўлган исталган ҳудудда бундай ҳаракатлар давлатнинг мансабдор шахси ёки расмий сифатида, ёхуд уларнинг гижгижлаши ёки кузатуви ё индамай розилик бериши билан чиқадиган бошқа шахс томонидан содир этиладиган 1-моддада бўлган қийноқ таърифига кирмайдиган муомала беришнинг бошқа қаттиқ, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи бошқа ҳаракатларнинг олдини олиш мажбуриятини олади. Хусусан, 10-, 11-, 12-ва 13-моддаларда бўлган мажбуриятлар қийноқ тўғрисидаги эслатмалар муомала ва жазонинг бошқа қаттиқ, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи шакллари тўғрисидаги эслатмалар билан алмаштирилган ҳолда татбиқ этилади.

2. Ушбу Конвенциянинг қоидалари қаттиқ, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазони тақиқловчи ёки бериш ёки чиқариб юборишга тегишли исталган халқаро шартномалар ёки миллий қонунчиликнинг қоидаларига зарар келтирмайди.

## **II ҚИСМ**

### **17-модда**

1. Қийноқларга қарши қўмита (бундан кейин қўмита дейилади) тузилади, у қуйида назарда тутилган вазифаларни бажаради. қўмита юксак маънавий фазилатларга эга ва инсон ҳуқуқлари соҳасида ваколатли деб тан олинган ҳамда шахс сифатида чиқадиган ўнта экспертдан иборат. Экспертлар иштирокчи давлатлар томонидан сайланади, бунда жўғрофий тақсимланишга ҳамда ҳуқуқий тажрибаси бўлган бир нечта шахснинг иштироки мақсадга мувофиқдигига эътибор берилади.

2. Қўмита аъзолари иштирокчи давлатлар томонидан кўрсатиладиган шахслар рўйхати ҳисобидан яширин овоз бериш билан сайланади. Ҳар бир иштирокчи давлат ўз фуқаролари ҳисобидан битта номзод кўрсата олади. Иштирокчи давлатлар шунингдек Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактга биноан таъсис этилган Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг аъзолари бўлган ҳамда қийноқларга қарши қўмитада ишлаш истагини билдирган шахсларни кўрсатиш мақсадга мувофиқлигини қам ҳисобга оладилар.

3. Қўмита аъзолари сайлови Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби томонидан икки йилда бир марта чақириладиган иштирокчи давлатлар кенгашида ўтказилади. Кворумини иштирокчи давлатларнинг учдан икки қисми ташкил этадиган ана шу кенгашларда энг кўп овоз ҳамда Конвенция иштирокчи

давлатлари вакилларида иштирок этган ва овоз беришда қатнашганларининг мутлоқ кўпчилик овозини олганлар қўмига сайланган номзодлар бўлади.

4. Дастлабки сайловлар ушбу Конвенция амалга киритилган санадан бошлаб олти ойдан кечикмай ўтказилади. Навбатдаги сайловлар санасидан ҳеч бўлмаганда тўрт ой аввал Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби иштирокчи давлатларга уч ойлик муддатда уларнинг номзодларини тақдим этиш таклиф қилинган хат жўнатади. Бош қотиб тайёрлайдиган рўйхатга алифбо тартибда шутарзда кўрсатилган шахслар уларни кўрсатган иштирокчи давлатларни кўрсатган ҳолда киритилади, Бош қотиб бу рўйхатни иштирокчи давлатларга тақдим этади.

5. Қўмига аъзолари тўрт йил муддатга сайланади. Улар такрор кўрсатилган тақдирда қайта сайланиш ҳуқуқига эгадир. Аммо дастлабки сайловда сайланган беш аъзонинг ваколат муддати икки йиллик давр охирида тугайди, дастлабки сайловдан кейин дарҳол шу беш аъзонинг номлари, кенгаш раиси томонидан қуръа ташлаб аниқланади, бу ҳақда ушбу модданинг 3-бандида баён этилади.

6. Қўмига аъзоси вафот этган ёки истеъфога чиққан тақдирда ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра қўмигадаги вазифаларини бажариш имкони бўлмаганда унинг номзодини таклиф қилган иштирокчи давлат қолган муддатга иштирокчи давлатлар аксариятининг маъқуллаши билан бошқа экспертни тайинлайди. Агар иштирокчи давлатларнинг ярми ёки кўпроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибидан тавсия қилинадиган тайинлов тўғрисида ахборот олгандан кейин олти ҳафта ичида салбий жавоб бермаса, номзод маъқулланган деб ҳисобланади.

7. Иштирокчи давлатлар қўмига аъзоларининг улар томонидан қўмигада вазифалари бажарилган даврдаги харажатларини қоплашни ўз зиммаларига оладилар.

## **18-модда**

1. Қўмига ўзининг мансабдор шахсларини икки йил муддатга сайлайди. Улар қайта сайланишлари мумкин.

2. Қўмига ўзининг хусусий тартиб-қоидаларини белгилайди, лекин бу қоидаларда, жумладан, қуйидагилар кўзда тутилмоғи лозим:

а) олти аъзо кворумни ҳосил қилади;

б) қўмига қарорлари қатнашаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби қўмига ўз вазифаларини ушбу Конвенцияга мувофиқ равишда самарали олиб бориши учун зарур ходимлар, шарт-шароит билан таъминлайди.



4. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби қўмитанинг биринчи кенгашини чақиради. Ўзининг биринчи кенгашидан кейин қўмита тартиб-қоидаларда кўзда тутилган вақт оралиғида тўпланиши лозим.

5. Иштирокчи давлатлар уларнинг ва қўмитанинг кенгашларини ўтказиш муносабати билан юзага келадиган харажатларни қоплашни ушбу модданинг 3-бандига биноан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан таъминланадиган ходимларга ҳақ тўлаш ва шарт-шароитларни таъминлаш каби ҳар қандай харажатлар қопланишини қўшиб ўз зимасига олади.

### **19-модда**

1. Иштирокчи давлатлар қўмитага ушбу Конвенцияга биноан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби орқали улар томонидан уларнинг вазифаларини амалга ошириш юзасидан ушбу Конвенция тегишли иштирокчи давлат учун амалга киритилгандан кейин бир йил мобайнида қабул қилинган тадбирлар тўғрисида маърузалар такдим қилади. Шундан кейин иштирокчи давлатлар тўрт йилда бир марта ҳар қандай қабул қилинган янги тадбирлар тўғрисида қўшимча маърузаларни, шунингдек сўраши мумкин бўлган бошқа маърузаларни такдим қилади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби шу маърузаларни барча иштирокчи давлатларга жўнатади.

3. Ҳар бир маъруза қўмита томонидан кўриб чиқилади, у ўзи мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдиган маъруза юзасидан умумий тартибда мулоҳазалар қилиши мумкин, кейин уларни тегишли иштирокчи давлатга жўнатади. Мазкур иштирокчи давлат қўмитага жавоб тариқасида ўринли деб ҳисоблайдиган исталган мулоҳазаларни бериши мумкин.

4. Қўмита ўз хоҳишича, 24-моддага биноан тайёрланадиган ўзининг йиллик маърузасига унинг томонидан ушбу модданинг 3-бандига биноан қилинган исталган мулоҳазаларни улар бўйича тегишли иштирокчи давлатдан олинган мулоҳазалар билан киритиши мумкин. Тегишли иштирокчи давлат илтимосига кўра қўмита шунингдек ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ такдим қилинган маъруза нусхасини ҳам киритиши мумкин.

### **20-модда**

1. Агар қўмита олган тўғри ахборотда, унинг фикрича, қайсидир иштирокчи давлат ҳудудида қийноқлар мунтазам қўлланилгани тўғрисида тўлиқ асосли маълумотлар бўлса, унда у ушбу иштирокчи давлатга шу ахборотни кўриб чиқишда ҳамкорлик қилишни ҳамда шу мақсадда ўзининг мазкур ахборотга нисбатан мулоҳазаларини билдиришни таклиф қилади.

2. Тегишли иштирокчи давлат такдим этадиган ҳар хил мулоҳазаларни, шунингдек унинг ихтиёридаги ишга алоқадор бошқа исталган ахборотларни



ҳисобга олган ҳолда қўмита, агар у шуни мақсадга мувофиқ деб топса, махфий равишда текшириш ўтказиш ва қўмитага шошилишчи равишда тегишли маърузани бериш учун ўзининг бир ёки бир неча аъзоларини тайинлаши мумкин.

3. Агар ушбу модданинг 2-бандига биноан текширув ўтказилса, қўмита тегишли иштирокчи давлат билан ҳамкорлик ўрнатишга интилади. Шу иштирокчи давлат розилиги билан бундай текширув унинг ҳудудига бориб кўришни назарда тутиши мумкин.

4. Шу модданинг 2-бандига мувофиқ ана шу текширув аъзоси ёки аъзолари томонидан такдим қилинган текширув натижалари кўриб чиқилгандан кейин қўмита тегишли иштирокчи давлатга бу натижаларни шу вазиятда мақсадга мувофиқ деб топиладиган исталган мулоҳазалар ёки таклифлар билан қўшиб жўнатади.

5. Қўмитанинг ушбу модданинг 1-4-бандларида эслатилган бутун иши махфий тусдадир ва бу ишнинг ҳамма босқичларида иштирокчи давлат билан ҳамкорлик қилишга интилиш лозим. 2-бандга биноан ўтказилган текширув нисбатан бу иш тугагач қўмита тегишли иштирокчи давлат билан маслаҳатлашгандан кейин шу иш натижалари тўғрисида қисқача ҳисоботни 24-моддага асосан тайёрланадиган ўзининг ҳар йилги маълумотига киритиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

## **21-модда**

1. Ушбу моддага мувофиқ мазкур Конвенциянинг ҳар қандай иштирокчи давлати исталган вақтда у қўмитанинг бир иштирокчи давлатнинг бошқа иштирокчи давлат ўзининг ушбу Конвенция бўйича вазифаларини бажармаётганлиги тўғрисидаги хабарларини олиш ва кўриб чиқиш ваколатини тан олишини билдириши мумкин. Бундай хабарлар ушбу моддада баён қилинган тартиб-қоидаларга мувофиқ фақатгина улар ўзига нисбатан қўмита ваколатини тан олгани тўғрисида ариза берган иштирокчи давлат томонидан такдим этилган ҳолдагина қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши мумкин. қўмита ушбу модда бўйича ахборотларни, агар улар бундай ариза бермаган иштирокчи давлатга тегишли бўлса, кўриб чиқмайди. Ушбу моддага кўра олинган хабарлар қуйидаги тартибга мувофиқ кўриб чиқилади:

- а) агар қайсидир иштирокчи давлат бошқа иштирокчи давлат ушбу Конвенция қоидаларини бажармаётир, деб ҳисобласа, унда бу ҳақда шу масала ҳақида кўрсатилган иштирокчи давлатга ёзма хабар қилиши мумкин. Шу хабарни олгандан кейин уч ой мобайнида уни олган давлат ёзма равишда шундай хабар жўнатган давлатга тушунтириш ёки бошқа ариза такдим қиладики, унда қанчалик мумкин ва мақсадга мувофиқ бўлса, шу масала юзасидан қабул қилинган, қабул қилинадиган ёки



- қабул қилиниши мумкин бўлган ички тартиб ва тадбирлар кўрсатилмоғи лозим;
- b) агар дастлабки хабар оладиган давлат томонидан олингандан кейин олти ой мобайнида масала иккала тегишли иштирокчи давлатни қондириш сари ҳал этилмаса шу давлатлардан ҳар қайсиси бу масалани қўмитага бериб, бу ҳақда қўмита ва бошқа давлатга билдириб қўйиши мумкин;
  - c) қўмита унга ушбу моддага биноан берилган масалани фақатгина у ҳамма иложи бор ички чоралар кўрилгани ҳамда мазкур ҳолда умум томонидан тан олинган халқаро ҳуқуқ принципларига мувофиқ тугагани ҳақида ишонч ҳосил қилганидан сўнг қараб чиқади. Бу қоида шу тадбирларни кўллаш асоссиз чўзилиб кетган ёки ушбу Конвенция бузилишининг қурбони бўлган шахсга самарали ёрдам кўрсатиши даргумон бўлган ҳолларда ҳаракат қилмайди;
  - d) ушбу модда бўйича ахборотларни кўриб чиққанда қўмита ёпиқ мажлислар ўтказади;
  - e) қўмита «с» банддаги қоидаларга риоя этган ҳолда тегишли иштирокчи давлатларга масалани ушбу Конвенцияда кўзда тутилган мажбуриятларини ҳурмат қилиш асосида дўстона ҳал этиш мақса-дида яхши хизматлар кўрсатади. Шу мақсадда қўмита зарурат бўлган-да махсус келишув комиссиясини таъсис қилиши мумкин;
  - f) ушбу моддага мувофиқ ўзига берилган ҳар қандай масала бўйича қўмита «b» бандда эслатилган тегишли иштирокчи давлатлардан ишга тааллуқли исталган ахборотни беришларини сўраши мумкин;
  - g) «b» бандда эслатилган тегишли иштирокчи давлатлар қўмитада маласалани кўриб чиқишда вакил орқали қатнашишлари ва оғзаки ва (ёки) ёзма равишда фикр билдиришлари мумкин.
  - h) қўмита билдиришнома олган кундан ўн икки ой мобайнида «b» бандга мувофиқ қуйидаги ҳолларда ахборотнома тақдим этади:
    - i) агар «e» банд қоидалари доирасида ечимга эришилса, унда қўмита ўз ахборотида фактларни ва эришилган ечимни қисқача баён этиш билан чегараланади;
    - ii) агар «e» банд қоидалари доирасида ечимга эришилмаса, қўмита ўз ахборотида фактларни қисқача баён этиш билан чегараланади; тегишли иштирокчи давлатлар томонидан тақдим этилган ёзма тақдимотлар ва оғзаки аризаларнинг қайди ахборотга илова қилинади.

Ҳар бир масала бўйича ахборот тегишли иштирокчи давлатларга жўнатилади.

2. Ушбу модданинг қоидалари мазкур Конвенциянинг бешта иштирокчи давлати шу модданинг 1-бандига мувофиқ ариза берганида амалга киритилади. Бундай аризалар иштирокчи давлатлар томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун берилади, Бош котиб уларнинг нусхаларини қолган иштирокчи давлатларга жўнатади. Ариза Бош котиб номига билдиришнома жўнатиш орқали исталган вақтда чақириб олиниши мумкин. Аризани бундай чақириб олиш ушбу моддага мувофиқ аввал ўтказиб бўлинган ахборот мавзуи бўлган ҳар қандай масалани кўриб чиқишга зарар етказмаслиги керак; ушбу моддага мувофиқ ҳар қандай иштирокчи давлатнинг ҳеч қандай кейинги ахборотлари, агар тегишли иштирокчи давлат янги ариза бермаган бўлса Бош котибга аризанинг чақириб олиниши тўғрисида билдирилгандан кейин қабул қилинмайди.

## **22-модда**

1. Ушбу Конвенциянинг иштирокчи давлати исталган вақтда ушбу моддага мувофиқ унинг ҳуқуқий тобелигида бўлган шахсларнинг иштирокчи давлат томонидан Конвенция қоидаларини бузиш қурбонлари бўлганликларини ёки улар номидан тушадиган шундай тусдаги ахборотларни тасдиқлайдиган хабарларини олиш ва кўриб чиқишга қўмита ваколатини тан олиши тўғрисида баёнот бериши мумкин. Шундай баёнот бермаган иштирокчи давлатга таалуқли бўлган ҳар қандай ахборотларни қўмита қабул қилмайди.

2. Қўмита ушбу моддага биноан аноним бўлган ёки унинг фикрича, шундай хабарларни бериш ҳуқуқини суистеъмол қилган ёки ушбу Конвенция қоидаларига тўғри келмайдиган ҳар қандай ахборотни номақбул деб ҳисоблайди.

3. Қўмита 2-бандни ҳисобга олган ҳолда ушбу моддага Мувофиқ равишда унга берилган ахборотни 1-бандга кўра баёнот берган ва гўёки Конвенциянинг у ёки бу қоидаларини бузаётган ушбу Конвенциянинг иштирокчи давлатига маълум қилади. Ахборотни олган давлат олти ой мобайнида қўмитага масалани ва шу давлат томонидан қабул қилинадиган ҳар қандай тадбирларни аниқдаштирадиган ёзма тушунтириш ёки ариза тақдим этади.

4. Қўмита ушбу моддага мувофиқ олинган хабарларни унга мазкур шахс томонидан ёки унинг номидан ва тегишли иштирокчи давлат томонидан тақдим этилган бутун ахборотлар асосида кўриб чиқдди.

5. Қўмита агар у қуйидагиларга амин бўлмаса, ушбу моддага кўра қандайдир шахсдан олинган ҳеч бир ахборотни кўриб чиқмайди:



- a) худди шу масала халқаро тергов ёки бартараф этиш бўйича қайсидир бошқа маросимда кўриб чиқилмаган ва кўриб чиқилмаяпти;
- b) мазкур шахс мавжуд ички ҳуқуқ ҳимоясининг барча чораларини тугатган; бу қоида шу тадбирларни қўллаш асоссиз чўзиладиган ёки шу Конвенцияни бузиш қурбони бўлган шахсга самарали ёрдам бериши гумон саналган ҳолларда ҳаракат қилмайди.

6. Ушбу модда бўйича ахборотларни кўриб чиққанда қўмита ёпиқ мажлислар ўтказади.

7. Қўмита тегишли иштирокчи давлат ва мазкур шахсга ўз фикрларини билдиради.

8. Ушбу модданинг қоидалари ушбу Конвенциянинг бешта иштирокчи давлати мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ ариза берганда амалга киритилади. Бундай аризалар иштирокчи давлатлар томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун берилади, у уларнинг нусхаларини қолган иштирокчи давлатларга жўнатади. Ариза исталган вақтда Бош котиб номига билдиришнома жўнатиш воситасида чақириб олиниши мумкин. Аризани бундай чақириб олиш ушбу моддага биноан берилиб бўлинган ахборот мавзуи саналган исталган масалани кўриб чиқишга зарар келтирмаслиги лозим; ҳар қандай шахс томонидан ёки унинг номидан жўнатиладиган ҳеч қандай кейинги хабарлар ушбу моддага мувофиқ, Бош котиб томонидан аризани чақириб олиш тўтрисида билдиришнома олингандан кейин, агар тегишли иштирокчи давлат янги ариза бермаса, қабул қилинмайди.

### **23-модда**

Қўмита ва 21-модда 1-бандининг «е» кичик бандига биноан таинланиши мумкин бўлган келишув комиссияларининг аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Имтиёзлар ва иммунитетлар тўғрисида Конвенциясининг тегишли бўлимларида кўзда тутилганидек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти топшириғи бўйича ишлайдиган экспертларнинг имтиёзлари ва иммунитетлари ҳуқуқига эгадирлар.

### **24-модда**

Қўмита иштирокчи давлатларга ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига ушбу Конвенцияга биноан ўз иши тўғрисида йиллик маъруза тақдим қилади.

## **III ҚИСМ**

### **25-модда**

1. Ушбу Конвенция ҳамма давлатлар томонидан имзоланишга очикдир.

2. Ушбу Конвенция ратификация қилиниши керак. Ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлашга берилади.

### **26-модда**

Ушбу Конвенция ҳамма давлатларнинг қўшилиши учун очикдир. қўшилиш қўшилганлик тўғрисида ҳужжатни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топшириш йўли билан амалга оширилади.

### **27-модда**

1. Ушбу Конвенция йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилганининг ўттизинчи куни амалга киритилади.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган ёки ўнта йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисида ҳужжат топширилгандан кейин қўшиладиган ҳар бир давлат учун ушбу Конвенция унинг ўзининг ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисида ҳужжати сақлаш учун топширилган санадан кейин ўттизинчи куни амалга киритилади.

### **28-модда**

1. Ҳар бир давлат ушбу Конвенцияни имзолаш ёки ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида у йигирманчи моддада белгиланган қўмига ваколатини тан олмаслиги мумкин.

2. Ушбу модданинг биринчи бандига мувофиқ изоҳ берган ҳар қандай иштирокчи давлат бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибини хабардор қилиб исталган вақтда ўз изоҳини олиб ташлаши мумкин.

### **29-модда**

1. Ушбу Конвенция иштирокчиси бўлган ҳар қайси давлат тузатиш таклиф қилиши ва уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига такдим қилиши мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби кейин таклиф қилинган тузатишни иштирокчи давлатларга шу таклифни кўриб чиқиш ҳамда у бўйича овоз бериш ўтказиш мақсадида иштирокчи давлатлар конференциясини чақиришга улар тарафдор ёки тарафдор эмаслигини унга билдиришни илтимос қилиб жўнатади. Агар бундай хат жўнатилган санадан сўнг тўрт ой давомида иштирокчи давлатларнинг камида учдан бир қисми шундай конференцияга тарафдорлигини билдирса, Бош котиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида конференция чақиради. Шу конференцияда ҳозир бўлган ва овоз беришда иштирок этган иштирокчи давлатларнинг аксарияти томонидан қабул қилинган ҳар қандай тузатиш Бош котиб томонидан ҳамма иштирокчи давлатларга тасдиқлаш учун берилади.



2. Ушбу модданинг 1 -банди бўйича қабул қилинган тузатиш ушбу Конвенциянинг иштирокчи давлатларидан учдан икки қисми Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибини ўзининг конституцион тартибларига мувофиқ улар томонидан мазкур тузатиш қабул қилинганлиги тўғрисида хабардор қилгандан кейин амалга киритилади.

3. Тузатишлар амалга киритилгач, улар ўшаларни қабул қилган иштирокчи давлатлар учун мажбурий бўлиб бошқа иштирокчи давлатлар учун эса ушбу Конвенция қоидалари ва улар томонидан қабул қилинган тузатишлар мажбурий бўлиб қолади.

### **30-модда**

1. Ушбу Конвенцияни шарҳдаш ёки қўлланиш хусусидаги икки ёки кўпроқ иштирокчи давлатлар ўртасидаги музокаралар йўли билан бартараф этилиши мумкин бўлмаган ҳар қандай баҳс улардан бирининг илтимоси бўйича арбитражга берилади. Агар арбитраж тўғрисида илтимос қилингандан сўнг ўтган олти ой мобайнида томонлар арбитраж ташкил этиш тўғрисида битимга келиш ҳолатида бўлмасалар, томонлардан бирининг илтимоси бўйича баҳс Халқаро суд мақомига биноан Халқаро судга ўтказилиши мумкин.

2. Ҳар бир давлат ушбу Конвенцияни имзолаганда, ратификация қилганда ёки унга қўшилганда у ўзини ушбу модданинг 1-банди қоидалари билан боғланиб қолмаган деб ҳисоблагани тўғрисида маълум қилиши мумкин. Бошқа иштирокчи давлатлар шундай изоҳ берган ҳар қандай иштирокчи давлатга нисбатан ушбу модданинг 1-банди қоидалари билан боғланиб қолмайдилар.

3. Ушбу модданинг 2-бандига мувофиқ изоҳ берган ҳар қандай иштирокчи давлат бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига билдириб қўйиб, исталган пайтда ўз шарҳини олиб ташлаши мумкин.

### **31-модда**

1. Ҳар қайси иштирокчи давлат ушбу Конвенцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига ёзма равишда хабар бериш йўли билан бекор қилиши мумкин. Бекор қилиш Бош котиб томонидан билдиришнома олингандан кейин бир йил ўтгач амалга киради.

2. Бундай бекор қилиш иштирокчи давлатни ушбу Конвенция бўйича унинг бекор қилиш амалга киритилган санага мавжуд бўлган ҳар қандай ҳаракат ёки нуқсон учун жавобгарликлардан озод қилмайди ва бекор қилиш қўмита томонидан бекор қилиш амалга киритилган санагача кўриб чиқилган исталган саволнинг давом этаётган кўриб чиқишига ҳеч қанақа зарар етказмайди.

3. Қайсидир иштирокчи давлат учун бекор қилиш кучга киритилган санадан кейин қўмита мазкур давлатга тегишли янги масалаларни кўриб чиқишга киришмайди.

### **32-модда**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолари бўлган барча давлатларга, ушбу Конвенцияни имзолаган ёки унга қўшилган барча давлатларга қуйидаги маълумотларни хабар қилади:

- a) 25- ва 26-моддаларга биноан имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш тўғрисида;
- b) 27-моддага биноан ушбу Конвенцияни амалга киритиш ва 9-моддага биноан исталган тузатишларни амалга киритиш санаси тўғрисида;
- c) 31-моддага биноан бекор қилиш тўғрисида.

### **33-модда**

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Конвенциянинг тасдиқланган нусхаларини барча давлатларга жўнатади.

2. Эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади.







Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши

# **ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ ҚОИДАЛАРИНИ СУДЛАР ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ**

Георгий Тугуши





Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз,  
ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши

## Халқаро Конвенция Қоидаларини судлар томонидан қўллаш амалиёти

Георгий Тугуши  
Халқаро Эксперт

Тошкент 2020

### Халқаро ва маҳаллий судлар томонидан кўриб чиқилган ишлардан мисоллар

Канада Олий судининг Сурешнинг Канадага қарши ишида (2002 йил) диққатга сазовор ҳолат конституциянинг изоҳланишидир. Канада суди “энг муҳими, халқаро ҳуқуқ, ҳатто миллий хавфсизлик манфаатлари хавф остида бўлган тақдирда ҳам, қийноқга солиш йўли билан депортация қилишни рад этади” деган хулосага келди. Ушбу қоида Хартиянинг 7-бўлимига мувофиқ асосий адолаттамойилларининг мазмунини жуда яхши акс эттиради.

Шу билан бирга, миллий судлар баъзида айрим давлатларга қаратилган мулоҳазалардан атайлаб қочишган. Масалан, Канада ва Буюк Британия судлари Қийноқларга қарши қўмитанинг чет элда қийноққа солинган қурбонлар учун фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя воситалари мавжуд бўлиши кераклиги тўғрисидаги Якуний мулоҳазаларга қўшилмаган. Бузарининг Эронга қарши ишида Канада судлари Эроннинг Канада судларидаги юрисдикцион иммунитетини қўллаб-қувватлаган ҳолда қийқонқа солинган деб тахмин қилинган қурбонлар томонидан Эронга қарши тақдим этилган фуқаролик даъвосини рад этган. Ариза берувчиларнинг аргументларидан бири Қийноқларга қарши конвенциянинг 14-моддасига (зарарни қоплашга бўлган ҳуқуқ) асосланган бўлиб, уларнинг тасдиқлашича, ушбу норма қийноққа солувчи барча ҳаракатларга қарши, шу жумладан суд бўлаётган давлат ҳудудидан ташқарида содир этилган қийноқларга нисбатан ҳам ҳуқуқий ёрдамнинг фуқаролик воситасини қўллаш имконини беради. Ушбу изоҳлашни рад этган ҳолда, Онтарио Олий суди 2002 йилда бош прокуратура мутахассисининг Канаданинг чет элда содир этилган қийноқ қурбонларига ҳуқуқий ёрдамнинг фуқаролик воситасини тақдим этишни рад этиши Қийноқларга қарши қўмита томонидан танқид қилинмаган деган мулоҳазаларини қўллаб-қувватлади.



Қизиғи шундаки, 2005 йилда Канадага йўлланган Якуний мулоҳазаларда Қўмита қийноқ қурбонлари учун ҳуқуқий ёрдамнинг фуқаролик воситаларидан фойдаланишга имкониятларнинг чекланганлигини танқид қилди. Қўмита ўз хавотирларини 2012 йилдаги Якуний мулоҳазаларида янада аниқроқ тарзда тасдиқлади. Бироқ, бунга жавобан Қийноқларга қарши қўмитанинг 2005 йилда Канадага нисбатан билдирган мулоҳазалари Британиялик судьялар томонидан Жонснинг Саудия Арабистонига қарши ишида (2006 йил) танқид қилинди. Унда Лордлар палатаси Қийноқларга қарши қўмитанинг изоҳига очиқдан-очиқ қўшилмаслиги келтирилган. Лордлар палатаси чет элда содир этилган қийноқ қурбонлари томонидан кўзғатилган фуқаролик ишларининг суд муҳокамасида давлатнинг суверен иммунитетни мавжудлигини қўллаб-қувватлади. Қўмитанинг Канада ҳукуматининг давлат ҳисоботида нисбатан танқидий мулоҳазаларини қайд этган ҳолда лорд Бингхэм Қийноқларга қарши қўмита мулоҳазаларининг долзарблигини рад этди. Лорд «унинг халқаро доирада фикрлаш тенденцияларига таъсир қилишдаги аҳамиятига қарамай, Қўмита тавсиясининг юридик кучи ҳеч қандай «аҳамиятга эга эмаслигини» таъкидлади.

Қийноқга қарши қўмитанинг мулоҳазалари 2002 йилда Буделлаанинг Босния ва Герцоговинага қарши ишида ҳам Босния ва Герцоговинанинг Инсон ҳуқуқлари бўйича палатаси томонидан қўлланилган. Палата Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг 3-моддасини (қийноқга солишни таъқиқлаш) Қийноқга қарши конвенциянинг 3-моддасига мувофиқ чиқариб юбормаслик тамойили тўғрисидаги Қийноқга қарши қўмита мулоҳазалари асосида ишлаб чиқилган тестга ҳавола қилган ҳолда талқин қилган. 2005 йилдаги қийноқга солинганликни аниқлашда қўлланиладиган далилларга оид “А ва бошқалар” (2-сонли) ишида лорд Бингхэм Қийноқга қарши конвенциянинг 15-моддасига оид давлатлар амалиётини аниқлаш жараёнида Қийноқга қарши қўмитанинг мулоҳазаларидан парча келтирган. Қийноқга қарши қўмита қарорларига ҳавола қилган ҳолда, лорд Бингхэм “[t] Қўмита, агар ариза берувчи текширилган бўлса, далиллар чиқариб ташланиши кераклигини аниқ назарда тутишини” таъкидлади.

Шу билан бирга, турли хил қарашларга мисоллар мавжуд. Масалан, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита Чехия Республикасига қилган мурожаатида Чехия фуқаролари ва фуқаролари бўлмаган шахслар ўратсидаги фарқ ФСХПнинг 26-моддасида белгиланган камситишни таъқиқлашни бузиш деган хулосага келган.

Бразилия Федерал судининг RE 580252 / MS - MATO GROSSO DO SUL ишида қатнашган барча судьялар давлат турмадаги маҳбусларнинг соғ-омонлиги ва хавфсизлиги учун жавобгар ҳисобланиши ҳақида қарор қилган. Маҳбусларни қонунда белгиланган инсонпарварликнинг минимал стандартларига риоя қилган ҳолда турма шароитида ушлаб туриш, шунингдек, зарурат туғилгандан етказилган барча зарарларни қоплаш давлатнинг вазифасидир. Турмаларда маҳбусларга тан жароҳати етказадиган асосий ҳуқуқларнинг бузилиши шунчаки компенсация тўлаш турмадаги мавжуд жиддий муоммоларни бутунлай йўқ қилиш иконига эга эмас деган аргументни илгари суриш учун ишлатилиши керак эмас. Турмадаги муоммолар давлатнинг сиёсати, қонунчилик ва маъмурий сиёсатининг белгиланиши ва амалга оширилишига боғлиқ ҳисобланади.

Ушбу аргумент, агар қабул қилнганда эди, охир-оқибат ушбу ишда кўриб чиқиладиган вазият каби турмаларда кузатиладиган ғайриинсоний вазиятнинг сақланиб қолишини оқлаган бўлар эди. Маҳбусларнинг шахсий, жисмоний ва психологик хавфсизлигининг минимал кафолати давлатнинг мажбурияти ҳисобланиши нафақат миллий қонунларда (Федерал конституция, 5-моддаси, XLVII, "е"; XLVIII; 7.210 / 84 ( LEP) Қонуннинг 10; 11; 12; 40; 85; 87; 88 моддалари; 9. 455/97- қийноққа солиш жиноятлари Қонуни; 12.874 / 13- Қийноқларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш миллий тизими Қонуни), балки Бразилия томонидан қабул қилинган халқаро ҳужжатларда (1966 йилги БМТнинг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактининг 2; 7; 10; ва 14 моддалари; 1969 йилги Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясининг 5; 11; 25 моддалари; 1984 йилги Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши БМТ Конвенцияси; БМТнинг 1-Конгрессида қабул қилинган Маҳбусларга нисбатан муомалада бўлишнинг минимал қоидалари) ҳам белгиланган.

«Турмаларда ҳуқуқий тизимда назарда тутилган инсонпарварликнинг минимал стандартларини таъминлаш давлатнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланган мажбурияти эканлигини ҳисобга олган ҳолда Конституциянинг 37-моддаси 6-параграфига мувофиқ давлат маҳбусларни ушлаб туришнинг қонуний шартлари йўқлиги ёки стандартларга номувофиқлиги сабабли уларга етказилган зарарни, шу жумладан, маънавий зарарни қоплаш мажбуриятига эга.» Штатнинг даъвогарга компенсация сифатида 2000 реал тўлаш ҳақидаги айблов ҳукмини тиклаш учун фавқулодда апелляцияга топширилди.





**КАЗУСЛАР**





## I КАЗУС

2020 йил 22 август куни Тошкент шаҳрида Россия Федерацияси фуқароси Ахмед Мачатуров ушланди. Унинг хонадонидан ноқонуний ўқотар қурол олиб қўйилди. Ахмед Мачатуров Россияда содир этган жинояти учун қидирувда бўлган. Айнан эса, у ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимини жисмоний ҳақорат қилганликда, ноқонуний қурол ишлаб чиқаришда ва сақлашда айбланган. Россия Федерацияси прокуратураси Ахмед Мачатуровни экстрадиция қилишни талаб қилмоқда.

Ахмед Мачатуров Россияда фаолият юритувчи «Парнас» муҳолифат партияси раиси Михаил Касяновнинг яқин шахси эканлиги датахмин қилинмоқда. Унинг ўзи ҳам муҳолифат фаоли эди. Ахмед Мачатуров унга қарши жиной иш қўзғатилган пайтда Россия ҳукуматига қарши кўплаб оммавий намойишларда қатнашган. Муҳолифат партиялари бу жазолашга қаратилган операция ва Ахмед Мачатуровга қарши сиёсий таъқиб эканлигини таъкидладилар. Бир марта Ахмед Мачатуров Instagram ижтимоий тармоғидаги Рамзан Кадыровнинг саҳифасига ҳам тушиб қолган ва у ерда фотошоп ёрдамида унинг бошига нишон чизиб қўйилган эди.

Халқаро ва маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари сиёсий таъқиблар туфайли Россия пенитенциар муассасаларида ғайриинсоний муомалада бўлиш фактлари келтирилган ҳисоботларни вақти-вақти билан эълон қилиб турадилар. 2020 йилнинг 19 январида Amnesty International Россия пенитенциар муассасаларида аниқланган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қийноққа солиш ва ғайриинсоний муомалада бўлиш фактларидан хавотирда эканлигини баён қилди.

Ахмед Мачатуров ҳам ўз кўрсатмаларида сиёсий қочоқ эканлигини ва Чеченистон ва Россия давлатларида қийноққа солиниши мумкинлигини таъкидламоқди.

**Савол:** суд экстрадиция қилиш тўғрисидаги илтимосномани қондириши керакми?



## II КАЗУС

2020 йилнинг 20 июл куни Фридрих Баум ушланди. У Грета Герцни ўғирлаб кетишда гумон қилинди. Фредрих Баум ушланган пайтда терговчида ягона далил бор эди, бу ҳам бўлса, Астрид Дзвахтнинг билвосита кўрсатмаси эди. Ушбу кўрсатмада Мария Линдгрэн томонидан Фридрих Баум Грета Герцнинг собиқ севгилиси эканлиги ва Фридрих Баум Грета Герцга «у фақат унга тегишли» эканлигини тез-тез такрорлаб тургани айтилган.

Фридрих Баум ушланган пайтда жинойт содир этганлигини тан олмади. Унинг сўзларига кўра, у Грета Герц билан охирги марта уч ой олдин мулоқатда бўлган. Фридрих Баумнинг кўрсатмалари федерал тергов учун ишонарли бўлмади. Терговчи Каэль Энгельс тергов хонасида Баумга унинг айбдор эканлигини билишини ва ундан кўрсатма олиш учун барча имкониятларини ишга солишини айтди. Фридрих Баум томонидан таҳдид янада жиддий қабул қилиниши учун терговчи таёқчасига презерватив кийдирди ва жинсий зўравонлик таҳдидини аниқ кўрсатди. Терговчининг сўзига кўра, Фридрих Баумга 24 соат берилган ва агар у шу вақт ўтганидан сўнг тегишли тартибда терговга кўмаклашмаса ва Грета Герцнинг йўқолиши тўғрисида ҳақиқатни айтмаса, у зўравонликга учраши ва жисмоний қийноқга солиниши айтилган.

Фридрих Баум қийноқга солинишидан қўрқиб, ўғирланган Грета Герцнинг қаерда эканлигини терговчига айтиб берди. Фридрих Баум айтган манзилдан Грета Герцнинг жасади топилди. Айбловчи томон судга тақдим этган бошқа барча далиллар ҳам Фридрих Баум қийноқга солинишидан қўрққанлиги сабабли айтган манзилдан топилган эди.

Суд муҳокамасида Фредрих Баум ўзининг айбдорлигини яна рад этди ва айбловчи томонидан тақдим этилган барча далиллар қийноққа солиш таҳдиди остида ноқонуний қўлга киритилганлиги сабабли уларни мақбул эмас деб топишни талаб қилди.

**Савол:** судья ўз қарорини айбловчи томонидан тақдим этилган далиллар билан асослаши керакми?



# СУДЛАР ТОМОНИДАН ФУҚАРОВИЙ ВА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

Александр Вашкевич





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



## СУДЛАР ТОМОНИДАНФУҚАРОВИЙ ВА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

Профессор  
Александр Вашкевич

### Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси

- Инсон ҳуқуқларига умумбашарий риоя қилиш зарурлигини эълон қилган ва асосий шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларнинг кенг рўйхатини ўз ичига олган инсоният тарихидаги биринчи универсал халқаро ҳужжат.

- 217-сонли Резолюция билан тасдиқланган
- БМТ Бош Ассамблеяси умумий йиғилишининг 3-сессиясида 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган.

### Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги пакт

- Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт шахснинг энг муҳим сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи асосий универсал кўп томонлама ҳужжатдир.
- Дунёнинг 114 давлатлари учун амал қилади (2020 йил ҳолатига )

### Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (ФСХҲП)

- 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган.
- 1976 йил 23 мартда кучга кирган



### **Факультатив протокол**

- Пакт қоидалари бузилганлиги тахмин қилинаётганлиги тўғрисидаги якка тартибдаги мурожаатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш тартиб-таомилини белгилайди.

**116 та давлат,**  
жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам  
Протокол иштирокчиси ҳисобланади.

### **ФСХҲПга доир Факультатив протокол (ФП)**

→ 1966 йил 16 декабрда  
қабул қилинган.

→ 1976 йил 23 мартда  
кучга кирган

### **Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита**

- Иштирокчи-давлатлар томонидан Пакт қоидаларига риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга оширади.

**18 экспертдан**  
ташкил топган

### **Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита (ИХҚ)**

→ 1976 йил 28 сентябрда  
шакиллантирилган

### **Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг ваколатлари**

- Иштирокчи-давлатларнинг ФСХҲПда тан олинган ҳуқуқларни амалга ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги даврий ҳисоботларини кўриб чиқади;
- Пактда белгилаб қўйилган ҳуқуқлари давлат томонидан бузилган деб ҳисоблайдиган шахсларнинг якка тартибдаги мурожаатларини кўриб чиқади;
- Пакт нормаларининг изоҳини ўз ичига олган ва уларни қўллаш амалиётини умумлаштирган умумий тартибдаги таклифларни қабул қилади.

### БМТ Халқаро суди

- «БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси яқка тартибдаги шикоятлар бўйича қарорлар қабул қилиш орқали, шунингдек, «умумий тартибдаги таклифлар» кўринишида изоҳлаш масалалари бўйича кўплаб материаллар тўплади.
- «ФСХПнинг қўлланилишини назорат қилиш учун ташкил этилагн БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг изоҳига катта аҳамият бериш керак.»



**Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги  
халқаро пакт қоидалари дунёнинг турли  
мамлакатлари судлари томонидан бир неча  
маротаба қўлланилган**

### МИСОЛЛАР

**ЯПОНИЯ**





### Токио Олий судидаги иш (1993) Пактнинг 14-моддаси



#### Ишнинг мазмуни:

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишини кўриб чиқишда Нигерия фуқароси таржимон хизматидан фойдаланади.

Айблов ҳукми чиқарилгандан сўнг суд миллий қонунчилик нормаларига мувофиқ маҳкумга таржимон хизмати ҳақини қоплаш мажбуриятини юклади.

Ушбу қонун ҳужжати «таржимоннинг бепул ёрдамидан» фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлайдиган ФСХҲПнинг 14-моддаси 3(f) бандига тўғридан-тўғри зид эди.



#### Суднинг қарори



### Токио Олий судидаги иш (1993) Пактнинг 14-моддаси

#### Токио Олий суди

- қарорни бекор қилди
- таржимоннинг бепул ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи илгари Япония қонунчилигига маълум эмаслигини тасдиқлади, аммо Пакт бундай ҳуқуқни белгилар экан, таржима ҳаражатларини қоплаш маҳкумга юклатилиши мумкин эмаслигини таъкидлади.
- Пакт қоидалари мустақил характерга эга эканлигини тан олди ва тарихда биринчи бор Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт нормасига зид бўлган миллий ҳуқуқ нормасини бекор қилди.

### Осака шаҳри судидаги иш (2004) Пактнинг 14-моддаси



#### Ишнинг мазмуни:

Адвокат қамоқда жазосини ўтаётган мижозига унинг ишидаги суд муҳокамасида далил сифатида ишлатилган видеоёзувни кўрсатмоқчи бўлди. Турма маъмурияти видеоёзувни олдиндан кўришни талаб қилди, аммо, адвокат мижозининг махфийликга бўлган ҳуқуқи борлигини таъкидлаган ҳолда буни рад этди.

Адвокатнинг илтимосномаси турма маъмурияти томонидан рад этилди.

Адвокат ўз мижозининг Пактнинг 14-моддасида назарда тутилган ҳимояга бўлган ҳуқуқи бузилганлиги юзасидан судга шикоят билан мурожаат қилди.



#### Суднинг қарори





### Осака шаҳри судидаги иш (2004) Пактнинг 14-моддаси

#### Суд

- ФСХХП қоидаси тўғридан-тўғри ижро этилишини тасдиқлади
- мазкур иш юзасидан Пакт қоидалари бузилганлигини тан олди
- жабрланувчига 10 000 АҚШ доллари эквиваленти миқдорида компенсация тайинлади

### Саппоро шаҳри судидаги иш (2002) Пактнинг 26-моддаси



#### Ишнинг мазмуни:

Порт шаҳарнинг SPA комплексининг кириш қисмида япон ва инглиз тилларида «Кириш фақат японлар учун» деган ёзувли тахтача осиб қўйилган эди.

Япония фуқаролигини натурализация тартибида олган америкалик профессорни бир неча бор ушбу SPA комплексига киритишмаган ва бунга унинг ташқи кўриниши сабаб эканлигини айтишган. Япония фуқароси эканлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш ҳам ёрдам бермаган. Шундан сўнг, профессор судга даъво киритди.

Судда SPA комплекси эгаси Россиядан келган денгизчилар Японияда қабул қилинган ҳаммомда ўзини тутиш қоидаларини бузганликларини тушунтирди. Бу эса комплексга келувчи японларнинг кўплаб шикоятларига сабаб бўлди. Шу сабабли барча чет элликларга хизматлардан фойдаланиш чекланган эди.



#### Суднинг қарори



### Саппоро шаҳри судидаги иш (2002) Пактнинг 26-моддаси

#### Суд қарор қилди:

- SPA комплексининг эгаси бўлган компания Пактнинг 26-моддасини «...қонун барча шахсларга ирқи (танасининг ранги), жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқоди, миллий ва ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати, туғилиши ёки бошқа ҳолатлари бўйича камситилишидан тенг ва самарали ҳимоя қилинишини кафолатлаши шарт»лиги ҳақидаги қоидани бузганлиги тўғрисида
- ирқӣ камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенциянинг бир қанча қоидалари бузилганлигини таъкидлади
- даъвогарга пул компенсациясини тўлаш тўғрисида

**Суд ФСХХП япон ҳуқуқи нормаларини изоҳлашда стандарт бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини тан олди.**



## ПОЛЬША



### Вроцлав округ судида кўрилган иш Пактнинг 15 (1) моддаси



#### Ишнинг мазмуни:

Етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум этилган Яцек Т. Вроцлав округ судига ўзига белгиланган жазо муддатини икки бараварга камайтириш талаби билан мурожаат қилди.

У ФСХХПнинг қуйидаги нормасига ҳавола қилди: «Агар жиноят содир этилгандан сўнг янги қонун билан енгилроқ жазо белгиланса, мазкур қонун ушбу жиноятчига нисабатан қўлланилади».

Илгари бундай жиноят учун 5 йилдан 25 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси тайинланган. Жиноят кодексининг янги таҳририда ушбу жиноят учун 3 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Биринчи инстанция суди талабни қаноатлантиришни рад этди.

Яцек Т. Вроцлав шаҳар Апелляция судига мурожаат қилиб, округ суди ФСХХПнинг 5-моддасини бузганлигини маълум қилиди.



#### Суднинг қарори



### Вроцлав округ судида кўрилган иш Пактнинг 15 (1) моддаси

#### Апелляция суди

- ФСХХП Польша Республикасининг умуммажбурий ҳуқуқининг манбаи ҳисобланади; Агар қонун Пакт қоидаларига зид бўлса, Пакт қоидалари устундир.»
- илтимосномани қаноатлантиришни рад этди: «ЖК жазони мутаносиб камайтиришни талаб этмайди, янги қонунга мувофиқ фақат жазони энг қатъий жазога қадар камайтириш имкониятини назарда тутди».
- Баъзи ҳолатларда Польша судлари нафақат ФСХХП нормаларига, балки **Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита томонидан уларни қўллаш бўйича амалиётга** ҳам ҳавола қиладилар.

### Варшава шаҳри туман судида кўрилган иш (2018) Пактнинг 20, 21-моддалари




#### Ишнинг мазмуни:

Варшава шаҳри туман суди «Миллий радикал лагер» вакилларининг рухсат этилган намоишига қарши бўлган бир қатор шахсларни айблаш тўғрисидаги ишни кўриб чиқган.

Улар йўлнинг қатнов қисмида ўтирган «Миллий радикал лагер» тарафдорларига марш ўтказишга тўсқинлик қилган, натижада полиция бир мунча вақтга транспорт қатновини тўхтатишга мажбур бўлган.



#### Суднинг қарори



### Варшава шаҳри туман судида кўрилган иш (2018) Пактнинг 20, 21-моддалари

#### Суд

- Йиғилиш эркинлигига **чеклов қўйиш учун Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг ҳужжатлари жуда фойдали** эканлигини таъкидлади
- Р.Фориссоннинг Францияга қарши иши (1996 йил 8 ноябрдаги) бўйича ИХҚ қарорига мурожаат қилди: «антисемит фикрлар сўз эркинлиги кафолатларидан фойдалана олмайди»
- М.Росснинг Канадага қарши ишига (1983 йил 8 апрелдаги) ҳавола қилди: «ирқчилик, антисемитизм ва ксенофобияга ундайдиган озодлик – бу Пакт иштирокчи-давлатлари томонидан ҳимоя қилиниши керак бўлган қадриятдир»

### Варшава шаҳри туман судида кўрилган иш (2018) Пактнинг 20, 21-моддалари

#### Суд ушбу қоидаларни иш ҳолатининг таҳлилига нисбатан қўлади

- плакат ва шиорларнинг мазмуни ҳақида гувоҳлар кўрсатмаларини таҳлил қилди
- «баъзи шиорларда ксенофобия белгилари бор эди... бу эса сўз эркинлигини ошкора суистеъмол қилиш ҳисобланишини» белгилади.
- ксенофоб намоишни тугатиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо бундай қилмаган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг пассивлигини ҳисобга олди
- йўлнинг қатнов қисмидан ҳайдаб чиқаришда ва уларнинг шахсини аниқлашда полицияга қаршилик кўрсатмаган намоишчиларга қаршилик кўрсатганларнинг тинчликсевар хулқ-атворини қайд этди.
- иш бўйича айбланаётган барча шахсларни оқлаш тўғрисида қарор қабул қилди



## Варшава шаҳрининг Апелляция судида кўрилган иш (2014) Пактнинг 9-моддаси 5-банди



### Ишнинг мазмуни:

Варшава шаҳрининг округ суди Канада фуқаросига ноқонуний ҳибсга олинганлиги учун компенсация тўлашни рад этди ва ушбу қарорини Польша Республикасининг ЖПК 559-моддасида белгиланган ўзаролик тамойили билан асослади.



### Апелляция судининг қарори



## Варшава шаҳрининг Апелляция судида кўрилган иш (2014) Пактнинг 9-моддаси 5-банди

### Апелляция суди

- Қарорни бекор қилди ва ишни янгидан кўришга юборди: Округ суди фақат Адлия вазирлигининг Канада қонунида асоссиз ҳукм қилиш, судгача ҳибсга олиш ёки қамоққа олиш учун компенсация пули тўлашни кўзда тутилмаганлиги тўғрисидаги хатигагина асосланган.
- Канада томонидан ратификация қилинган ФСХХП суднинг эътиборидан четда қолдирилган. Пактнинг 9-моддаси 5-қисмида ноқонуний ҳибсга олинган ёки қамоққа олинган ҳар бир шахс компенсация олиш ҳуқуқига эга эканлиги ёзилган.
- Пактнинг 2-моддасида белгиланишича, Пактга аъзо ҳар бир давлат ўз ҳудудида ва юрисдикциясидаги барча шахсларга ушбу Пактда тан олинган ҳуқуқларни ҳурмат қилиш ва таъминлаш мажбуриятини олади.

## ХУЛОСА

ФСХХП қоидалари дунёнинг турли мамлакатлари судлари томонидан бир неча мартаба қўлланилган

- Миллий қонун ҳужжатларининг нормалари Пактга мувофиқ бўлган ҳолатда иш бўйича асослашни кучайтириш учун
- Миллий қонун ҳужжатларининг нормалари Пакт қоидаларига зид бўлган ҳолатда халқаро шартноманинг устунлиги тамойилини таъминлаш учун

Халқаро пакт қоидаларини қўллаш Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита томонидан чиқарилган Мулоҳазалар ва қабул қилинган Умумий тартибдаги таклифларнинг асосидир ва у

- суд амалиётини бойитади
- суд фаолиятида халқаро-ҳуқуқий стандартларни таъминлашга ёрдам беради

*Бунга судьяларни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони йўналтиради*



# ФУҚАРОЛИК ВА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТ

1966-йил 19-декабрь



*Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар,*

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида эълон қилинган принципларга асосан, барча инсоният оиласининг аъзоларига хос қадр-қимматни ҳамда уларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини тан олиш озодлик, адолат ва ялпи тинчликнинг асоси эканлигини эътиборга олиб,

Бу ҳуқуқлар инсон шахсига хос бўлган қадр-қимматдан келиб чиқишини эътироф этиб,

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига мувофиқ, қўрқув ва муҳтожликдан озод бўлган, фуқаролик ва сиёсий эркинликдан фойдаланувчи озод инсон шахси идеали ҳар бир одам ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан фойдаланиш мумкин бўлган шароит яратилгандагина руёбга чиқиши мумкинлигини эътироф этиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига асосан давлатлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ялпи ҳурмат қилиш ҳамда уларга риоя этилишини рағбатлантириши шартлигини эътиборга олиб,

Ҳар бир алоҳида инсон бошқа одамлар ва ўзи мансуб бўлган жамоага нисбатан мажбурият олган ҳолда мазкур Пактда тан олинган ҳуқуқлар рағбатлантирилиши ва риоя этилишига эришиши лозимлигини эътиборга олиб,

қуйидаги моддалар тўғрисида бир тўхтамга келдилар:

## I ҚИСМ

### 1-модда

1. Барча халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эгадир. Ушбу асосда улар ўз сиёсий мақомини эркин белгилайди ва ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини эркин таъминлайдилар.

2. Барча халқлар ўз мақсадларига эришиш учун ўзаро манфаатдорлик принципига асосланган халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва халқаро ҳуқуқдан келиб чиқадиган бирон-бир мажбуриятга зиён етказмасдан ўз табиий бойликлари ва ресурсларига эркин ҳолда эгалик қилиши мумкин. Ҳеч бир халқ ҳеч бир ҳолатда ўзи тегишли тирикчилик воситаларидан маҳрум этилмаслиги керак.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи барча давлатлар, шу жумладан ўз-ўзини бошқара олмайдиган ва васийликка олинган ҳудудларни бошқариш учун жавобгар бўлган давлатлар ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомига мувофиқ, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширишни рағбатлантириши ҳамда шу ҳуқуқни ҳурмат қилиши лозим.



## II ҚИСМ

### 2-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз ҳудудидаги ва ўз юрисдикциясида бўлган шахсларнинг мазкур Пактда эътироф этилган ҳуқуқларини ҳеч бир айирмачиликсиз, жумладан, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, туғилиши ёки ўзга ҳолатидан қатъи назар ҳурмат қилиш ва таъминлаш мажбуриятини олади.

2. Агар бу нарса ҳали мавжуд қонунчиликда ёки бошқа тадбирларда кўриб чиқилмаган бўлса, ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз конституцияси тартибида мазкур Пакт қоидаларига мувофиқ ушбу Пактда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур бўлиши мумкин бўлган шундай қонунчилик ёки бошқа тадбирлар қабул қилиш учун керакли чораларни кўриш мажбуриятини олади.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

а) мазкур Пактда тан олинган ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган ҳар бир шахсни, агар бу ҳол расмий сифатда ҳаракат қилган шахслар томонидан содир этилган бўлса ҳам, ҳуқуқий ҳимояланишнинг самарали воситалари билан таъминлаш;

б) ана шундай ҳимоя талаб қилувчи ҳар қандай шахс учун юридик ҳимоя нуфузли суд, маъмурий ёки қонуний ҳокимиятлар томонидан ёки давлатнинг тизимида назарда тутилган бошқа нуфузли органлар томонидан таъминлансин ва суд орқали ҳимояланиш имконияти ривожлантирилсин;

с) ҳуқуқий ҳимоя воситалари берилганда, нуфузли ҳокимиятлар буни қўллашни таъминласинлар.

### 3-модда

Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар эркаклар ва аёллар учун ушбу Пактда кўриб чиқилган барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан бир хилда фойдаланишини таъминлаш мажбуриятини олади.

### 4-модда

1. Давлат фавқулодда ҳолат юз берган вақтда, миллат ҳаёти хавф остида қолган ва бу ҳолат ҳақида расмий эълон қилинганда ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур Пакт бўйича олган ўз мажбуриятларидан чекиниш учун чоралар кўриши мумкин, лекин бу чекинишни аҳвол кескинлиги талаб этган бўлиши ҳамда бу чоралар халқаро ҳуқуқлар борасидаги бошқа мажбуриятларга



хилоф бўлмаслиги ва ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини ва ижтимоий аҳволи жиҳатидан камситишга олиб келмаслиги керак.

2. Ушбу қоида 6-, 7- 8-(1- ва 2-бандлар), 11-, 15-, 16- ва 18-моддалардан бирор-бир чекиниш учун асос бўла олмайди.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи чекиниш ҳуқуқидан фойдаланувчи давлатлар ўзи чекинган аҳвол ҳақида шундай қарорга келишга олиб келган сабаблар ҳақида дарҳол Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби воситачилиги орқали мазкур Пактда иштирок этувчи бошқа давлатларни хабардор қилиши керак. Шунингдек, ўша воситачи орқали бундай чекиниш вақти қачон тўхтатилиши тўғрисида ҳам хабар берилиши керак.

### **5-модда**

1. Мазкур Пактдаги ҳеч бир нарса бирор-бир давлат, бирор-бир гуруҳ ёки бирор-бир шахс ушбу Пактда тан олинган, ҳар қандай ҳуқуқ ва эркинликларни йўқотишга қаратилган ёки уларни мазкур Пактда назарда тутилганидан кўра кўпроқ чеклашга қаратилган бирорта фаолият билан шуғулланиш ёки шундай мазмунда ҳаракат содир этиш ҳуқуқи бор деб талқин қилиниши мумкин эмас.

2. Ушбу Пактда иштирок этувчи бирор-бир давлатда қонун, конвенция, қоида ёки урф-одат сифатида тан олинган ёки мавжуд бўлган асосий инсон ҳуқуқлари, мазкур Пактда шу ҳуқуқлар тан олинмайди ёки қисман эътироф этилади деган баҳона билан бирор-бир тарзда чекланиши ёки менсилмаслигига йўл қўйилмайди.

## **III ҚИСМ**

### **6-модда**

1. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди.

2. Ўлим жазосини бекор қилмаган мамлакатларда жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган ва мазкур Пакт қарорларига зид бўлмаган ҳамда тўғрисидаги конвенцияга хилоф бўлмаган қонунга мувофиқ энг оғир жиноятлар учунгина ўлим ҳукми чиқарилиши мумкин. Бундай жазо фақат нуфузли суд томонидан чиқарилган сўнги ҳукми ижро этиб амалга оширилиши мумкин.

3. Геноцид жинояти учун ҳаётдан маҳрум этилаётган бўлса шуни эътиборга олиш лозимки, ушбу моддадаги ҳеч бир нарса мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар учун бирор-бир йўл билан Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги конвенция қарорларига мувофиқ қабул қилинган ҳар қандай мажбуриятлардан чекиниш ҳуқуқини бермайди.



4. Ўлим жазосига ҳукм қилинган ҳар бир киши авф этиш ҳақида ёки ҳукмни юмшатиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга. Амнистия, авф этиш ёки ўлим ҳукмини алмаштириш ҳамма ҳолатларда тухфа этилиши мумкин.

5. Ўн саккиз ёшдан кичик шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун ўлим ҳукми чиқарилмайди ва ҳомиладор аёлларга нисбатан бу ҳукм ижро этилмайди.

6. Ушбу моддадаги ҳеч бир нарса мазкур Пактда иштирок этувчи бирор-бир давлат томонидан ўлим жазоси муддатини кзчиктириш ёки уни бекор қилишга йўл қўймаслик учун асос бўла олмайди.

### **7-модда**

Ҳеч ким азоб-уқубатга солинмаслиги ва унга нисбатан шафқатсиз, ноинсоний ёки қадр-қимматини хўрловчи муомала қилинмаслиги ёки жазоланмаслиги керак. Жумладан, ҳеч бир шахс устидан ўзининг розилигисиз тиббий ёки илмий тажриба ўтказилиши мумкин эмас.

### **8-модда**

1. Ҳзч ким қулликда сақланмаслиги керак; қуллик ва қул савдосининг ҳар қандай кўриниши тақиқланади.

2. Ҳеч ким эркисиз ҳолатда сақланмаслиги керак.

3.

а) Ҳеч ким мажбурий ёки шарт бўлган меҳнатга мажбур қилинмаслиги лозим;

б) жиноят учун жазо тариқасида жуда оғир ишларга жалб этилиб озодликдан маҳрум этилиши мумкин бўлган мамлакатларда, шундай жазо нуфузли суд ҳукми билан тайинланса, 3 а) -банди жуда оғир ишларни бажариш учун тўсиқ бўлади деб ҳисобланмайди.

с) «мажбурий ёки шарт бўлган меҳнат» атамаси ушбу бандда қуйидагиларни қамраб олмайди:

i) в-кичик бандида тилга олинмаган бирор-бир иш ёки хизмат, бу хизматни қоида тариқасида суднинг қонуний фармойишига асосан ҳибсда бўлган шахс ёки бундай ҳибсдан шартли равишда озод этилган шахс бажариши керак;

ii) сиёсий ва диний-этник сабабларга кўра ҳарбий хизматни рад этиш тан олинаётган мамлакатларда ҳарбий тусдаги бирор-бир хизмат, худди шундай сабабларга асосан ҳарбий хизматни рад этаётган шахслар учун қонунда назарда тутилган бирор-бир хизмат;

iii) аҳоли ҳаётига ёки осойишталигига хавф солувчи фалокат ёки фавқулодда ҳолат рўй берганида мажбурий бўлган бирор хизмат;

iv) одатдаги фуқаролик бурчига кирувчи бирор-бир иш ёки хизмат.

### **9-модда**

1. Ҳар бир инсон озодлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас. Ҳзч ким қонун билан белгаланганидан бошқача асос ва тартибда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас.

2. Ҳибсга олинаётган ҳар бир кишига ҳибсга олиш вақтида қамалиш сабаблари айтилади ва дарҳол унга қўйилган айб маълум қилинади.

3. Жиноий айблов билан қамалган ёки ушланган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳукмронлигини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва айбланаётган шахс оқилона муддат ичида иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиш ҳуқуқига эга. Иши судда ҳал этилиши кутилаётган шахсларни ҳибсда тутиб туриш умумий қоида бўлмаслиги, бироқ озод қилиш, судга келиш, судда иш кўриб чиқиладиганда унинг ҳар қандай босқичига келиш кафолатларини беришга, зарур ҳолларда ҳукми ижро этиш учун келишга боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин.

4. Қамоққа олиниши ёки ҳибсда ушланиб туриши туфайли озодликдан маҳрум этилган ҳар бир шахс ўз ишининг судда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга, чунки суд дарҳол унинг ушланиши қанчалик қонуний эканлиги борасида қарор чиқара олсин ва агар унинг ушланиши ноқонуний бўлса озод қилиш ҳақида фармойиш бера олсин.

5. Ноқонуний равишда қамалган ёки ҳибсда ушлаб турилган ҳар бир киши даъво кучига эга бўлган товон талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

### **10-модда**

1. Озодликдан маҳрум этилган барча шахслар инсонларча муомала қилиниши ва инсон шахсига хос бўлган қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

2.

а) истисно ҳоллари бўлмаганида айбланувчилар судланганлардан алоҳида оойлаштирилади ва уларга судланмаган шахслар мақомига жавоб берадиган алоҳида режим белгиланади;

б) балоғат ёшига етмаган айбланувчилар балоғатга етган айбланувчилардан ажратиб қўйилади ва қарор чиқариш учун қисқа муддатда судга келтирилади;

3) маҳбусларга мўлжалланган пенитенциар тизимдан мақсад маҳбусларни тўғри йўлга солиш ва уларни ижтимоий жиҳатдан қайта тарбиялашдир. Балоғатга етмаган қонунбузарлар балоғатга етган қонунбузарлардан ажратиб қўйилади ва уларнинг ёши ҳамда ҳуқуқий мақомига жавоб берувчи режим белгиланади.



### **11-модда**

Ҳеч ким бирор-бир шартнома мажбуриятини бажара олмайдиган аҳволда бўлгани асосидагина озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас.

### **12-модда**

1. Бирор-бир давлат ҳудудида қонуний равишда бўлган ҳар бир киши ушбу ҳудуд доирасида эркин кўчиб юриш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир киши ҳар қандай мамлакатни, жумладан ўз мамлакатини тарк этиш ҳуқуқига эга.

3. Юқорида қайд этилган ҳуқуқлар ҳеч қандай чеклаш объекти бўлиши мумкин эмас. Қонунда белгиланган давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлиги ёки ахлоқини сақлаш учун ёки бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини сақлаш учун ва ушбу Пактда эътироф этилган бошқа ҳуқуқлар билан мос келадиган ҳуқуқлар бундан мустасно.

4. Ҳеч ким ўз мамлакатига кириш ҳуқуқидан ўзбошимчалик билан маҳрум этилиши мумкин эмас.

### **13-модда**

Мазкур Пактда иштирок этувчи бирор-бир давлат ҳудудида қонуний равишда турган чет эллик шахс қонунга мувофиқ ҳолда чиқарилган қарор ижро этилиши билангина чиқариб юборилиши мумкин, ва агар давлат хавфсизлигига боғлиқ қатъий мулоҳазалар бошқача талаб этмаса ўша чет эллик шахс ўзининг чиқариб юборилишига қарши далиллар тақдим этиши, бу ишни нуфузли ҳокимият томонидан махсус тайинланган шахс ёки шахслар қайта кўриб чиқиши ҳамда ушбу мақсадда айна ҳокимият, шахс ёки шахслар ҳузурига кириш ҳуқуқига эга.

### **14-модда**

1. Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқиляётганда ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга мувофиқ тузилган нуфузли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очиқ ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга. Демократик жамиятда ахлоқ юзасидан, жамият тартиби ёки давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан ёки бунинг томонларнинг шахсий ҳаёти манфаатлари талаб этганида ёки суд фикрига кўра бу қандайдир даражада қатъиян зарур деб топилганида, яъни омма кўз ўнгида бўладиган жараён судлов манфаатларига ҳалал берадиган алоҳида ҳолларда матбуот ҳодимлари ва омма барча мажлисларга ёки шу мажлисларнинг бир қисмига киритилмаслиги мумкин; бироқ жиноий ёки фуқаролик иши бўйича чиқарилган ҳар қандай суд қарори ошкора бўлиши керак. Балоғат ёшига

етганларнинг манфаатлари бошқача талаб этганда ёки никоҳ борасидаги низоларга ёки болаларга васийлик қилишга алоқадор ишлар бундан мустасно.

2. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар қандай киши қонунга мувофиқ айби исботланмагунча бегуноҳ деб саналиш ҳуқуқига эга.

3. Ҳар бир кишининг унга қўйилган ҳар қандай жиноий иши кўриб чиқиляётганда тўлиқ тенглик асосида қуйидаги кафолатларга эга бўлиш ҳуқуқи мавжуд:

а) унга қўйилган айблов характери ва асослари ҳақида у тушунадиган тилда дарҳол ва батафсил хабардор этилиш;

б) ўз ҳимоясини тайёрлаш ва ўзи танлаган оқловчи билан мулоқотда бўлиш учун етарлича вақт ва имкониятларга эга бўлиш;

с) асоссиз ҳолда тўхтатиб турилмасдан ўз ишининг судда кўриб чиқилиши;

д) ўзи қатнашиб суд қилиниши ва ўзининг ўзи ёки танлаб олинган оқловчи воситасида ҳимоя қилиниши; агар оқловчиси бўлмаса, унга эга бўлиш ҳуқуқи борлиги ҳақида хабардор қилиниши; одил суд манфаатлари талаб этган ҳар қандай ҳолларда унга тайинланган оқловчига эга бўлиш, ушбу оқловчига тўлаш учун етарли маблағи бўлмаган барча ҳолларда унинг учун оқловчини текинга бериш;

е) унга қарши кўрсатмалар бераётган гувоҳларни сўроқ қилиш ёки ана шу гувоҳлар сўроқ қилиниши ҳуқуқига эга бўлиш ва унга қарши кўрсатма бераётган гувоҳлар учун мавжуд шартларда унинг ўзи танлаган гувоҳларни терговга чақириш ва сўроқ қилиш ҳуқуқига эга бўлиш;

ф) агар судда қўлланиляётган тилни у тушунмаса ёки бу тилда гапира олмаса бепул тарзда таржимон кўмагидан фойдаланиш;

г) ўзига ўзи қарши маълумотлар беришга ёки ўзини айбдор деб тан олишга мажбур қилинмаслик.

4. Балоғатга етмаганларга нисбатан суд жараёни шундай бўлиши керакки, бунда уларнинг ёши ва уларни қайта тарбиялашга кўмаклашиш истаги инобатга олиниши лозим.

5. Бирор-бир жиноят учун судланган ҳар бир киши унинг судланиши ва ҳукм чиқарилиши юқори суд инстанцияси томонидан қонун асосида кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

6. Агар бирор-бир шахс жинояти учун узил-кесил қарор билан судланган бўлса ва агар бирор-бир янги ёки янгидан топилган ҳолатга асосан суд ишида хато борлиги шубҳасиз исботланиши туфайли ҳукм бекор қилинса ёки ўша шахс авф этилса, шундай судлов хатоси сабабли жазоланган шахс қонунга мувофиқ компенсация олади. Аммо юқорида қайд этилган номаълум ҳолат фақат унинг



айби ёки қисман айби билан ўз вақтида топилмаган бўлиши исботланиши зарур.

7. Ҳар бир мамлакатнинг қонуни ва жиноят-процессуал ҳуқуқига мувофиқ жинояти учун узил-кесил судланган ёки оқланган бирор-бир шахс ўша жинояти учун иккинчи бор судланиши ёки жазоланиши мумкин эмас.

### **15-модда**

1. Ҳеч ким содир этилган пайтида давлатнинг амалда бўлган ички қонунчилиги ёки халқаро қоидага кўра жиноят ҳисобланмаган бирор-бир ҳаракати ёки камчиликка йўл қўйгани учун жиноят содир этганликда айбдор деб топилиши мумкин эмас. Худди шунингдек, жиноят содир этилган вақтда қўлланиши лозим бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо берилиши мумкин эмас. Агар жиноят содир этилганидан кейин қонун билан нисбатан енгил жазо белгиланса, ушбу қонун мазкур жиноятчига нисбатан қўлланилади.

2. Мазкур моддадаги ҳеч нарса ҳар қандай шахсни содир этилган вақтда халқаро ҳамжамятнинг умумий принципларига кўра жиноят деб ҳисобланган ҳар қандай хатти-ҳаракат ёки камчилиги учун судга беришга ва жазолашга тўсқинлик қилмайди.

### **16-модда**

Ҳар бир киши қаерда туришидан қатъи назар унинг субъектлик ҳуқуқи тан олиниши ҳуқуқига эга.

### **17-модда**

1. Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда аралашуш, унинг уй-жой дахлсизлигига ёки ёзишмалари сирлари дахлсизлигига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилиш ва унинг ор-номуси ва шаънига тажовуз қилиши мумкин эмас.

2. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя этилиш ҳуқуқига эга.

### **18-модда**

1. Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқ ўз ихтиёри билан ўзига маъқул динни қабул қилиш ва эътиқод қилиш эркини, якка ҳолда, шунингдек бошқалар билан биргаликда, ошкора ёки хусусий тартибда сиғинишга боришга, диний ва бошқа урф-одатларни ва маросимни бажариш эркини ҳам ўз ичига олади.

2. Ҳеч ким ўз ихтиёрига кўра ўз дини ва эътиқодига эга бўлиш ёки қабул қилиш эркини камситадиган мажбурий ҳолатга дучор этилмаслиги лозим.

3. Дин ёки эътиқодга сиғиниш эркига фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлиги ва ахлоқини сақлаш учун, шунингдек бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар билангина дахл қилиниш мумкин.

4. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ота-оналарнинг ва тегишли ҳолларда қонуний васийларнинг ўз болаларини ўз шахсий эътиқодига мувофиқ диний ва ахлоқий тарбиялаш эркини ҳурмат қилиш мажбуриятини олади.

### **19-модда**

1. Ҳар бир инсон ҳеч бир тўсиқсиз ўз фикрига собит бўлиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ давлат чегараларидан мустақил ҳолда ёзма равишда ёки матбуот воситасида ёки ифодалашнинг бадиий шакллари ёки ўз ихтиёрига кўра бошқача усулларда турли ахборот ва ғояларни қидириш, олиш ва тарқатиш эркинлигини қамраб олади.

3. Ушбу модданинг 2-бандида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш алоҳида мажбуриятлар ва алоҳида масъулият юклайди. Бу тарзда фойдаланиш айрим чеклашлар билан боғлиқ, лекин бу чеклашлар қонун билан белгиланиши ва қуйидагилар учун зарур бўлиши лозим.

а) бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрў-эътиборини ҳурмат қилиш учун;

б) давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлигини ёки ахлоқини муҳофаза этиш учун.

### **20-модда**

1. Урушни ҳар қандай тарғиб этиш қонун орқали тақиқланиши керак.

2. Камситишга, адоватга ёки зўравонликка ундовчи миллий, диний ёки ирқий нафрат руҳидаги ҳар қанақа ҳаракат қонун йўли билан тақиқланган бўлиши лозим.

### **21-модда**

Тинч йиғинларга ҳуқуқлар тан олинади. Бу ҳуқуқдан фойдаланишда ҳеч бир чеклашга йўл қўйилмайди. Қонунга мувофиқ қўйилган ва демократик жамиятда давлат ва жамият хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли саломатлиги ва ахлоқи ёки бошқа шахслар ҳуқуқлари ва эркинлиги манфаатлари учун зарур бўлган чекланишлар бундан мустасно.

### **22-модда**

1. Ҳар бир инсон бошқалар билан ассоциациялар тузиш, жумладан касаба уюшмалар ташкил этиш эркинлигига ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун шундай уюшмаларга кириш ҳуқуқига эга.



2. Бундай ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳеч бир чекланмайди, қонун билан белгиланганлари ва демократик жамиятда давлат ёки жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби манфаатлари учун, аҳоли саломатлиги ва ахлоқини муҳофаза этиш ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳимояси учун зарур бўлганлари бундан мустасно. Ушбу модда қуролли кучлар ва полиция таркибига кирувчи шахслар учун шу ҳуқуқдан фойдаланишда қонуний чеклашлар киритишга ҳалал бермайди.

3. Мазкур моддадаги ҳеч бир нарса 1948 йилги Халқаро Меҳнат Ташкилоти Конвенциясида иштирок этувчи давлатларга уюшмалар озодлиги ва ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида, ушбу конвенцияда кўзда тутилган кафолатларга зарар етказиб қонуний актлар қабул қилиш ёки ушбу кафолатларга зиён етказилган ҳолда қонун қабул қилиш ҳуқуқини бермайди.

### **23-модда**

1. Оила жамиятнинг асосий бўғини саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

2. Балоғат ёшига етган эркалар ва аёлларнинг никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқи тан олинади.

3. Никоҳдан ўтувчиларнинг эркин ва тўлиқ розилигисиз бирорта никоҳ тузилмаслиги керак.

4. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар никоҳдан ўтишда, никоҳда бўлган вақтда ва у бекор қилинаётганда эр-хотинларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенглигини таъминлаш учун зарур чоралар кўришлари лозим. Никоҳ бекор қилинган ҳолатда барча болалар зарур тарзда ҳимоя қилиниши ҳисобга олиниши керак.

### **24-модда**

1. Ҳар бир бола ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи ёки туғилиши (насли)дан қатъи назар ҳеч бир камситишсиз гўдаклиги сабабли оила, жамият ва давлат томонидан муҳофаза чоралари кўрилиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир бола туғилгандан сўнг дарҳол рўйхатдан ўтказилиши ва исмига эга бўлиши керак.

3. Ҳар бир бола фуқаролик олиш ҳуқуқига эга.

### **25-модда**

Ҳар бир фуқаро 2-моддада эслатиб ўтилган ҳеч бир камситишларсиз ва асосланмаган чеклашларсиз қуйидаги ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлиши керак:



а) ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини бошқаришда қатнашиш;

б) ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловларнинг эркин ҳолдаги хоҳиш-иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловда овоз бериш ва сайланиш;

с) ўз мамлакатада умумий шартларда давлат хизматига киришда тенгликка йўл қўйиш.

### **26-модда**

Барча кишилар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир камситишсиз қонун орқали тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга. Бу борада ҳар қандай турдаги камситиш қонун орқали тақиқлаб қўйилиши ва қонун барча шахсларга ҳеч бир камситишсиз, жумладан ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқоди, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, туғилиши (насаби)дан ва бошқа ҳолатидан қатъи назар камситишга қарши тенг ва самарали муҳофазага кафолат бериши керак.

### **27-модда**

Этник, дин ва тил жиҳатдан озчиликни ташкил этувчи шахслар гуруҳи мавжуд бўлган мамлакатларда, ўша шахсларга ўз гуруҳининг бошқа аъзолари билан биргаликда ўз маданиятидан фойдаланиш, ўз динига сиғиниш ва расм-русмларини бажариш ҳуқуқи, шунингдек она тилидан фойдаланиш ҳуқуқи рад этилиши мумкин эмас.

## **IV ҚИСМ**

### **28-модда**

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита (у бундан буён ушбу Пактда «Қўмита» деб номланади) тузилади. У ўн саккиз аъзодан иборат бўлади ва қуйида кўрсатилган вазифаларни бажаради.

2. Қўмита таркибига ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларнинг фуқароси бўлган ва юксак маънавий фазилатга эга бўлган ҳамда инсон ҳуқуқлари борасида обрўли деб эътироф этилган шахслар киради, айна пайтда адлия тажрибасига эга бўлган бир неча шахснинг қатнашуви фойдали бўлиши эътиборга олинади.

3. Қўмита аъзолари сайланади ва шахс сифатида ишлайди.

### **29-модда**

1. Қўмита аъзолари 28-моддада назарда тутилган талабларга жавоб берувчи ва мазкур Пактда иштирок этувчи Давлатлар томонидан кўрсатилган шахслар рўйхатидан яширин овоз билан сайланади.



2. Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат кўпи билан икки шахсни кўрсатиши мумкин. Бу шахслар уларни кўрсатган давлатлар фуқаролари бўлиши лозим.

3. Ҳар бир шахс қайтадан кўрсатилиш ҳуқуқига эга.

### **30-модда**

1. Илк сайлов мазкур Пакт кучга киргандан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

2. Қўмига ҳар бир сайловга кўпи билан тўрт ой қолганида (34-моддага мувофиқ бўш ўринларни тўлдириш учун эълон қилинадиган сайлов бундан мустасно) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби мазкур Пактда қатнашувчи давлатларга уч ойлик муддатда қўмига аъзолигига номзодларни тақдим этишни сўраб ёзма равишда мурожат қилади.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларнинг номини кўрсатиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби давлатлар кўрсатилган тахлитда барча номзодлар рўйхатини тузиб чиқади ва сайлов ўтадиган кундан камида бир ой олдин мазкур рўйхатни ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларга тақдим этади.

4. Қўмига аъзоларини сайлаш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг марказий муассасаларида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби томонидан чақириладиган мазкур Пактда қатнашувчи давлатларнинг йиғилишида ўтказилади. Бу йиғилишда ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар вакиллари берган овозга қараб уларнинг энг кўп овозини олган ва мутлақ кўп овоз олган шахслар Қўмига сайланган бўлади.

### **31-модда**

1. Қўмига бирор-бир давлатнинг бир нафардан ортиқ фуқароси кириши мумкин эмас.

2. Қўмига сайлов пайтида аъзоларнинг жўғрофий жиҳатдан адолатли тақсимланишига ва цивилизациянинг турли шакллари ҳамда асосий адлия тизимлари вакилликка эътибор берилади.

### **32-модда**

1. Қўмига аъзолари тўрт йил муддатга сайланади. Уларнинг номзоди қайта кўрсатилса, улар қайтадан сайланиш ҳуқуқига эгадир. Бироқ биринчи сайловда сайланган аъзолардан 9 нафарининг ваколатлари муддати икки йиллик даврнинг охирида тугайди; биринчи сайловдан сўнг дарҳол ўша 9 аъзонинг исми мажлис Раиси томонидан қуръа ташлаб аниқланади (30-модданинг 4-бандида бу тўғрида эслатилган).

2. Ваколатлари тугагандан сўнг сайлов ушбу Пакт мазкур қисмининг бундан илгариги муддатига мувофиқ ўтказилади.

### **33-модда**

1. Агар бошқа аъзоларнинг яқдил фикрига кўра Қўмита аъзоларидан бири маълум бир сабабга (вақтинча бўлмаслиги бундан мустасно) кўра ўз вазифасини бажаришни тўхтатса, Қўмита раиси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига бу ҳақда хабар қилади, сўнг Бош котиб бу аъзо ўрнини бўш деб эълон қилади.

2. Қўмитанинг бирор-бир аъзоси вафот этса ёки истеъфога чиқса, дарҳол раис бу тўғрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибини хабардор қилади. Бош котиб ўша аъзо вафот этган кундан ёки ҳақиқатан истеъфога чиққан кундан бошлаб бу ўринни бўш (вакант) деб эълон қилади.

### **34-модда**

1. 33-моддага биноан бўш турган ўрин эълон қилинганда, алмаштирилиши керак бўлган аъзо ваколатлари ўша бўш ўрин эълон қилингандан сўнг орадаги олти ой мобайнида тугамаса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлатга бу тўғрида хабар қилади ва ўша давлат 29-моддага мувофиқ икки ой мобайнида бўш турган ўринни тўлдириш учун номзод кўрсатиши мумкин.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби шу тарзда кўрсатилган шахслар рўyxатини алифбо тартибда тузиб уни ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларга тақдим этади. Сўнг бўш ўринни тўлдириш учун бўладиган сайлов мазкур Пакт ушбу қисмининг тегишли қоидаларига мувофиқ ўтказилади.

3. 33-моддага биноан эълон қилинган бўш ўринни эгаллаш учун сайланган Қўмита аъзоси ушбу модда қоидаларига мувофиқ Қўмитада ўрни бўшаётган аъзонинг ваколатлари муддатининг қолган қисми мобайнида лавозимни эгаллайди.

### **35-модда**

Қўмита аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси белгиладиган тартибда, Қўмитадаги вазифасининг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маблағидан Бош Ассамблея тасдиқладиган маош оладилар.

### **36-модда**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Пактга мувофиқ Қўмита вазифасини самарали амалга ошириш учун керакли ходимлар ва моддий маблағ тақдим этади.



### **37-модда**

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бирлашган Миллатлар Ташклотининг Марказий муассасаларида Қўмитанинг биринчи йиғинини чақиради.

2. Ўзининг биринчи йиғинидан кейин Қўмита ўз қоида-тартибида кўзда тутилган вақтда йиғилади.

3. Қўмита одатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевадаги бўлимида йиғилади.

### **38-модда**

Қўмитанинг ҳар бир аъзоси ўз вазифасини бажаришга киришганда Қўмитанинг очиқ йиғилишида ўз вазифасини холис ва виждонан амалга ошириши ҳақида тантанали равишда ваъда беради.

### **39-модда**

1. Қўмита ўз мансабдор шахсларини икки йил муддатга сайлайди. Улар қайта сайланиши мумкин.

2. Қўмита ўз шахсий қоида-тартибини белгилайди, лекин бу қоидалар, хусусан қуйидагиларни эътиборга олиши лозим:

а) Қўмитанинг ўн икки аъзоси кворумни ташкил этади;

б) Қўмита Қарорлари иштирок этувчи аъзоларнинг кўпчилик овозига асосан қабул қилинади.

### **40-модда**

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур Пактда эътироф этилган ҳуқуқларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги тадбирлари ва бу ҳуқуқлардан фойдаланишда эришилган силжишлар ҳақида маърузалар тақдим этади;

а) мазкур Пакт кучга киргандан сўнг бир йил оралиғида тегишли иштирокчи-давлатлар хусусида;

б) бундан сўнг Қўмита талаб қилган барча ҳолларда.

2. Барча маърузалар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этилади ва у ушбу маърузаларни кўриб чиқиш учун Қўмитага юборади. Маърузаларда, агар мавжуд бўлса, мазкур Пактни ҳаётга татбиқ этувчи омиллар кўрсатилади.

3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Қўмита билан маслаҳатлашгандан кейин манфаатдор ихтисослаштирилган муассасаларга улар ваколатига тегишли бўлган маъруза қисмини юбориши мумкин.

4. Қўмита ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар тақдим этадиган маърузаларни ўрганади. У иштирокчи-давлатларга ўз маърузаларини ва мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдиган фикр-мулоҳазаларини юбориб туради. Қўмита шунингдек, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлардан олинган маърузалар нусхалари билан бирга ушбу фикр-мулоҳазаларини ҳам юбориб туриши мумкин.

5. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар Қўмитага мазкур модданинг 4-бандига мувофиқ қайд қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай мулоҳазалар борасида ўз фикрини тақдим этиши мумкин.

#### **41-модда**

1. Мазкур моддага мувофиқ ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар қандай вақтда Қўмитанинг бирор-бир иштирокчи-давлат бошқа иштирокчи-давлат ушбу Пакт бўйича ўз мажбуриятларини бажармаяпти, деган маълумотини қабул қилиши ва кўриб чиқиши юзасидан ваколатини тан олишини баён этиши мумкин. Мазкур моддада назарда тутилган маълумот агар Қўмита ваколатини ўзи тан олгани ҳақида баёнот берган иштирокчи-давлат томонидан тақдим этилган ҳоллардагина қабул қилиниши ва кўриб чиқиши мумкин. Қўмита шундай баёнот бермаган давлатга тегишли ҳеч бир маълумотни қабул қилмайди. Ушбу моддага мувофиқ қабул қилинган хабар қуйидаги тартибга биноан кўриб чиқилади:

а) агар ушбу Пактда иштирок этувчи бирор-бир давлат бошқа иштирокчи-давлат ушбу Пакт қарорларини ҳаётга татбиқ этмаяпти деб топса, ўша давлат бу масалани қайд этилган иштирокчи-давлат эътиборига ёзма тарзда етказиши мумкин. Ўша хабарни олган давлат шундай хабарни юборган давлатга уч ой мобайнида ёзма изоҳ ёки бошқа ҳар қандай баёнот бериб мазкур масалани тушунтириб ўтади. Айни пайтда ушбу изоҳ ёки баёнотда имкон қадар ва мақсадга мувофиқлигига кўра шу масала борасида қабул қилинган, қабул қилинадиган ёки қабул қилиниши мумкин бўлган ички тартиб-қоидалар ва тадбирлар кўрсатилади;

б) агар дастлабки хабарни маълум бир давлат олганидан кейин олти ой мобайнида масала манфаатдор иштирокчи-давлатларни қониқтирадиган даражада ҳал этилмаган бўлса, ўша давлатлардан ҳар бири масалани Қўмитага тақдим этиш ҳуқуқига эга. У бу тўғрида Қўмитани ва бошқа аъзоларни хабардор қилади;

с) Қўмита айни ҳолда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принципларига кўра имкониятдаги барча ички воситалар синаб кўрилди ва тугади деб тасдиқлаганидан кейингина ўзига тақдим этилган масалани кўриб чиқади. Агар шу воситаларнинг қўлланиши асоссиз ҳолда чўзилиб кетадиган бўлса бу қоидага амал қилинмайди;



d) Ушбу моддада назарда тутилаётган хабарлар кўриб чиқиладиганида Қўмита ёпиқ мажлис ўтказади;

e) «с» кичик банднинг қарорларига риоя қилган ҳолда ушбу Пактда эътироф этилган инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш асосида масалаларни дўстона ҳал этиш мақсадида Қўмита манфаатдор иштирокчи-давлатларга ўз холис хизматини кўрсатади;

f) Қўмита кўриб чиқиши учун ўзига тақдим этилган ҳар қандай масала юзасидан «b», «с» кичик бандларида таъкидланган манфаатдор иштирокчи-давлатларга мувожаат қилиб ишга алоқадор ҳар қандай ахборотни тақдим этишни сўраб илтимос қилиши мумкин;

g) «b» кичик бандида таъкидланган манфаатдор иштирокчи-давлатлар Қўмитада масала кўриб чиқиладиганда вакил бўлиш ва тақдимномани оғзаки ёки ёзма ҳолда бериш ҳуқуқига эга;

h) хабар олинган кундан бошлаб ўн икки ой мобайнида Қўмита «b» кичик бандига мувофиқ қуйидаги шартлар асосида маъруза тақдим этади:

i) агар «е» кичик банди қарорлари доирасида масала ҳал этилса, Қўмита ўз маърузасида далиллар ва қандай тўхтамга келганлиги ҳақида қисқача баён этиш билан чекланади;

j) агар «е» кичик банди қарорлари доирасида бир тўхтамга келинмаса, Қўмита далилларни қисқача баён этиш билан чекланади; манфаатдор иштирокчи-давлатларнинг ёзма таклифномалари ва оғзаки тақдимномалар баёни маърузага илова қилинади.

Ҳар бир масала бўйича маъруза манфаатдор иштирокчи-давлатлар кўригидан ўтади.

2. Мазкур модда қарорлари ушбу Пактда иштирок этувчи ўн та давлат шу модданинг 1-бандига биноан баёнот берганидан сўнггина кучга киради. Бундай Баёнот Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ҳузурида иштирокчи-давлатлар томонидан сақлаш учун топширилади, Бош котиб эса уларнинг нусхаларини бошқа иштирокчи-давлатларга юборади.

Баёнот Бош котибни хабардор қилган ҳолда ҳар қандай вақтда қайтариб олиниши мумкин. Бундай хатти-ҳаракат хабар предмети саналган ва мазкур моддага биноан жўнатилган ҳар қандай масаланинг кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди, агар манфаатдор иштирокчи-давлат янги баёнот бермаса, Бош котиб баёнот қайтариб олингани тўғрисида хабардор бўлганидан сўнг ҳеч бир иштирокчи-давлатнинг кейинги бирор-бир хабари қабул қилинмайди.

## 42-модда

1.

а) 41-моддага мувофиқ Қўмитага юборилган бирор-бир масала манфаатдор иштирокчи-давлатларни қониқтирадиган даражада ечилмаган бўлса, Қўмита манфаатдор иштирокчи-давлатларнинг олдиндан берган розилигига биноан махсус Келиштирувчи комиссия (бундан буён «Комиссия») тайинлаши мумкин. Мазкур Пакт қоидаларига риоя қилган ҳолда масалани яхшилик билан ҳал этиш мақсадида манфаатдор иштирокчи-давлатларга Комиссия холис хизмат кўрсатади.

б) Комиссия манфаатдор иштирокчи-давлатларга мақбул бўлган беш нафар шахсдан иборат бўлади. Агар манфаатдор иштирокчи-давлатлар уч ой мобайнида Комиссиянинг тўлиқ ёки қисман таркиби борасида бир тўхтамга келолмаса, тайинланмоқчи бўлган, аммо бир тўхтамга келинмаган Комиссия аъзолари яширин овоз бериш йўли билан Қўмита аъзоларининг аксарияти, яъни учдан икки қисми овози билан сайланади.

2. Комиссия аъзолари ўз вазифаларини ўз номидан бажаради. Улар ушбу Пактда қатнашмаётган манфаатдор иштирокчи-давлатларнинг ёки 41-моддага биноан баёнот бермаган қатнашчи-давлатнинг фуқаролари бўла олмайди.

3. Комиссия ўз раисини сайлайди ва ўз шахсий тартиб-қоидаларини белгилайди.

4. Комиссия йиғини одатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевадаги бўлимида ўтказилади. Аммо, йиғинлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби ва тегишли иштирокчи-давлатлар билан маслаҳатлашилган ҳолда Комиссия томонидан белгиланадиган қулай жойларда ҳам ўтказилиши мумкин.

5. 36-моддага мувофиқ тақдим этиладиган қотибият шунингдек, мазкур модда асосида тайинланадиган Комиссияга хизмат кўрсатади.

6. Қўмита томонидан олинган ва ўрганилган ахборот Комиссия ихтиёрига тақдим этилади ва Комиссия ахборот ишига алоқадор ҳар қандай маълумотни тақдим этишларини сўраб манфаатдор иштирокчи-давлатларга мурожаат қилиши мумкин.

7. Комиссия масалани тўлиқ кўриб чиққанида, (лекин ҳамма ҳолларда мазкур масала унга кўриб чиқиш учун берилганидан кейин энг кўпи билан 12 ойдан кечикмай) у манфаатдор иштирокчи-давлатларга юбориш учун Қўмита раисига маъруза тақдим этади:



а) агар Комиссия ўн икки ой мобайнида мазкур масалани кўриб чиқишни тугаллай олмаса, у ўз маърузасида ўша масалани кўриб чиқиш қай аҳволда эканлигини қисқача баён этиш билан чекланади;

б) агар масала мазкур Пактда тан олинган инсон ҳуқуқларига риоя этиш асосида яхшилик билан ҳал этилган бўлса, Комиссия ўз маърузасида далиллар ва келишилган қарорларни қисқача баён этиш билан чекланади;

с) агар “б” кичик бандида таъкидланган бир тўхтамга келинмаган бўлса, Комиссия маърузаси манфаатдор иштирокчи-давлатлар ўртасидаги баҳсга алоқадор барча ашъвий далиллар борасидаги хулосалардан ва Комиссиянинг ушбу масалани яхшилик билан ҳал этиш тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларидан иборат бўлади. Мазкур маъруза таркибига манфаатдор давлатларнинг ёзма ва оғзаки тақдимномалари киради;

д) агар Комиссия маърузаси “с” кичик бандига мувофиқ тақдим этилаётган бўлса, манфаатдор иштирокчи давлатлар ўша маърузани олганидан сўнг уч ой муддат мобайнида маъруза мазмуни мақбул ёки номақбуллиги ҳақида Қўмита раисига маълум қилади.

8. Ушбу модданинг қарорлари 41-моддада кўрсатилган Қўмита мажбуриятларини камситмайди.

9. Манфаатдор иштирокчи-давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби тақдим этган сметага мувофиқ Комиссия аъзоларининг барча ҳаражатларини баравар кўтарадилар.

10. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби агар зарур бўлса, ушбу модданинг 9-бандига биноан манфаатдор иштирокчи-давлатлар Қўмита аъзоларининг харажатини қоплагунча ўша харажатларни тўлаш ҳуқуқига эга.

#### **43-модда**

42-моддага мувофиқ тайинланиши мумкин бўлган Қўмита аъзолари ва махсус Келиштирувчи комиссия Аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг имтиёзлари ва иммунитетлари ҳақидаги Конвенциянинг тегишли бўлимларида таъкидланганидек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хизмат сафарига жўнатадиган экспертлар имтиёзлари, енгилликлари ва иммунитетларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

#### **44-модда**

Ушбу Пактни амалга ошириш ҳақидаги қоидалар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослаштирилган муассасаларининг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган ёки уларга мувофиқ бўлган инсон ҳуқуқлари борасидаги таомилларга зарар етказилмасдан қўлланилади ҳамда мазкур: Пактда иштирок этувчи давлатларга улар ўртасидаги умумий ва махсус битимларга биноан амал



қилаётган низоларни ҳал этиш бошқа тартиб-қоидаларни қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

#### **45-модда**

Қўмита Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш орқали ўз иши ҳақида йилик маърузани тақдим этади.

#### **V ҚИСМ**

#### **46-модда**

Ушбу Пактдаги ҳеч бир нарса мазкур Пактга тегишли бўлган предметлар бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг турли органлари ва ихтисослаштирилган муассасаларининг тегишли бурчларини аниқлаб берадиган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг ва ихтисослаштирилган муассасалар Низоми қарорларининг аҳамиятини пасайтиради деб талқин қилиниши мумкин эмас.

#### **47-модда**

Ушбу Пактдаги ҳеч бир нарса барча халқларнинг ўз табиий бойликлари ва ресурсларига тўлалигича ва эркин эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш борасидаги ажралмас ҳуқуқини камситади деб талқин қилиниши мумкин эмас.

#### **VI ҚИСМ**

#### **48-модда**

1. Мазкур Пакт Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ёки унинг ихтисослаштирилган муассасаларининг аъзоси бўлган ҳар бир давлат томонидан, Халқаро Суд Статусининг иштирокчиси бўлган ҳар қандай давлат томонидан, ушбу Пактда қатнашиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси таклиф қилган ҳар қандай давлат томонидан имзолаш учун очикдир.

2. Ушбу Пакт ратификация қилиниши керак. Ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилади.

3. Ушбу Пакт мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳар қандай давлатнинг қўшилиши учун очикдир,

4. Қўшилиш ҳақидаги ҳужжат сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилгач қўшилиш яқунланади.

5. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Пактни имзолаган ёки унга қўшилган барча давлатларни ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжати сақлаш учун топширилганлиги борасида хабардор қилади.



#### **49-модда**

1. Мазкур Пакт Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига қўшилиш ҳақидаги ўттиз биринчи ратификация ёрлиғи ёки ҳужжат сақлаш учун топширилган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Пактни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат учун қўшилиш ҳақидаги ўттиз бешинчи ратификация ёрлиғи ёки ҳужжат сақлаш учун қабул қилинганидан сўнг мазкур Пакт ўша давлатнинг ўзи ратификация қилган ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

#### **50-модда**

Мазкур Пакт қарорлари бирор-бир чеклашларсиз ёки олиб ташлашсиз федератив давлатларнинг ҳамма қисмларига татбиқ этилади.

#### **51-модда**

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар қандай давлат тузатишлар таклиф этиши ва уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этиши мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби сўнг ҳар қандай таклиф этилган тузатишларни мазкур Пактда иштирок этувчи давлатларга юборади ва унга ушбу давлатлар мазкур таклифларни кўриб чиқиш ва бу борада овоз бериш мақсадида иштирокчи-давлатлар конференциясини чақиришни маъқуллашяптими ёки маъқуллашмаяптими эканлигини хабар қилишини сўраб илтимос қилади.

Агар иштирокчи давлатларнинг камида учдан бир қисми шундай конференция чақиришни маъқулласа, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида Бош котиб бу конференцияни чақиради. Ушбу Конференцияда иштирок этиб овоз беришда қатнашувчи иштирокчи-давлатларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинган ҳар қандай тузатиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига тасдиқлатиш учун тақдим этилади.

2. Тузатишлар уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси тасдиқлагандан сўнг ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларнинг учдан бир қисми қабул қилиши билан мазкур давлатлар Конституцияси тартиб-қоидаларига асосан кучга киради.

3. Тузатишлар кучга кирган пайдан бошлаб, уни қабул қилган иштирокчи-давлатлар учун мажбурий бўлиб қолади, бошқа иштирокчи-давлатлар учун эса мазкур Пакт қарорлари ва улар илгари қабул қилган ҳар қандай тузатишларни бажариш мажбурий бўлади.

## **52-модда**

46-модданинг 5-бандига мувофиқ қилинадиган билдиришлардан қатъи назар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ўша модданинг 1-бандида таъкидланган барча давлатларни қуйидагилар хусусида хабардор қилади:

- а) 48-моддага мувофиқ имзолаш, ратификация килиш ва қўшилиш ҳақида;
- б) 48-моддага мувофиқ ушбу Пактнинг кучга кириш санаси ва 51-моддага мувофиқ ҳар қандай тузатишларнинг кучга кириш санаси ҳақида.

## **53-модда**

1. Ушбу Пакт инглиз, испан, хитой, рус ва француз тилларида тузилган ва барчаси тенг кучга эга ҳамда улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти архивига сақлаш учун топширилиши керак.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Пактнинг тасдиқланган нусхаларини 48-моддада кўрсатилган барча давлатларга жўнатади





# ФУҚАРОЛИК ВА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТГА ФАКУЛЬТАТИВ ПРОТОКОЛ

1966-йил 19-декабрь



Мазкур Протоколда иштирок этувчи барча давлатлар,

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт (бундан буён «Пакт» деб юритилади) мақсадларига бундан кейин ҳам эришиш учун ва унинг қарорларини амалга ошириш учун Пактнинг IV қисми асосида таъсис этилувчи Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмига (бундан буён «қўмига» деб юритилади) мазкур протоколда таъкидланганидек, ушбу Пактда ифодаланган ҳуқуқларимиз бузилиб жабрланаяпмиз, дея таъкидлаётган айрим шахсларнинг хабарларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш имкониятини бериш мақсадга мувофиқлигини эътиборга олиб, қуйидагилар борасида келишдилар:

### **1-модда**

Мазкур Протокол иштирокчиси бўладиган, Пактнинг иштирокчиси бўлмиш давлат қўмитанинг юрисдикциясига кирадиган шахслардан хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш ваколатини эътироф этади, қайд этилган шахслар эса Пактда баён қилинган ҳуқуқлардан бири иштирок этувчи давлат томонидан бузилиб, биз шунинг жабрланувчисимиз дея тасдиқлайди. қўмига Пакт иштирокчиси саналган, лекин ушбу Протокол қатнашчиси бўлмаган давлатга алоқадор бўлган ҳеч бир хабарни қабул қилмайди.

### **2-модда**

1-модда қоидаларига риоя қилинган ҳолларда, Пактда қайд этилган ҳуқуқлардан бирортаси бузилган ва ҳуқуқий муҳофазанинг мавжуд бўлган барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинди деб уқтираётган шахслар қўмига кўриб чиқиши учун ёзма равишда хабар тақдим этиши мумкин.

### **3-модда**

Қўмига мазкур Протоколга мувофиқ тақдим этилган ҳар қандай хабарни, агар у имзосиз бўлса, ёки қўмига фикрига кўра шу каби хабарларни тақдим этиш ҳуқуқини суиистеъмол қилиш деб саналса ёки Пакт қоидаларига қарама-қарши деб топилса, номақбул деб ҳисоблаши мумкин.

### **4-модда**

1. 3-модда қоидаларига риоя этилган ҳолларда ушбу Протоколга мувофиқ қўмига ўзига тақдим этилган ҳар қандай хабарни мазкур Протоколда иштирок этувчи ва тасдиқлаётганидек Пактнинг бирорта қоидасини бузувчи давлат эътиборига ўша хабарни етказди.

2. Бундай хабарни олган давлат олти ой мобайнида қўмига бу масалани аниқлаштирувчи бирор-бир чоралар кўрилган бўлса, қўмига шу тўғрида ёзма тушунтириш ёки баёнот тақдим қилади.



## **5-модда**

1. қўмита алоҳида шахс томонидан ва манфаатдор иштирокчи-давлат томонидан тақдим этилган барча ёзма ҳужжатларни эътиборга олган ҳолда, ушбу Протоколга биноан олинган хабарларни кўриб чиқади.

2. қўмита қуйидагилар хусусида тасдиқ олингунча қуйидаги хабарларни кўриб чиқмайди:

а) айти шу масала бошқа халқаро муҳокама ёки тартибга солиш тартиб-қоидаларига биноан кўриб чиқилмаётгани ҳақида;

б) ушбу шахс ҳуқуқий ҳимоянинг барча имкониятли воситаларидан фойдаланиб бўлгани хусусида.

3. Мазкур Протоколда қайд этилган хабарларни кўриб чиқишда қўмита ёпиқ мажлис ўтказади.

4. қўмита ўз фикр-мулоҳазаларини тегишли иштирокчи-давлатга ва шахсга маълум қилади.

## **6-модда**

Қўмита 45-моддада назарда тутилган йиллик маърузасига ушбу Протоколга мувофиқ ўз фаолияти ҳақида қисқача ҳисоботни киритади.

## **7-модда**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1960 йил 14 декабрда қабул қилинган Мустамлака мамлакатлар ва халқларга Мустақиллик бериш ҳақидаги Декларация хусусидаги 1514 (XV) резолюцияси мақсадларига эришилгунга қадар ушбу Протокол қоидалари мазкур халқларга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослашган муассасаларнинг бошқа халқаро конвенциялари ҳужжатлари тақдим этган петициялар бериш ҳуқуқини ҳеч бир шаклда чекламайди.

## **8-модда**

1. Ушбу Протокол Пактга имзо чеккан ҳар бир давлат томонидан имзо чекилиши учун очиқ.

2. Ушбу Проткол Пактни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат томонидан ратификация қилиниши керак. Ратификация ёрлиқлари сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилади.

3. Ушбу Протокол Пактни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат учун очиқ.

4. Қўшилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига қўшилиш ҳақидаги ҳужжатни сақлаш учун топшириш билан амалга оширилади.



5. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Протоколни имзолаган ёки унга қўшилган барча давлатларни қўшилиш тўғрисидаги ҳар бир ратификация ёрлиғи ёки ҳужжат сақлаш учун топширилгани ҳақида хабардор қилади.

#### **9-модда**

1. Пакт кучга кирган шароитда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига қўшилиш ҳақидаги ўнинчи ратификация ёрлиғи ёки ҳужжати сақлаш учун топширилган кундан бошлаб уч ой ўтгач ушбу Протокол кучга киради.

2. қўшилиш тўғрисидаги ўнинчи ратификация ёрлиғи ёки ҳужжат топширилгандан сўнг мазкур Протоколни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат учун ушбу Протокол қўшилиш тўғрисидаги ўша давлатнинг шахсий ратификация ёрлиғи ёки ҳужжати сақлаш учун топширилган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

#### **10-модда**

Ушбу Протокол қарорлари федератив давлатларнинг ҳамма қисмларига ҳеч бир чеклаш ёки истисносиз татбиқ этилади.

#### **11 -модда**

1. Мазкур Протоколда иштирок этувчи ҳар бир давлат тузатиш таклиф этиши ва уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этиши мумкин. Бош котиб сўнгра ҳамма тузатишларни ушбу Протоколда иштирок этувчи давлатларга юбориб улар шу таклифни кўриб чиқиш ва шунинг юзасидан овоз бериш мақсадида иштирок этувчи давлатлар конференциясини чақиришни ёқлаш ёки ёқламаслигини билдиришини сўраб илтимос қилади. Агар иштирокчи-давлатларнинг камида учдан бир қисми шундай конференцияни чақиришни ёқлаб чиқса Бош котиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида ўша конференцияни чақиради. Ушбу конференцияда иштирок этиб ва овоз беришда қатнашган давлатларнинг кўпчилики овози билан қабул қилинган ҳар қандай таклиф Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

2. Тузатишлар уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси тасдиқлагандан сўнг ва ушбу Протоколда иштирок этувчи давлатларнинг конституция тартиб қондасига мувофиқ уларнинг учдан икки қисми томонидан қабул қилиниши билан кучга киради.

3. Тузатишлар кучга киргач, шу тузатишларни қабул қилган иштирокчи-давлатлар учун мажбурий бўлади, бошқа иштирокчи-давлатлар учун эса мазкур Протокол қарорлари ва улар илгари қабул қилган барча тузатишлар мажбурий бўлиб қолади.



## **12-модда**

1. Ҳар бир иштирокчи-давлат ҳар қандай вақтда Бирлашган Миллатлар Ташқилоти Бош котиби номига ёзма хабарнома бериш йўли орқали ушбу Протоколни бекор қилиши мумкин. Бош котиб бундай хабарномани олган кундан бошлаб уч ой ўтгач бекор қилиш кучга киради.

2. Бекор қилиш 21-моддага асосан бекор қилиш кучга кирадиган санагача тақдим этилган ҳар қандай хабарга ушбу Протокол қоидаларини татбиқ этаверишга тўсқинлик қилмайди.

## **13-модда**

1 Ушбу Протоколнинг 8-модда 5-бандига мувофиқ берилган хабарномалардан қатъи назар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пактнинг 48-модда 1-бандида қайд этилган барча давлатларга қуйидагиларни маълум қилади:

- а) 8-моддага асосан имзолашлар, ратификациялар ва қўшилишлар;
- б) 9-моддага асосан ушбу Протколнинг кучга кириш санаси ва 11-моддага мувофиқ ҳар қандай тузатишларнинг кучга кириш вақти;
- с) 12-моддага кўра бекор қилишлар.

## **14-модда**

1. Ушбу Протокол инглиз, испан, хитой, рус ва француз тилларида тузилган бўлиб, ҳамма матнлар тенг кучга эга. Протокол сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти архивига топширилиши лозим.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Протоколнинг тасдиқланган нусхаларини Пактнинг 48-моддасида кўрсатилган барча давлатларга жўнатади.



**СУДЛАР ТОМОНИДАН ХОТИН-  
ҚИЗЛАРНИ КАМСИТИШНИНГ  
БАРЧА ШАКЛЛАРИГА БАРҲАМ  
БЕРИШ ТЎҒРИСИДА  
КОНВЕНЦИЯ НОРМАЛАРИНИ  
ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ**

Александр Вашкевич





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



## СУДЛАР ТОМОНИДАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАМСИТИШНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА КОНВЕНЦИЯ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

Профессор  
Александр Вашкевич

### Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш бўйича Қўмита

- ХҚҚБШББКнинг 17-моддасига асосан ташкил этилган
- 189 та иштирокчи-давлатлар
- 23 та экспертни ўз ичига олади

### Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида конвенция (ХҚҚБШББК)

- 1979 йил 18 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси Резолюцияси билан қабул қйлинган
- 1981 йил 3 сентябрда кучга кирган
- Ўзбекистон Республикаси Конвенцияга 1995 йил 19 июлда қўшилган

### Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш бўйича Қўмита

- Конвенцияни бажариш бўйича иштирокчи-давлатлар томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисоботларни кўриб чиқади;
- Конвенцияда назарда тутилган ҳуқуқларнинг бузилиши тўғрисида яқка тартибдаги муурожаатларни кўриб чиқади;
- Конвенцияни изоҳлаш ва қўллаш амалиётини умумлаштирган ҳолда Умумий тавсияларни қабул қилади;
- Хотин-қизлар ҳуқуқларини жиддий ва мунтазам бузишлар юзасидан текширувларни амалга оширади



## Судлар томонидан Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида конвенция нормаларини қўллаш амалиёти

### МИСОЛЛАР

#### Пассив сайлов ҳуқуқи ва сиёсий партия бўйича иш (Нидерландия)



##### Ишнинг мазмуни:

Парламентнинг қуйи палатасида вакил бўлган Ислоҳот протестант партияси (ИПП) аёлларни партиёга қабул қила бошлади. Аммо, аёллар ушбу партиядан Парламентга номзод бўла олмасдилар. Бир қанча жамоат ташкилотлари ИППга қарши судга даъво билан мурожаат қилди. Уларнинг фикрича ИПП Низоми ХҚҚБШББКнинг 7-моддасига зид ҳисобланади.



##### Нидерландия Олий Судининг қарори



#### Пассив сайлов ҳуқуқи ва сиёсий партия бўйича иш (Нидерландия)

Голландия Олий Суди қарор қилди:

→ ХҚҚБШББКнинг 7(с)-моддасининг тўғридан-тўғри амалда бўлишидан келиб чиқиб, давлат ўз фуқароларига қуйидагиларни кафолатлаши шарт:

- аёлларнинг сиёсий партияларга қабул қилиниши ҳуқуқини
- аёллар ўз номзодини депутатликка илгари суриш ҳуқуқини

→ фақат шу тарздагина давлат аёлларнинг сайловларда ўз номзодларини қўйиш ҳуқуқини самарали таъминлаши мумкин

*Конвенция қондаси бўйича ушбу масалани давлат ўз ихтиёридан келиб чиқиб ўзгартириш мумкин бўлган масала эмас.*

### Пассив сайлов ҳуқуқи ва сиёсий партия бўйича иш (Нидерландия)

Голландия Олий Суди қарор қилди:

→ Нидерландия Конституциясининг 4-моддаси, *Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддаси ва 2-моддаси билан биргаликда, Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенциянинг 7-моддаси* ҳар кимга жинсидан қатъий назар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини кафолатлайди.

### Пассив сайлов ҳуқуқи ва сиёсий партия бўйича иш (Нидерландия)

Голландия Олий Суди қарор қилди:

→ Конституциянинг 4-моддаси, ФСХПнинг 25-моддаси 2-моддаси билан биргаликда, ХҚҚБШББКнинг 7-моддаси белгиланган камситишни таъқиқлаш тўғрисидаги қоида **сўз юритилаётган бошқа асосий ҳуқуқлардан устун ҳисобланади**

→ Конституция ва кўрсатилган шартномаларда кафолатланган асосий ҳуқуқ, яъни эркаклар билан тенг равишда сайланиш ҳуқуқининг ИПП томонидан бузилиши партия аъзоларининг аёлларнинг жамиятдаги мақсади ва ўрни тўғрисидаги диний эътиқодлари билан оқланмайди.

→ Партиянинг низоми ХҚҚБШББК қоидаларини бузади, натижада партияга давлат субсидияси ажратилиши тўхтатилди

### «Интерконтиненталь» меҳмонхонасига киришга йўл қўйилмаганлик тўғрисида иш (Замбия)



#### Ишнинг мазмуни:

Лусакада жойлашган «Интерконтиненталь» меҳмонхонасининг барига аёллар эркакларнинг ҳамроҳлигисиз кириш таъқиқланганлиги сабабли С. Лонгве хоним барга бир неча бор киритилмаган. Эркакларнинг аёллар ҳамроҳлигисиз барга кириши эса чекланмаган.

С. Лонгве хоним жинс бўйича камситилмаслик тўғрисидаги Ковенцияда белгиланган ҳуқуқи бузилганлиги юзасидан судга шикоят билан мурожаат қилди.



#### Суднинг қарори





## «Интерконтиненталь» меҳмонхонасига киришга йўл қўйилмаганлик тўғрисида иш (Замбия)

### Суд

→ жавобгарнинг Замбия ХҚҚБШББКни ратификация қилганлигига қарамай, давлат ундан келиб чиқадиган аниқ қонунларни қабул қилмаганлиги ва шунинг учун даъвогар конвенцияга ҳавола қила олмаслиги ҳақидаги эътирозини рад этди

→ **«Давлат томонидан Ковенцияни ҳеч қандай қўшимча шартларсиз ратификация қилиш давлат ўзини ушбу ҳужжат қоидалари билан боғланган деб ҳисоблаганининг аниқ далилидир...»** деб таъкидлади

→ даъвогарнинг ҳуқуқлари бузилган деб тан олди ва унга пуллик компенсация тўлаш бўйича қарор қилди

## Исмни ўзгартириш бўйича иш (Иордания)



### Ишнинг мазмуни:

Даъвогар судга қизининг исмини ўзгартириш тўғрисидаги илтимос билан мурожаат қилди, чунки янги туғилган чақалоқнинг исмини танлашда чақалоқнинг онаси сифатида эри уни фикрини инобатга олишни хоҳламаган эди.



### Суднинг қарори



## Исмни ўзгартириш бўйича иш (Иордания)

### Суд қарор қилди:

→ ХҚҚБШББКнинг 5-моддасига мувофиқ иштирокчи-давлат қуйидаги мақсадларда барча тегишли чораларни амалга оширади:

- у ёки бу жинснинг камчилиги ёки устунлиги ё бўлмаса эркак ва аёлларнинг ролидан келиб чиқадиган ғояларга асосланган хурофотларга барҳам бериш, урф-одатлар ва амалиётларни йўқ қилиш учун эркаклар ва аёллар хулқ-атворининг ижтимоий ва маданий моделини ўзгартириш;
- оиладаги тарбия оналикни ижтимоий функция сифатида тўғри тушунилишини ҳамда эркак ва аёлнинг ўз фарзнадларини тарбияси ва ривож учун умумий масъулиятини тан олишни ўз ичига олишни таъмилаш
- «Суд, Конвенциянинг ушбу қоидаларига ҳавола қилган ҳолда, аёллар барча ҳуқуқларда эркаклар билан тенг деб ҳисоблайди... Даъвогарнинг онаси куёви бола исмини танлашда хотинининг фикрини инобатга олмаганини айтиб ўтди, бу эса аёлларга нисбатан камситиш мавжудлигини кўрсатади. Даъвогарга қизининг исмини ўзгартириш ҳуқуқини бериш керак, чунки суд ҳокимияти ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳимоячисидир...»



## Ҳомиладор ўқитувчининг ишдан бўшатилиши тўғрисидаги иш (Белиз)



### Ишнинг мазмуни:

Ўқитувчи бўлиб ишловчи фуқаро Мария Роше давлат католик мактабида дарс берар эди. У турмушга чиқмаган эди ва раҳбарига ҳомиладор эканлигини айтди. Бунга жавобан у ишдан бўшатилиши тўғрисида хат олди.

Роше хоним унинг ишдан бўшатилиши камситилишни таъқиқловчи Белиз Конституциясининг 16-моддасини бузиш эканлиги тўғрисида судга шикоят қилди. Ахир, эркак ўқитувчилар ўзларининг жинсий шериклари билан никоҳ қурмаганликлари, шунингдек никоҳсиз туғилган фарзандлари борлиги сабабли ишдан бўшатилмаган.



### Суднинг қарори



## Ҳомиладор ўқитувчининг ишдан бўшатилиши тўғрисидаги иш (Белиз)

Жавобгар – католик мактабнинг раҳбарияти

- даъвогар томонидан имзоланган қуйидаги шартга эга бўлган шартномага ҳавола қилди: «Мен католик сифатида Рим-католик черковининг таълимотига ихтиёрий равишда риоя қиламан... Исонинг турмуш ва жинсий ҳаёт ҳақидаги таълимотларига амал қиламан. Агар мен ушбу шартларни бажара олмасам, мен ишдан бўшатишим мумкинлигини қабул қиламан»
- Эркаклар ҳам шартноманинг ушбу қоидасини бузсалар, ишдан бўшатилади деган далилни илгари сурди.

## Ҳомиладор ўқитувчининг ишдан бўшатилиши тўғрисидаги иш (Белиз)

Суд қуйидагиларни аниқлади:

- шартномада даъвогарнинг имзоси йўқлигини
- шартномани тасдиқловчи гувоҳлар имзоси йўқлигини

Судья эркаклар ўзларининг никоҳдан ташқари муносабатларини осонгина яширишлари мумкинлиги аёллар эса ҳомиладорлик оқибатларини яширишлари мумкин эмаслиги сабабли ишдан бўшатилаётган аёл ва эркаклар тенг мавқеда эмас деб ҳисоблади.



## Ҳомиладор ўқитувчининг ишдан бўшатилиши тўғрисидаги иш (Белиз)

### Суд қарор қилди:

- «Белиз ХҚҚКБШББКни имзолаган ва ратификация қилган. ХҚҚКБШББКнинг 11-моддаси 2 (а) бандида «ҳомиладорлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш таътили сабабли ишдан бўшатишни ёхуд оилавий аҳволи туфайли камситиш санкциялар қўллаш таҳдиди остида таъқиқланади» дейилган
- жавобгарнинг Роше хонимнинг никоҳсиз ҳомиладорлиги сабабли унга қарши қилган ҳаракатларини қабул қилиш Белизнинг ХҚҚКБШББК бўйича олган мажбуриятларига путур етказганлигини аниқлаган бўлар эди
- жавобгарнинг ҳаракатлари ноқонуний
- даъвогарга пул компенсацияси тўланиши белгиланди

## ХУЛОСА

- сўнги йилларда Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш бўйича Қўмитанинг нуфузи сезиларли даражада ортди
- барча қитъалардаги судлар ўз амалиётларида ХҚҚКБШББК қоидаларини фаол қўлламоқдалар
- бир қатор мамлакатларнинг Олий судлари яқка тартибдаги мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича Қўмита томонидан қабул қилинган Мулоҳазаларни мажбурий бажарилишини кўзлаб иш тутмоқдалар

## ХУЛОСА

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди зиммасига яқка тартибдаги мурожаатлар асосида қабул қилинган БМТнинг устав органлари ва шартномавий органлари қарорларини кўриб чиқиш мажбурияти юкланган.

*БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари хабарномалари ва қарорларини кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом, 2-банди*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сонли Фармони билан тасдиқланган.



**ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ  
КАМСИТИЛИШИНИНГ БАРЧА  
ШАКЛЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИШ  
ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ**

1979-йил 18-декабрь



## КИРИШ

Хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли бўлишига эришиш йўлида 1979 йил 18 декабрда муҳим қадам қўйилган эди. Шу куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш туғрисидаги Конвенцияни қабул қилди.

30 та моддадан иборат бўлган Конвенцияда, барча хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган халқаро-ҳуқуқий шаклдаги тамойиллари ва чоралари аниқлаб берилган.

Унинг қабул қилиниши беш йилдан ортиқ вақт мобайнида давом этган ҳар хил ишчи гуруҳлар, хотин-қизлар аҳволини ўрганувчи комиссиялар фаолияти, шунингдек Бош Ассамблеянинг маслаҳатлари натижаси бўлди.

Кенг қамровли Конвенция хотин-қизларга нисбатан фақат жинсий белгиси асосида қўлланувчи истисно ва чеклашларнинг ҳар хил кўринишларини жамлаб, аёлларнинг оилавий ҳолатидан қатъи назар, барча соҳаларда - сиёсатда, иқтисодда, ижтимоий ҳаётда, маданиятда, фуқароликда хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлашга чақиради. У давлатларни хотин-қизлар камситилишига қарши миллий қонунчилик чораларини ҳамда эркалар ва аёллар ўртасида амалдаги тенгликни тезлик билан ўрнатишга қаратилган вақтинчалик махсус чораларни қабул қилишга чақиради, шушгдек аёлларнинг ҳуқуқлари камситилишини саклаб қолишга имкон берувчи ижтимоий ва маданий моделларни ўзгартириш чораларини кўришни тавсия қилади...

Бошқа чоралар хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда, таълим олишда ва бир хилдаги ўқув дастурларига эга бўлишда тенгликни таъминлашга, меҳнат ҳақи ва иш билан бандликда аёлларнинг ҳуқуқларини камситувчи ҳолларни тугатишни ҳамда хотин-қизларнинг турмушга чиққанида ва она бўлган пайтида иш билан таъминлаш кафолатини назарда тутди.

Конвенция оилавий ҳаёт масалаларида эркак ва аёллар учун бир хил ҳуқуқ ва бурчларни ўрнатади. У шунингдек, керакли ижтимоий хизмат кўрсатишни таъминлашга, жумладан ота-оналар оилавий вазифаларини меҳнат фаолияти билан бирга қўшиб олиб бориш ва ижтимоий ҳаётда қатнашиш учун шароит яратувчи болаларни парвариш қилувчи ташкилотларнинг тармоқларини тузишга даъват этади.

Конвенциянинг бошқа моддаларида соғлққни сақлаш соҳасида хотин-қизлар камситилишига барҳам беришга даъват этилган, шу жумладан, оиланинг катта-кичиклигини режалаштиришда эркак ва аёлларга тенг фуқаролик ҳуқуқларини бериш масалалари ҳам ифодаланган. Бунга кўра, давлатлар хотин-қизларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган барча шартнома ва бошқа ҳусусий ҳужжатлар ҳақиқий эмас деб ҳисоблашга келишмоқдалар.



Конвенцияда қишлоқ, жойларда яшовчи аёллар дуч келаётган муаммоярга алоҳида эътибор берилган.

Конвенция давлатларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини қандай бажараётганини халқаро кузатув амалга оширувчи механизмни таъсис этади.

Конвенциянинг амалга оширилишини кўриб чиқиш учун иштирокчи давлатлар экспертлар қўмитасини сайлайдилар ва улар хусусий эксперт сифатида иш юритадилар.

1980 йилнинг 1 мартдан имзолаш учун очиқ бўлган Конвенция, 20 та давлат Конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилиш орқали унинг қоидаларига риоя қилиш мажбуриятлари олгандан кейин кучга киради.

## **ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ КАМСИТИЛИШИНING БАРЧА ШАКЛЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА КОНВЕНЦИЯ**

Ушбу Конвенциянинг иштирокчи давлатлари:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотиниш Низоми инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахсиятининг кадрияти ва кадр-қимматига, эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлигига ишончни яна қарор топдирганлигини ҳисобга олган ҳолда,

инсон ҳуқуқларининг Умумжаҳон декларацияси ҳуқуқлариинг камситилишига йўл қўймаслик принципини таъкидлаб, барча инсонлар ҳуқуқ ва кадр-қимматларида тенг ва эркин бўлиб туғилишини, унда эълон қилинганидек, ҳар бир инсон шу жумладан жинсдаги нисбатан бўлган фарқлардан қатъий назар барча ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлмоғи кераклигини эълон қилганлигини ҳисобга олган ҳолда,

инсон ҳуқуқлари хақидаги Халқаро пактларнинг иштирокчи-давлатларига эркак ва аёллар учун барча иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан тенг фойдаланишни таъминлаш вазифалари юклатилганлигини ҳисобга олган ҳолда,

эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли бўлишига ёрдам бериш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослашган ташкилотлар кафилигида тузилган халқаро конвенцияларни эътиборга олган ҳолда,

шунингдек, эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли бўлишига ёрдам бериш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослашган ташкилотлар томонидан қабул қилинган резолюциялар, декларациялар ва тавсияномаларни ҳисобга олган ҳолда,

мана шу турли ҳужжатларга қарамай, хотин-қизлар ҳуқуқларининг камситилиш ҳоллари ҳамон юз бераётганлигидан ташвишланиб, хотин-қизлар ҳуқуқларининг камситилиши инсон кадр-қимматига бўлган ҳурмат ва тенг ҳуқуқлилиқ принципларига путур етқазилиши, аёллар эркаклар билан бир қаторда ўз мамлакатининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида иштирок этишига тўсқинлик қилишини, оила ва жамият фаровонлигининг ўсишига ҳалақит беришини ва инсонияг ва ўз мамлакатларининг манфаатлари йўлида хотин-қизларнинг имкониятлари тўлиқ намоён бўлишига яна ҳам кўпроқ кийинчиликлар туғдиришини эслатиб,

қашшоқлик шароитларида хотин-қизларнинг озиқ-овқатга, соғлиқни сақлашга, таълимга, касб тайёргарлиги ва ишга жойлашиш имкониятларига, шунингдек, бошқа эҳтиёжларни қондиришга имконияти жуда кам эканлигидан ташвишланиб,

тенглик ва адолат асосида ўрнатилган янги халқаро иқтисодий тартиб эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенгликни таъминлашда анчагина имконият беришига қатъий ишониб,

ирқий айирмачиликни, барча турдаги ирқчилик, ирқий камситиш, эски ва янги мустамлакачилик, агрессия давлатлар устидан ҳукмронлик ўрнатишни, бошқа давлат томонидан босиб олинишини ва ҳукмронлик қилишини ҳамда давлатларнинг ички ишларига аралашишни бартараф қилиш эркаклар ва хотин-қизлар ҳуқуқларини тўла амалга оширишнинг зарур омиллари эканлигини таъкиддаб,

халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро кескинликни юмшатиш, ижтимоий ва иқтисодий тизимларидан қатъий назар, барча давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, қатъий ва самарали халқаро назорат остида ёппасига ва батамом қуролсизланиш айнақса, ядровий қуролсизланиш мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда адолат, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларини қарор топтириш ҳамда чет эл ва мустамлака ҳукмронлиги ва бошқа давлатлар оккупацияси остида бўлган халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақиллик ҳуқуқини амалга ошириш, шунингдек давлатларнинг миллий мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш ижтимоий тараққиёт ва ривожланишга кўмаклашишини ҳамда бунинг оқибати ўлароқ эркаклар билан аёллар ўртасида тўла тенгликка эришиш имконини беришини тасдиқлаб, мамлакатнинг тўлиқ ривожланиши, бутун дунёда фаровонлик ва тинчлик иши барча соҳаларда аёлларнинг эркаклар билан барабар мумкин қадар кўпроқ иштирок этишларини талаб қилишига қатъий ишониб,

хотин-қизларнинг оила фаровонлиги ва жамият ривожига қўшаётган ҳозиргача тўла тан олинмаган ҳиссасининг аҳамиятини, оналикни ижтимоий аҳамиятини ҳамда оилада ва болатарбиясида ота-онанинг тутган ўрнини ҳисобга



олган ҳолда аёлнинг насл давомчисисифатидаги ўрни аёл ҳуқуқларининг камситилишига сабаб бўлмаслигини, чунки болаларнинг тарбияси эркак ва аёлларнинг ва умуман жамиятнинг биргаликдаги жавобгарлигини талаб қилишинианглаб, эркак ва аёл ўртасида тўла тенгликка эришиш учун, ҳамфкак, ҳам аёлнинг жамият ва оилада тутган анъанавий ўрнини ўзгартириш зарурлигини тан олиб, хотин-қизлар ҳуқуқдарининг камситшшшини бартараф этиш тўғрисидаги Декларацияда эълон қилинган принципларни амалга ошириш ва шу мақсадда бундай ҳуқуқлар камситилишининг барча шакллари ва кўринишларини бартараф этиш учун зарур чораларни кўришга азму қарор қилиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

## I ҚИСМ

### 1-модда

Мазкур Конвенциянинг мақсади ўлароқ «хотин-қизларнинг камситилиши» тушунчаси, ҳар қандай фарқ, жинсий белгиларига кўра истисно қилиш, чеклаш, тан олмаслик, йўққа чиқариш ёки бўшаштиришга йўналтирилган, аёллар фойдаланаётган ёки амалга ошираётган ҳар қандай сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаровий ва бошқа соҳада оилавий шароитидан қатъи назар эркак ва аёлларга тенглик асосида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар берилишини англатади.

### 2-модда

Иштирокчи давлатлар хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларини қоралаб, зудлик билан барча тегишли усуллар орқали хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш сиёсатини юргизишга келишадилар ва шу мақсадда қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

а) эркаклар билан аёллар ўртасидаги тенглик тамойилини, агарда бу ҳозиргача қилинган бўлмаса, миллий Конституцияга ва бошқа тегишли қонунларга киритиш ҳамда қонун ва бошқа тегишли воситалар ёрдамида ушбу тамойидни амалиётга жорий этишни таъминлаш;

б) хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишини таъқиқловчи тегишли қонунчилик ва бошқа чораларни кўриш, зарур бўлганда санкцияларни қўллаш;

в) эркаклар билан тенглик асосида аёлларнинг ҳуқуқлари юридик жиҳатдан ҳимояланишни ўрнатиш, ваколатли миллий судлар ва давлат муассасаларининг ёрдамида хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишига қарши уларнинг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш;



г) хотин-қизларнинг камситадиган бирон бир ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишдан тийилиш, давлат органлари ва муассасалари ушбу мажбуриятга мувофиқ фаолият кўрсатишларига кафолат бериш;

д) бирон-бир шахс, ташкилот, ёки корхона томонидан хотин-қизлар камситилишини бартараф этиш учун барча тегишли чораларни кўриш;

е) хотин-қизларни камситувчи мавжуд қонунлар, қарорлар, урф-одатлар ва амадиётни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун барча тегишли чораларни, шу жумладан қонунчилик чораларини кўриш;

ж) хотин-қизларни камситишдан иборат бўлган ўзининг жиноятчиликка оид қонунларининг барча моддаларини бекор қилиш.

### **3-модда**

Иштирокчи давлатлар эркаклар билан тенглик асосида хотин-қизларнинг инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларини рўёбга чиқаришлари ва улардан фойдаланишларини кафолатлаш мақсадида хотин-қизларининг ҳар томонлама ривожланишини ва тараққиётини таъминлаш учун барча соҳаларда, хусусан сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда барча тегишли чораларни, шу жумладан қонунчилик чораларини кўрадилар.

### **4-модда**

1. Мазкур Конвенцияда кўрсатилганидек, иштирокчи давлатлар томонидан хотин-қизларнинг эркаклар билан амалда тенглигини таъминлаш тезлаштиришга қаратилган вақтинча қабул қилинган махсус чоралар ҳуқуқларни камситувчи деб ҳисобланмайди, лекин у тенг ҳуқуқли бўлмаган ёки табақалаштирилган андозаларнинг сақланиб қолишига асло олиб келмаслиги керак; қачонки имкониятларнинг тенглиги ва тенг ҳуқуқли муносабатнинг мақсадларига эришилгандан сўнг бу чоралар бекор қилиниши зарур.

2. Иштирокчи давлатлар оналикни ҳимоя қилишга қаратилган махсус чораларни, жумладан ушбу Конвенцияда мавжуд бўлган чораларни қабул қилиши камситувчи чоралар деб ҳисобланмайди.

### **5-модда**

Иштирокчи давлатлар барча тегишли чораларни қабул қилишларидан мақсад:

а) эркак ва аёлларнинг ижтимоий ва маданий хулқ-атвор моделларини битта жинс иккинчиси устидан устун бўлиши ёки эркак ва аёлнинг бир хил роли ғоясига асосланган ҳурофий урф-одатлар,

бидъатлар ва шунга ўхшаш ҳолларни тугатиш ва бекор қилиш мақсадида ўзгартириш;



б) болалар манфаатлари барча ҳолларда устун кўришини назарда тутиб, оилавий тарбия ўз ичига оналикни ижтимоий вазифа сифатида тўғри англаниши ҳамда эркак ва аёлларнинг ўз болалари тарбияси ва камолоти учун умумий жавобгарияги эътироф этилиши қамраб олинишини таъминлаш.

#### **6-модда**

Иштирокчи давлатлар аёлларни сотишнинг ва фоҳишаликда ишлатишнинг барча турларига чек қўйиш учун барча тегишли чораларни, шу жумладан қонунчилик чораларини кўрадилар.

## **II ҚИСМ**

#### **7-модда**

Иштирокчи давлатлар мамлакатнинг сиёсий ва жамоат ҳаётида хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш юзасидан барча тегишли чораларни кўрадилар, жумладан, аёлларга эркаклар билан тенг шарт-шароитлар асосида қўйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар:

а) барча сайловлар ва оммавий референдумларда овоз бериш ва оммавий сайланадиган органларга сайланиш;

б) давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашиш ҳамда давлат лавозимларини эгаллаш, шунингдек, давлат бошқарувининг барча бўғинларида давлат вазифаларини амалга ошириш;

в) мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаёт муаммолари билан шуғулланадиган ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва уюшмаларнинг фаолиятида қатнашиш.

#### **8-модда**

Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг эркаклар билан тенглик асосида ва ҳеч қандай камситишсиз халқаро миқёсда ўз ҳукуматлари номидан вакиллик қилиш ва халқаро ташкилотлар ишида қағнашиш имкониятларини таъминлаш мақсадида барча тегишли чораларни кўрадилар.

#### **9-модда**

1. Иштирокчи давлатлар фуқаролиғни қабул қилиш, уни ўзгартириш ёки сақлаб қолишда аёлларга эркаклар билан тенг ҳуқуқларни беради. Улар, жумладан, чет эл кишисига турмушга чиққанда ҳам, турмушга чиқаётган вақтда турмуш ўртоғининг фуқаролиғи ўзгарганда ҳам аёлнинг фуқаролиғи ўз-ўзидан ўзгаришига олиб келмайди, уни фуқаролиғи бўлматан шахсга аяантирмайди ва эрининг фуқаролиғини қабул қилишга мажбур эта олмайди;

2. Иштирокчи давлатлар аёлларга ўз фарзандларининг фуқаролиғига нисбатан эркаклар билан тенг ҳуқуқлар беради.

### III ҚИСМ

#### 10-модда

Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг камситилишини бартараф этиш, аёлларнинг эркаклар ва аёллар тенглиги асосида таълим олиш соҳасида эркаклар билан тенг ҳуқуқларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрадилар. Жумладан, қуйидагиларни таъмин лайдилар:

а) шаҳар гуманитар сингари қишлоқ жойларида ҳам барча тоифадаги ўқув юртларида билимдан баҳраманд бўлиш ва диплом олиш, касб-кор ёки мутахассисликни танлашда бир хил шароитларни яратиш, бундай тенглик мактабгача тарбия, умумтаълим, ўрта махсус ва олий техник маълумот олишда, шунингдек, касбга тайёрлашнинг барча турларида таъминланади;

б) бир хил ўқув дастурларига, бир хил имтиҳонларга, бир хил малакали ўқитувчилар таркибига, тенг сифатли мактаб хоналари ва жиҳозларига эга бўлиш;

в) барча таълим олиш босқичлари ва шаклларида эркак ва хотин-қизлар ролининг биргаликда ва бошқа хилдаги таълим олиш йўли орқали ҳар қандай бир қолипдаги конценпциясини бартараф этиш ва шу асосда, жумладан, ўқув кўлланмалари ва мактаб дастурларини қайта кўриб чиқиш ҳамда ўқитиш услубларини мослаштириш йўли билан шу мақсадга эришиш;

г) таълим учун стипендия ва бошқа нафақалар олиш имкониятларининг бир хиллиги;

д) эркаклар ва аёллар билимдаги ҳар қандай узилишни мумкин қадар тезлик билан қисқартиришга йўналтирилган функционал саводхонлик дастури ва катта ёшдагилар орасидаги саводхонликни оммалаштириш дастурларини назарда тутиб, таълим олишни давом эттириш дастуридан фойдаланиш имкониятларининг бир хиллиги;

е) мактабни тугатмаётган қизлар сонини камайтириш ва мактабни барвақт тарк этган аёллар ва қизлар учун алоҳида дастурларни ишлаб чиқиш;

ж) жисмоний тайёргарлик ва спорт машғулотларида фаол қатнашиш учун бир хил имкониятлар яратиш;

з) оилалар соғлиги ва фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида таълим соҳасига багишланган махсус ахборотларга, шу жумладан оиланинг катта-кичиклигини: режалаштириш тўғрисидаги ахборот ва йўл-йўриқ маълумотларига эга бўлиш.

#### 11-модда

1. Хотин-қизларнинг иш билан банд бўлиш соҳасидаги ҳуқуқлари камситилишини бартараф этиш, айти вақтда эркаклар билан аёлларнинг тенг



ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида иштирокчи давлатлар барча тегишли чораларни, жумладан, қуйидаги ҳуқуқларни таъминлаш чораларини кўрадилар:

а) барча инсонларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида меҳнат қилиш ҳуқуқи;

б) ишга ёллашда бир хил имкониятларга эга бўлиш, шу билан бирга ишга ёллашда бир хил танлаш мезонларини қўллаш ҳуқуқи;

в) касб ёки иш турини эркин танлаш, лавозим бўйича кўтарилиш ва иш билан банд этиш кафолатига эга бўлиш, шунингдек, шогирдлик, юқори даражадаги касб бўйича тайёргардик ва мунтазам суратда малака оширишни ўз ичига олган ҳолда меҳнат қилишнинг барча имтиёзлари ва шарт-шароитларидан тўлиқ фойдаланиш, касб бўйича тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқи;

г) имтиёзлар олишни ҳам ҳисобга олган ҳолда тенг мукофотланиш, бир хил кимматга эга бўлган меҳнатга нисбатан тенг шароитларга, шунингдек, иш сифатини баҳолашга тенг ёндашиш ҳуқуқи;

д) жумладан нафақага чиқиш, ишсиз қолиш, касаллик, ногиронлик, қариллик ва меҳнат қобилиятини йўқотишдан иборат бошқа ҳолатларда ижтимоий таъминот ҳуқуқи шунингдек, ҳақи тўланадиган таътил ҳуқуқи;

ж) соғлиқни сақлаш ва хавфсиз меҳнат шароитларга эга бўлиш, шунингдек, наслни давом эттириш вазифасини сақлаб қолиш ҳуқуқи;

2. Аёлларнинг турмушга чиқмаганлиги ёки оналиги сабабли камситилишининг олдини олиш ва уларга меҳнат қилишнинг самарали ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида, иштирокчи давлатлар қуйидагиларни амалга ошириш учун тегишли чораларни кўрадилар:

а) ҳомиладорлик сабабли ишдан бўшатишни ёки ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича таътилга чиқаришни ёхуд оилавий аҳвол туфайли камситишни санкциялар қўлланиш таҳдиди остида манн қилиш;

б) охирги иш жойини, лавозимини ёки ижтимоий нафақаларини йўқотмаган ҳолда ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича ҳақи тўланадиган таътиллار ёки таққослама ижтимоий нафақалар, тўланадиган таътиллар жорий этиш;

в) ота-оналар оилавий бурчларининг бажарилишини меҳнат фаолияти ва жамоат ҳаётдаги иштироки бияан бирга қўшиб олиб бориш имконини яратиш учун, жумладан, болаларни тарбия қилиш муассасалари тармоғини кенгайтириш йўли билан, қўшимча зарур ижтимоий хизмат кўрсатишни рағбатлантириш;

г) аёллар ҳомиладорлиги даврида уларнинг саломатлиги учун зарарли деб исботланган меҳнат турларида алоҳида ҳимоялашни таъминлаш;

3. Мазкур моддада ўз аксини топган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга тааллуқли қонунчилик илмий-техникавий билимлар асосида вақти-вақти билан кўриб

чиқилади, шунингдек, заруратга қараб қайтадан кўрилади, бекор қилинади ёки кенгайтирилади.

### **12-модда**

Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқлари камситилишига барҳам бериш мақсадида, эркак ва аёлларга тиббий хизматни тенг таъминлаш, оиланинг катта-кичиклигини режалаштириш масалаларида тегишли барча чораларни кўрадилар;

Иштирокчи давлатлар ушбу модданинг 1-банди қоидалари билан бир қаторда аёлларнинг ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврида тегишли хизматлар билан таъминлайди ва зарурият туғилганда, бепул хизматлар кўрсатадилар, шунингдек, ҳомиладорлик ва эмизикли даврида керакли озиқ-овқатларни етказиб берадилар.

### **13-модда**

Иштирокчи давлатлар ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларида хотин-қизларнинг камситилишига барҳам бериш, шу билан бирга эркак ва аёлларни тенглиги асосида уларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлаш борасида тегишли барча чораларни кўрадилар, жумладан қуйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар:

а) оилавий нафақа ҳуқуқи;

б) кўчмас мулк ҳисобига қарз ва бошқа шаклдаги молиявий кредитларни олиш ҳуқуқи;

в) дам олиш билан боғлиқ тадбирларда, спорт машғулоғларида ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида қатнашиш ҳуқуқи.

### **14-модда**

Иштирокчи давлатлар қишлоқ жойларда яшовчи хотин-қизлар дуч келадиган алоҳида муаммоларни ва уларнинг ўз оилалари иқтисодий фаровонлигини таъминлашда муҳим роль ўйнашини, шунингдек, уларни товарсиз хўжалик тармоқларидаги фаолиятини эътиборга олган ҳолда қишлоқ жойларда яшовчи аёлларга нисбатан мазкур Конвенция қоидаларининг қўлланилишини таъминлаш борасида барча тегишли чораларни кўрадилар.

Иштирокчи давлатлар қишлоқ жойларда хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш, эркак ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида уларнинг қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришдаги иштирокини таъминлаш ва бундай ривожланишдан наф кўриш учун барча тегишли чораларни кўрадилар, жумладан, бундай хотин-қизларга қуйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар:

а) барча даражаларда ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;



б) оилани режалаштириш масалалари бўйича ахборотлар, маслаҳатлар ва хизматларни қўшган ҳолда тегишли тиббий хизмат кўрсатилишига эришиш;

в) ижтимоий суғурта дастурлари қулайликларидан бевосита фойдаланиш;

г) жумладан, хотин-қизларнинг техникавий билим савиясини ошириш мақсадида функционал саводхонликни ҳисобга олган ҳолда барча турдаги расмий ва норасмий таълим ва тайёргарлик олиш, шунингдек, барча турдаги жамоа хизматларидан, қишлоқ хўжалик масалалари бўйича маслаҳат бериш хизматидан фойдаланиш;

д) мустақил меҳнат фаолияти ёки ишга ёллаш орқали тенг иқтисодий имкониятларни таъминлаш учун ширкатлар ва ўз ўзига ёрдам кўрсатиш гуруҳларини ташкил этиш;

е) жамоа фаолиятининг барча турларида иштирок этиш;

ж) қишлоқ хўжалик кредитлари ва заёмларига, сотиш тизимига, тегишли технологияларга, ер ва аграр ислохотларда, шунишдек ерларни қайта жойлаштириш режаларида тенг мақомга эришиш;

з) тегишли турмуш шароитларидан, айниқса, уй-жой шароитларидан, санитария хизматидан, электр ва сув таъмиинотидан, шунингдек, транспорт ва алоқа воситаларидан фойдаланиш;

## **IV ҚИСМ**

### **15-модда**

1. Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг қонун олдида эркаклар билан тенглигини тан оладилар.

2. Иштирокчи давлатлар хотин-қизларга эркаклар билан бир хил фуқаролик ҳуқуқларини ва уларни амалга оширишнинг бир хил имкониятларини берадилар, жумладан, улар мулкни бошқариш ва шартномаларни тузиш вақтида хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқларини, шунингдек, трибунал ва суд муҳокамасининг барча босқичларида уларга нисбатан тенг муносабатни таъминлайдилар.

3. Иштирокчи давлатлар шунга қўшиладиларки, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини чеклашга қаратилган ҳар қандай ҳуқуқий шартномалар ва бошқа ҳар хил хусусий ҳужжатлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

4. Иштирокчи давлатлар эркак ва хотин-қизларга шахснинг кўчиб юриши, яшаш ва турар жойни танлаш эркинлигага тааллуқли бўлган қонунчиликка нисбатан бир хилдаги ҳуқуқларни беради.

### **16-модда**

1. Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг никоҳ ва оила муносабатларига тааллуқли ҳамма масалаларда камситилишини бартараф этиш учун барча

тегишли чораларни кўрадилар, жумладан, эркак ва аёлларнинг тенглиги асосида қуйидаги ҳуқуқпарни таъминлайдилар:

а) никоҳдан ўтишда бир хил ҳуқуқлар;

б) турмуш ўртоғини эркин танлаш ва никоҳдан факат ўзининг эркин ва тўлиқ розилиги билан ўтишда тенг ҳуқуқлар;

в) никоҳдан ўтиш ҳамда уни бекор қилиш пайтида бир хилдаги ҳуқуқ ва бурчлар;

г) болаларга тааллуқли бўлган масалаларда оилавий шароитидан қатъи назар, барча вазиятда болаларнинг манфаати устун турган ҳолда, эркак ва аёллар ота-она сифатида бир хилдаги бурч ва ҳуқуқларга эга бўлиши;

д) оилада болалар сони, уларнинг туғилиши ўртасидаги ёши масаласини эркин ва масъулиятли ечишда ва бу ҳуқуқларни амалга оширишни таъминлаб берадиган воситаларга, маълумотдарга ватаълим олишга бир хилда ёндашиш ҳуқуқига эга бўлиш;

е) болаларни фарзандликка олиш, ваколат бериш, тарбиялаш, васийлик қилиш ёки шунга ўхшаш вазифаларни миллий конунга асосан амалга оширишда барча вазиятларда болаларнинг манфаати устун турган ҳолда бир хил бурч ва ҳуқуқларга эга булиш;

ж) эр ва хотиннинг тенг шахсий ҳуқуқлари, шу жумладан, исми-шарифини, касб ва машғулоти танлаш ҳуқуқи;

з) эр-хотиннинг мол-мулкка бепул ва пуллик эгалик қилиш, сотиб олиш, бошқариш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш борасидаги тенг ҳуқуқлари.

2. Болани унаштириб қўйиш ва никохлаш юридик кучга эга бўлмайди, никоҳдан ўтишнинг энг қуйи ёшини аниқлаш ва ниқоҳларни фуқаролик ҳолати далолатномаларида мажбурий қайд этиш мақсадида, барча зарур, шу жумладан, зарур қонунчилик чора-тадбирлари кўрилади.

## V КИСМ

### 17-модда

Мазкур Конвенциянинг амалга оширилишини кўриб чиқиш учун хотин-қизларнинг камситилишини бартараф этиш.

қўмитаси таъсис этилиб (бундан буён қўмита деб аталади), Конвенция кучга киргунгача ўн саккизта, ратификация килингандан ёки унга ўттиз бешинчи иштирокчи давлатнинг қўшилганидан сўнг эса, мазкур Конвенция соҳасини мукамал биладиган юқори ахлоқий сифатларга ва етук маълумотларга эга бўлган йигирма учта экспертдан иборат бўлади. Бу экспертлар иштирокчи давлатлар томонидан ўз фуқаролари ичидан сайланадилар ва хусусий шахс



сифатида иш юритадилар, бунда ўринлар тақсимотида адолат билан географик ҳудуд ва ҳар хил шаклдаги цивилизация, шунингдек асосий ҳуқуқий тизимлар вакиллари ҳисобга олинади.

Қўмита аъзолари иштирокчи давлатлар томонидан рўйхатга киритилган шахслар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг фуқарояаридан бита вакилнинг номзодини бериши мумкин.

Мазкур Конвенциянинг кучга кирган кунидан бошлаб олти ойдан сўнг бирламчи сайловлар ўтказилади. Ҳар бир сайловни ўтказилишидан камида уч ой олдин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби иштирокчи давлатларга икки ой мобайнида ўз вакилларини кўрсатиш бўйича таклифларини юборишни хат орқали сўрайди. Бош котиб барча иштирокчи давлатлар томонидан ушбу тарзда кўрсатилган шахсларнинг рўйхатини алифбо тартибда тайёрлаб, иштирокчи давлатларга тақдим этади.

4. Қўмита аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби томонидан чақириладиган ва БМТ Марказий муассасаларида ўтказиладиган иштирокчи давлатлар йиғилишида сайланадилар. Бу йиғилишда мажлисни ҳақиқий деб ҳисоблаш учун иштирокчи давлатларнинг сони учдан икки қисмни ташкил этиши лозим. қатнашадиган ва овоз беришда иштирок этадиган иштирокчи давлат вакилларининг энг кўп ва мутлақ кўп овозини олган номзодлар қўмитага сайланган шахслар деб ҳисобланадилар.

Қўмита аъзолари тўрт йил муддатга сайланадилар. Бироқ биринчи сайловда сайланган тўққиз аъзонинг ваколат муддати икки йил ўтиши билан тугайди; биринчи сайловларни ўтказилгандан кейиноқ бу тўққиз аъзонинг фамилияси қўмита раиси томонидан қуръа ташлаш орқали танланади.

қўмитанинг беш нафар қўшимча аъзоси шумодданинг 2-, 3- ва 4-бандларига мувофиқ Конвенция ратификация қилинганидан сўнг ёки унга ўттиз бешинчи давлат қўшилгандан кейин сайланади. Шу тарзда сайланган икки қўшимча аъзонинг ваколат муддати икки йил ўтиши билан тугайди, бу икки қўшимча аъзонинг фамилияси қўмита раиси томонидан қуръа ташлаш орқали танланади.

Иштирокчи давлатлар эксперти қўмита аъзоси сифатида ўз вазифасини тугатган бўлса, кўзда тутилмаган бўш ўринларни тўлдириш учун қўмитанинг розилиги билан ўз фуқаролари ичидан бошқа экспертни тайинлайди.

8. қўмита аъзолари Бош Ассамблея тасдиқлайдиган мукофотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маблағларидан Ассамблея белгилайдиган шартлар ва тартибларга кўра Қўмитанинг вазифаси муҳимлигига қараб оладилар.



9. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби мазкур Конвенцияга кўра, қўмитанинг вазифаларини самарали бажариш учун зарур бўлган ходимлар ва моддий маблағлар билан таъминлаб боради.

### **18-модда**

1. Иштирокчи давлатлар ушбу Конвенциянинг қоидаларини бажариш учун қабул қилинган қонунчилик, суд, маъмурий ёки бошқа чора-тадбирлар тўғрисидаги ва буборада эришилган силжишлар ҳақидаги маърузани Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига қўмитанинг кўриб чиқиши учун тавдим этиш мажбуриятини оладилар, жумладан:

а) манфаатдор давлат учун мазкур Конвенциянинг кучга кирган кунидан бошлаб бир йил ичида;

б) шундан кейин ҳеч бўлмаганда ҳар тўрт йилда ва сўнгра, қачонки, бу ҳақда қўмита расмий равишда сўраганда.

2. Маърузаларда мазкур Конвенция буйича мажбуриятларни бажариш даражасига таъсир кўрсатадиган қийинчилик ва омиллар кўрсатилиши мумкин.

### **19-модда**

1. қўмита ўзи шахсий бажарадиган ишлар тартиби қоидаларини тасдиқлайди.

2. қўмита икки йил муддатга ўзининг мансабдор шахсларини сайлайди.

### **20-модда**

1. қўмита ушбу Конвенциянинг 18- моддасига кўра тақдим этилган маърузаларни кўриб чиқиш мақсадида, қоида бўйича икки ҳафтадан ошмайдиган давр ичида ҳар йили мажлис ўтказиб туради.

2. қўмитанинг йиғилишлари қоида бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида ёки бошқа қўмита томонидан белгиланадиган бошқа исталган қулай жойда ўтказилади.

### **21-модда**

Қўмита ҳар йили Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш орқали ўзининг фаолияти ҳақидаги маърузасини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига тақдим этади ва иштирокчи давлатлардан олинган маъруза ва ахборотларни ўрганишга асосланган умумий характердаги таклиф ва тавсияномаларни киритиши мумкин. Иштирокчи давлатларнинг фикрлари билан бирга агар шундай фикрлар бўлса умумий характердаги шундай таклиф ва тавсияномалар қўмитанинг маърузасига қўшимча қилиб киритилади.

Бош котиб қўмита маърузаларини хотин-қизларнинг ахволи бўйича Комиссиясига ахборот учун жўнатиб туради.



## **22- модда**

Ихтисослашган муассасалар ўзларининг фаолият доирасига кирадиган ушбу Конвенциянинг қоидачарини амалга ошириш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш чоғида вакиллик қилиш ҳуқуқига эгадир. қўмита ихтисослашган муассасаларга Конвенцияни амалга ошириш бўйича уларнинг фаолият доирасига кирадиган соҳалардаги маърузаларни тайёрлашни таклиф қилиши мумкин.

## **23-модда**

Ушбу Конвенцияда ҳеч бир нарса эркак ва хотин-қизлар ўртасидаги тенг ҳуқуқликка эришиш имкониятларини берувчи қуйида мавжуд бўлган қоидаларга даҳл килмайди:

- а) иштирокчи давлатларнинг қонунларида, ёки;
- б) шундай давлатлар учун юридик кучга эга бўлган ҳар қандай бошқа халқаро конвенция, битим, ёки шартномада.

## **24-модда**

Иштирокчи давлатлар мазкур Конвенцияда тан олинган ҳуқуқлар тўла амалга оширилишига эришиш учун миллий даражада барча зарур чораларни кўриш мажбуриятини оладилар.

## **25-модда**

1. Мазкур Конвенция барча давлатлар томонидан унга имзоланиш учун очикдир.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби мазкур Конвенциянинг депозитарийси этиб тайинланади.

3. Мазкур Конвенция ратификация қилиниши лозим. Ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширилади.

4. Мазкур Конвенция унга барча давлатларнинг кўшилиши учун очикдир. Унга кўшилиш шу ҳақдаги хужжатни Бирлашган Миллатлар Ташкшюти Бош котибига сақлаш учун топшириш йўли билан амалга оширилади.

## **26-модда**

1. Мазкур Конвенцияни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги илтимослар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби номига ҳар қандай иштирокчи давлатлар томонидан ёзма равишда исталган вақтда хабарнома орқали йўлланиши мумкин.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси, агар у қандайдир чораларни қабул қилиш зарурлигини эътироф этса, ушбу илтимосга нисбатан айнан қайси чораларни кўриш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилади.

### **27-модда**

Мазкур Конвенция йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш ҳақидаги ҳужжатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширилгандан сўнг ўтгизинчи кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Конвенцияни ратификация қиладиган ёки унга қўшиладиган ҳар бир давлат учун ушбу Конвенция йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки унга қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилгандан кейин ушбу Конвенция ҳар бир давлат учун ўттизинчи кундан бошлаб кучга киради.

### **28-модда**

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида давлатлар томонидан айtilган шартларнинг матнини қабул қилиб олиб тарқатади.

Мазкур Конвенциянинг мақсад ва вазифаларига тўғри келмайдиган қўшимча шартлар киритилмайди.

Шартлар хоҳлаган вақтда Бош котиб номига юборилган тегишли билдиришнома орқаш бекор қилиниши мумкин, кейин эса Бош котиб бу ҳақда барча иштирокчи давлатларга маълум қилади. Бундай билдиришнома у олинган кундан бошлаб кучга киради.

### **29-модда**

Мазкур Конвенцияни қўллаш ёки талқин этишга нисбатан икки ёки бир нечта иштирокчи давлатлар ўртасидаги ҳар қандай баҳс музокара йўли билан ечилмаса, унда томонлардан бирининг илтимосига биноан арбитраж муҳокамасига тақдим этилади. Агар арбитраж муҳокамасига берилган ариза олти ой ичида икки томоннинг келишувига имкон яратмаса, унда хоҳлаган томон шу баҳс юзасидан суд мақомига кўра тегишли ариза орқали Халқаро Судга мурожаат қилиши мумкин.

Ҳар қайси иштирокчи давлат мазкур Конвенцияни имзолаш, ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида ушбу модданинг 1 –бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан ўзини боғлиқ деб ҳисобламаслигини таъкидлаши мумкин, Бошқа иштирокчи давлатлар ушбу модданинг кўрсатилган бандидан келиб чиқиб, шундай шартни қўйган ҳар қандай иштирокчи давлатга нисбатан мажбурият олмайдилар.



Мазкур модданинг 2-бандига тегишли шартларни қўйган ҳар қандай иштирокчи давлат истаган пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига билдирипшома йуллаш билан ўз шартларини олиб ташлаши мумкин.

### **30-модда**

Мазкур Конвенция унинг инглиз, араб, исиан, хитой, рус ва француз тилларидаги матнлари айнан бир хилдадир. Сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига топширилади.

Етарли ваколатга эга бўлган қуйида имзо чекувчилар ушбуни тасдиқлаб, мазкур Конвенцияни имзоладилар.

## 1-КАЗУС

### «Рухсат этилмаган тинч йиғилишлар»

Ижтимоий тармоқлардаги блогерлар постидан бир гуруҳ фуқаролар шаҳар марказида Ободонлаштириш бошқармаси вакиллари кўп йиллик чинорнинг қуриган шох-шаббаларини кесиш билан бир қаторда баъзи соғлом шохларини ҳам кесиш ташлаётганини билиб қолдилар. Қўшни уйларда истиқомат қилувчи фуқаролар соғлом шох-шаббаларни кесишга тўсқинлик қилиш мақсадида воқеа жойига шошилдилар. Кутилмаганда митинг бошланиб кетди ва унда экологик ҳаракатнинг фаоллари гапира бошлашди. Воқеа жойига етиб келган милиция ходимлари йиғилганларга Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сонли Қарори билан тасдиқланган «Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш қоидалари»ни бузаётганлигини маълум қилди. Хусусан, тадбирни ўтказиш учун тегишли туман ҳокимияти комиссиясининг рухсати олинмаган. Бир неча фаоллар қўлга олиниб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 201-моддасини «Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш» бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилган.

#### **Ушбу ишни кўриб чиқаётган судьяга саволлар:**

1) Ушбу иш юзасидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган қандай халқаро ҳужжатлар қўлланилиши керак?

2) Судья иш юзасидан қарор чиқаришдан аввал тинч йиғилишлар ўтказиш эркинликлари соҳасида қайси шартномавий органнинг амалиёти билан танишиб чиқиши керак?

3) ЕХХТ доирасида қабул қилинган ушбу соҳада юмшоқ ҳуқуқ нормаларини ўз ичига олган бирор ҳужжат мавжудми?

4) Миллий қонун ҳужжатларининг қайси нормалари қўлланилиши керак?

5) Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларни қўлланилишини ва БМТнинг шартномавий органлари амалиётидан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда иш бўйича қандай қарор чиқарилиши мумкин?



## 2-КАЗУС

### **«Жиноий жазони ўтаган чет эл фуқаросини давлатдан чиқариб юбориш».**

Уганда фуқароси жаноб Т., 1984 йилда Ўзбекистонга талаба сифатида келган. У Тошкент Тиббиёт Институтини тамомлаган ва 1989 йилда Ўзбекистон фуқароси билан турмуш қурган. Ушбу турмушдан Ўзбекистон фуқаролари ҳисобланган тўрт нафар фарзанди бор бўлиб, шулардан учтаси Тошкентда, биттаси Бухорода дунёга келган. 1990 йилда унга Ўзбекистонда яшаш учун рухсат берилди, 2000 ва 2010-йилларда уни янгилади. Аммо, у Ўзбекистон фуқаролигини олмаган. 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 273-моддаси 3-қисмида белгиланган жиноятни (бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб гиёвандлик воситаларини кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказиш) содир этишда айбланиб, 8 йилга озодликдан маҳрум этилган. Кассация тартибида ишни кўрган Тошкент шаҳар суди биринчи инстанция суди чиқарган ҳукми ўз кучида қолдирган. Жаноб Т.нинг ишни назорат тартибида кўриш тўғрисидаги илтимосномаси Тошкент шаҳар суди томонидан рад этилган. 2016 йилда жазосининг 5 йиллик муддатини ўтагандан сўнг жаноб Т. Конституция қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан авф этилди. Амнистия тўғрисидаги Қарор асосида жазодан озод қилинган чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли Қарори билан белгиланган тартибда мамлакатдан чиқариб юборилади. Бу ҳақида хабар топган фуқаро Т. ўттиз йилдан ортиқ Ўзбекистонда яшаб келаётганлигини, Ўзбекистон фуқаросига уйланганини ва қарамоғида тўрт нафар фарзанди борлигини, улардан уч нафари вояга етмаганлигини таъкидлаган ҳолда биринчи инстанция суди қарори устидан кассация шикоятини киритди. Угандада унинг ҳеч қандай қариндошлари ва турар жойи йўқ. У суддан қарорнинг уни мамлакатдан чиқариб юбориш тўғрисидаги қисмини бекор қилишни ва шу билан бирга амнистия ҳақидаги қисмини сақлаб қолишни сўради.

### **Ишни кўриб чиқаётган судьяга саволлар:**

- 1) Ушбу иш юзасидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган қандай халқаро ҳужжатлар қўлланилиши керак?
- 2) Судья иш юзасидан қарор чиқаришдан аввал БМТнинг қайси шартномавий органининг (шартномавий органларнинг) амалиёти билан танишиб чиқиши керак?
- 3) Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларни қўлланилишини ва БМТнинг шартномавий органлари амалиётидан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда иш бўйича қандай қарор чиқарилиши мумкин?

### 3-КАЗУС

Фуқаро Б. болалигидан десантчи-ўт ўчирувчи бўлиб ишлашни орзу қилган. У парашют спорти бўйича махсус машғулотларда иштирок этган ва парашютчи халқаро сертификатига эга. Бироқ, ушбу касб Ўзбекистон меҳнат ва соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан тасдиқланган, аёллар меҳнати тўлиқ қўлланилиши таъқиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхатига киритилган эди. 2019 йилда кўрсатилган норматив ҳужжат бекор қилинганидан сўнг фуқаро Б. бўш бўлган десантчи-ўт ўчирувчи лавозимига ишга олишни сўраб мурожаат қилди. Бўш иш ўрини ҳақидаги эълонда қуйидагилар ёзилган эди: «Ушбу иш ўрнига талабгорга қуйидаги талаблар қўйилади: Кучли жисмоний ҳолат, чидамлилиқ, фидоийлик, ишончлилиқ, шайлиқ, интизомлилиқ, 170 смдан паст бўлмаган бўйга эга бўлиши».

Талабгорнинг бўйи 162 см бўлганлиги сабабли, у кўрсатилган лавозим учун ишга қабул қилинмади. Фуқаро Б. эълонда маълум бир жинсдаги шахслар, яъни аёллар учун салбий оқибатлар олиб келиши мумкин бўлган талабларни белгиланиши муносабати билан жинсга асосланган билвосита камситиш мавжудлиги тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилди.

#### **Ишни кўриб чиқаётган судьяга саволлар:**

1) Ушбу иш юзасидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган қандай халқаро ҳужжатлар қўлланилиши керак?

2) Миллий қонун ҳужжатларининг қайси нормалари қўлланилиши керак?

3) Судья иш юзасидан қарор чиқаришдан аввал камситишга йўл қўйилмаслиги соҳасидаги БМТнинг қайси шартномавий органининг (шартномавий органларнинг) амалиёти билан танишиб чиқиши керак?

4) Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларни қўлланилишини ва БМТнинг шартномавий органлари амалиётидан фойдаланишни, шунингдек, миллий қонунчилиқни ҳисобга олган ҳолда иш бўйича қандай қарор чиқарилиши мумкин?



## «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА БМТ КОВЕНЦИЯЛАРИ ҚОИДАЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЛАРИНИНГ ҚАРОРЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ» МАВЗУСИДАГИ АМАЛИЙ СЕМИНАР ДОИРАСИДА КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН МАТЕРИАЛЛАР

**ТУЗУВЧИ-ПРОФ. А.ВАШКЕВИЧ**

1. **ВАШКЕВИЧ А.** Первый факультативный протокол к Международному пакту о гражданских и политических правах: науч.- практ. ком. – Минск : «Позитив-центр», 2016. – 344 с.

2. **ЗИМНЕНКО Б.Л.** О месте и значении практики межгосударственных органов по защите прав и свобод человека в правовой системе Российской Федерации (на примере рассмотрения судами Российской Федерации конкретных дел). – Московский журнал международного права. 2017. № 3. С. 92–129. <https://www.mjil.ru/jour/article/view/218/158>

3. **УЛЬЯШИНА Л.** Международно-правовые стандарты в области прав человека и их реализация: теория и практика применения / Л.В. Ульяшина. – Вильнюс : ЕГУ, 2013. – 402 с.

[https://www.lawtrend.org/wp-content/uploads/2015/04/Ulyashina\\_MP-standarty-v-oblasti-prav-cheloveka.pdf](https://www.lawtrend.org/wp-content/uploads/2015/04/Ulyashina_MP-standarty-v-oblasti-prav-cheloveka.pdf)

4. **САРСЕМБАЕВ М.А.** Международные стандарты защиты прав человека и их имплементация в судебных решениях. – Астана, 2016. – 142 с.

<https://www.gcedclearinghouse.org/sites/default/files/resources/190256rus.pdf>

5. Руководящие принципы по свободе мирных собраний. Издание 2-е. Опубликовано Бюро ОБСЕ по демократическим институтам и правам человека (БДИПЧ). 2011.

<https://www.osce.org/files/f/documents/d/6/83237.pdf>







**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЛАРИ ТОМОНИДАН  
ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯЛАР НОРМАЛАРИНИНГ  
ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

Амалий семинар материаллари тўплами